

ISSN 2010-720X

ILIM HÁM JÁMIYET



FAN VA JAMIYAT

2021 (№3)


ISSN 2010-720X

2004-jildin mart ayman baslap shuga basladi

**ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ JOQARÍ HÁM ORTA
ARNAWLÍ BILIMLENDIRIW MINISTRILIGI**



**ÁJINIYAZ ATÍNDAGÍ NÓKIS MÁMLEKETLIK
PEDAGOGIKALÍQ INSTITUTÍ**



ILIM hám JÁMIYET

Ilmiy-metodikaliq jurnal

Seriya: Pedagogika ilimleri. Psixologiya ilimleri

**Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat
pedagogika instituti**

FAN va JAMIYAT

Ilmiy-uslubiy jurnal

Seriya: Pedagogika fanlari, Psixologiya fanlari

**Нукусский государственный педагогический
институт имени Ажинияза**

НАУКА и ОБЩЕСТВО

Научно-методический журнал

Серия: Педагогические науки, Психологические науки

**Nukus State Pedagogical Institute
named after Ajiniyaz**

SCIENCE and SOCIETY

Scientific-methodical journal

Series: Pedagogical sciences, Psychological sciences

№3

2021

**Shólkemlestiriwshi: Ájiniyaz atındaǵı Nókis
mámleketlik pedagogikalıq institutı hám jurnal redakciyası jámaáti
Shólkemlestiriw komiteti baslıǵı: OTEMURATOV B. – NMPI rektori
Bas redaktor:
ALLAMBERGENOV K. - filologiya ilimleriniń doktorı, professor**

REDKOLLEGIYA AǴZALARÍ

b.i.d., prof. **Allamuratov B.** (Nókis)
p.i.d., prof. **Alewov U.** (Nókis)
f.i.d., doc. **Ayymbetov M.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Ashirbaev S.** (Tashkent)
t.i.d., prof. **Ballieva R.** (Nókis)
f.i.k., doc. **Bekbergenova M.** (Nókis)
f.i.k., doc. **Davletov B.** (Nókis)
ps.i.f.d. (PhD) **Djolimbetova M.** (Nókis)
p.i.d., prof. **Erkibaeva G.** (Turkistan)
ps.i.k., doc. **Elmuratova A.** (Nókis)
p.i.d., prof. **Xalilov F.** (Tashkent)
t.i.d., prof. **Xolikova R.** (Tashkent)
a/x.i.d., doc. **Jumamuratov A.** (Nókis)
p.i.k., doc. **Jumabaev N.** (Nókis)
p.i.d. (DSc), doc. **Kerwenov T.** (Nókis)
f.i.k., doc. **Qadirov Q.** (Nókis)

f.i.d., prof. **Qulbek Ergobek** (Turkistan)
p.i.d.(DSc), doc. **Qarlıbaeva G.** (Nókis)
f.i.d. (DSc), doc. **Qazaqbaev S.** (Nókis)
f.i.k., prof. **Qochanov Q.** (Nókis)
p.i.k., doc. **Qurbaniyazova Z.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Mamedov N.** (Baku)
p.i.k., doc. **Mamirbaeva D.** (Nókis)
p.i.k., doc. **Pazilov A.** (Nókis)
f.i.d. (DSc), doc. **Palimbetov K.** (Nókis)
f.i.d. (DSc), doc. **Pirniyazova A.** (Nókis)
p.i.d., prof. **Raximov B.** (Gulistan)
p.i.d., prof. **Ruziev E.** (Urgench)
p.i.k., doc. **Tajieva A.** (Nókis)
ps.i.d. (DSc). **Utebergenov M.** (Nókis)
p.i.d., doc. **Utebaev T.** (Nókis)
ps.i.k., doc. **Sherimbetova Z.** (Nókis)
p.i.d., prof. **Yuldashev Q.** (Tashkent)

Juwaplı redaktorlar:

f.i.k., doc. **E.Xojaniyazov** – ózbek tili boyınsha
PhD, doc. **G.Kdirbaeva** – rus hám inglis tilleri boyınsha
Q.Biysenbaev – qaraqalpaq tili boyınsha

D.Dogarova - juwaplı xatker
Z.Xodjekeeva - korrektor
N.Allamuratova - operator

Jurnal 1992-jıldan «Qaraqalpaqstan muǵallimi» atamasında shıǵarıla baslaǵan. 2004-jılda «Ilim hám jámiyet» atamasına ózgerilip, 01-022-sanlı gúwalıq penen Qaraqalpaqstan Respublikası Baspasóz hám xabar agentligi tárepinen dizimge alınǵan.

2020-jılı 07-avgustta Ózbekstan Respublikası Prezidenti Administracyası janındaǵı xabar hám ǵalaba kommunikaciýalar agentligi tárepinen qayta dizimge alınıp, 1098-sanlı gúwalıq berilgen.

«Ilim hám jámiyet» jurnalı Ózbekstan Respublikası Ministirler kabineti janındaǵı Joqarı Attestaciya Komissiyası kollegiyasınıń qararı menen tómende kórsetilgen pánler boyınsha ilim doktorı dárejesin alıw ushın maqalalar járiyalanıwı tiyis bolǵan ilimiy basılımlar dizimine kirgizilgen:

- 01.00.00 – fizika-matematika ilimleri;
- 03.00.00 – biologiya ilimleri;
- 05.00.00 – texnika ilimleri;
- 07.00.00 – tariyx ilimleri;
- 10.00.00 – filologiya ilimleri;
- 11.00.00 – geografiya ilimleri;
- 13.00.00 – pedagogika ilimleri;
- 19.00.00 – psixologiya ilimleri.

PEDAGOGIKA ILIMLARI

Pedagogika teoriyasi hám tariyxı

ДАСТУРЛАШГА ОИД ФАННИ ЎҚИТИШ ВА БАҲОЛАШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН
ТИЗИМНИНГ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИ

С.С.Абдукаримов – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги

Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бош мутахассиси

Таянч сўзлар: тестловчи тизим, портативлик, манипуляция, фойдаланувчи интерфейси, тестлар тўплами, ечимни текшириш блоки.**Ключевые слова:** система тестирования, переносимость, манипуляции, пользовательский интерфейс, набор тестов, поток проверки решения.**Key words:** assessment system, portability, manipulation, user interface, test set, solution checking thread.

Ўзбекистонни 2030 йилга қадар глобал инновацион индекс рейтингда дунёнинг 50 та етакчи давлатлари қаторига киритиш бўйича улкан мақсадга эришишда инсон капитални ривожлантиришга қаратилган стратегик режа эълон қилинди. Мазкур мақсад илм-фан соҳасини замонавий иктисодиёт талабларига мослаштиришдан иборат бўлиб, ўз навбатида, илм-фандаги тегишли ҳуқуқий база билан тартибга солинадиган туб таркибий, ташкилий, молиявий ҳамда кадрлар ва инфратузилмага оид ислоҳот-ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6079-сонли Фармонида рақамли таълимни ривожлантириш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилиши белгиланган. 2021 йил 1 сентябрга қадар ҳар бир туман ва шаҳарда мавжуд инфратузилма объектлари негизда кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшлар ва аёллар учун рақамли технологиялар ўқув марказлари очилади; 2023 йил якунига қадар барча туман ва шаҳарларда ўқувчиларнинг ижодий ривожланиши ва компьютер дастурлаш асосларини ўрганиши учун мавжуд таълим муассасалари негизда 200 дан ортиқ информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар босқичма-босқич ташкил этилади [1].

Таълимнинг масофавий шакли электрон тизимларининг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Электрон таълим тизими фойдаланувчига ўқув материаллари ва улардан олинган билимларни тест топшириқларидан фойдаланиб, текшириш имкониятини тақдим этади. Замонавий талабларга мувофиқ, ўқув жараёни мураккаблашиб бораётган бир вақтда, таълимда ўқув воситаларидан фойдаланиш ўзлаштиришни осонлаштириб, қизиқарлилик жиҳатини оширмоқда.

Дастурлашга оид фанни ўқитиш ва баҳолашга мўлжалланган тизим ўз навбатида уч қисмга бўлинади [2]:

1. Тестловчи тизим
2. Профессор-ўқитувчилар тизими
3. Талабалар тизими

Тизимларнинг барчаси битта маълумотлар базасига уланган бўлиб, бу бизга маълумотлар устида ишлашни соддалаштиради.

Биринчи навбатда маълумотлар базаси архитектура-раси қуриб олинади. Тизимнинг маълумотлар базасида ўз ичига бир нечта жадвалларни шакллантиради.

Тизимнинг маълумотлар базаси мижоз-сервер моделига эга бўлган очик манбали маълумотлар базасини бошқариш тизими «MySQL 5.7» ҳисобланади.

Тизимнинг биринчи «Тестловчи тизим» қисми «Жўнатмалар (submissions)» жадвалига келиб тушган дастурий ечимни мос масала тестларига тестлаб унинг

жавобини маълумотлар базасига ёзишдан иборат. Бошқача қилиб айтганда бу тизим талаба жўнатган дастурий ечимни, мос масала тестларига қўйилган барча шартлар (вақт бўйича чеклов, хотира бўйича чеклов) асосида тестлайди ва маълумотлар базасига жами тестлар сони ҳамда дастурий ечим тўғри жавоб қайтарган тестлар сонини ёзиб қўйишдан иборат. Ушбу тизим C++ дастурлаш тилида ёрдамида ишлаб чиқилган.

Дастурий ечим тўғрилигини автоматик тестловчи тизимлар кўп масалалар ечимларини қисқа фурсатда таҳлил қилиш имкониятини яратади. Ҳар бир ечим берилган масаланинг ҳамма хусусиятларини акс эттирувчи тестлар тўплами ёрдамида текширилади. Одатда дастурлашни ўрганишда ўқитувчи дастур матнини диққат билан кўриб чиқиб, унинг тўғри ёки нотўғри эканлиги ҳақида хулоса чиқаради. Масалалар мураккаблашиб борган сари ўз-ўзидан маълумки дастурий ечимлар ҳам мураккаблашиб боради. Дастурлар мураккаблашиб борган сари бу усул амалий жиҳатдан фойдасиз бўлиб боради, чунки бирор кичик хатони топиш анча мураккабдир. Унинг ўрнини янги усул эгаллайди, дастурий ечим тўғрилигини автоматик тестловчи тизимлар эгаллайди. Бу тизимлар ўқитувчи ўрнини эгалламайди, чунки бу тизимларнинг вазифаси ечимларни текширишдан иборат.

Тизимга жойлаштирилган ҳар бир вазифа учун тестлар ҳар доим ҳамма учун бир хил, олдиндан белгиланган тартибда ўтказилади. Одатда битта топширик учун яхши тестлар тўплами тахминан 20-40 тестни ўз ичига олади, аммо бу қатъий қоида эмас.


Дастурий ечим тўғрилигини автоматик тестловчи тизимнинг ишлаш принциpidан маълумки тизим ишлаши учун тизимда қуйидагиларнинг бўлиши шарт ва мажбурдир (1-расм) [5].

Фойдаланувчи интерфейси – бу дастурий ечим тўғрилигини автоматик тестловчи тизим фойдаланувчиси ундан фойдаланиши учун мулоқот ойнасидир. Бизнинг тизимда бу вазифани «Профессор-ўқитувчилар тизими» ҳамда «Талабалар тизими» бажаради.

Маълумотлар базасини бошқариш тизими – бу тизим барча маълумотлар базаси (фойдаланувчилар ҳақидаги маълумотлар, масалалар тўплами, фойдаланувчилар томонидан жўнатилган ечимлар, жўнатилган ечимлар учун тизимнинг жавоби ёки қўйилган баллари)ни сақлаш ва қайта ишлаш тизими ҳисобланади.

Тестлар тўплами – тизимдаги мавжуд масалаларни тўғрилигини тестлаш учун ўқитувчи томонидан юкланган тестлар.

Ечимни текшириш блоки – бу блокнинг вазифаси фойдаланувчи томонидан келиб тушган ечимни мос масала тестлари ёрдамида тестлаш ва тестлаш натижасини фойдаланувчига тақдим этишдан иборат. Бу вазидани «Тестловчи тизим» дастуримиз амалга оширади.



1-расм. Дастурий ечим тўғрилигини автоматик тестловчи тизимнинг ишлаш принципи.

Дастурий ечим тўғрилигини автоматик тестловчи тизим кўйилган дастурий масалага мос дастурий ечимни текширишни бир неча усуллари мавжуд.

1. Тестлар тўпламидаги барча тестларни текшириш давомида хатолик учрагунга қадар текшириш.

Бу текшириш усулида фойдаланувчининг дастурий ечими барча ҳолатларга жавоб берса қабул қилинади акс ҳолда ечим учун ҳеч қандай балл тақдим этилмайди [4].

2. Тестлар тўпламидаги барча тестларга текшириш.

Ушбу усулни Информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича вилоят ва шаҳар фан олимпиадаларида ва Олий таълим муассасаларида талабалар билимини баҳолашда ишлашиш мақсадга мувофиқ саналади. Бундай усулда масалани текшириш учун тайёрланган барча тестларни текшириб чиқилади ва тўғри жавоблар фойзига мос балл қўйилади. Бу ҳолатдаги текшириш усулини тўлиқроқ ҳолатда тушуниш учун қуйидаги мисолни кўриб чиқамиз.

Кўйилган масала учун «А» балл, бу масалани текшириш учун тайёрланган тестлар тўплами базасидаги тестлар сони «В» та, фойдаланувчининг дастурий ечимни тестлар базасидаги барча тестларнинг «S» тасига тўғри жавоб қайтарган бўлса ушбу фойдаланувчи тўплаган балл қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади.

$$S = A \cdot \frac{C}{B}$$
 бу ерда S-талабага ушбу масала учун кўйилган балл.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сон Фармони (<https://lex.uz/docs/5073447>).
2. Abdulkarimov S., Shokirov R. TEAM COMPETITIONS ON PROGRAMMING , INTERNATIONAL JOURNAL OF SCIENTIFIC & TECHNOLOGY RESEARCH VOLUME 9, ISSUE 04, APRIL 2020 ISSN 2277-8616. Scopus.
3. Vaughan, Dr Norman D. (2010). "Blended Learning". In Cleveland-Innes, MF; Garrison, DR (eds.). An Introduction to Distance Education: Understanding Teaching and Learning in a New Era. Taylor & Francis. p. 165. ISBN 978-0-415-99598-6. Retrieved 23 January.
4. Kaplan, Andreas M.; Haenlein, Michael (2016). "Higher education and the digital revolution: About MOOCs, SPOCs, social media, and the Cookie Monster". Business Horizons. 59 (4): 441–50.
5. Махмудов А.З., Абдукаримов С.С., Дастурий ечимларни тўғрилигини автоматик тестловчи тизимлар ва уларнинг тавсифи. Иқтисодиётнинг реал тармоқларини инновацион ривожланишида ахборот-коммуникация технологияларининг аҳамияти Республика илмий-техник анжуманининг маърузалар тўплами 1-қисм. 6-7 апрел 2017 йил. 195-197 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада дастурий ечим тўғрилигини автоматик тестловчи тизим, унинг функциялари, фойдаланувчи учун натижаларни тақдим этиш турлари, Тизим ёрдамида дастурлашга оид фанлардан талабалар билимини баҳолаш кўриб чиқилди. Ундан ташқари талабалар билимини тизимда баҳолаш турлари таҳлил қилинди.

РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрена система автоматического тестирования, её функции, виды вердиктов и оценка знаний студентов с помощью системы. В том числе, в статье изучено оценивание знание студентов по дисциплинетпрограммирования при помощи данной системы. Кроме того, анализируются способы выставления оценок студентам в системе.

SUMMARY

The paper considers automatic testing system, its functionality, types of results and evaluating students' knowledge using the system. Furthermore, ways of marking students in the system is analysed.

УДК.21-22; 632

ДИПЛОМ СПЕКТАКЛИДА БАДИЙ ЯХЛИТЛИК УСТИДА ИШЛАШ ЖАРАЁНИ

Р.Алланбаев – Қорақалпоғистонга ҳизмат кўрсатган артист, доцент

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Таянч сўзлар: театр, асар, актёр маҳорати, диплом спектакли, мусиқа, бастакор, ёрик, сахна, дирижёр, оркестр, бадий раҳбар, нур, либос, декорация, бутафория, рекевизит ва мизансаҳна.

Ключевые слова: театр, шедевры, актерское мастерство, дипломные спектакли, музыка, композитор, крэк, сцена, дирижер, оркестр, художественный руководитель, свет, платье, декорации, манекен, реквизит и пьесы.

Key words: theater, masterpieces, actor skills, diploma plays, music, composer, crack, stage, conductor, orchestra, artistic director, light, dress, scenery, dummy, props and plays.

Театр санъатида актёрлик маҳорати фанида, тўртинчи босқичнинг саккизинчи семестрида диплом спектакли сахнада қўйилиб, уни яқунлаш билан фани устидаги иш ўз якунига етади. Диплом спектаклининг мукамал бадий асар даражасига етишида, «Спектаклда бадий яхлитлик» - тушунчаси, алоҳида ўринга эга. Ўз-ўзидан маълумки, ҳар қандай бадий асар маълум композициясига, қўзлаган мақсадига, танланган мавзусига ва жанрига эга бўлади. Шунинг учун биз бадий яхлитлик ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, сахнанинг ёрилтилишидан тортиб, то либосгача бўлган ҳамма материаллашган олам орқали, асар устидаги ижодий жараёнда туғилган бадий ғояни, ифодавий имкониятларни яратадиган нарсаларга мурожаат қилишимиз, табиий хол бўлса керак [1:33].

Материаллашган олам орқали бадий яхлитликни ифодавий акс эттириш масалалари бадий ғояга бўйсунуши, сахна асарининг олий мақсади, етакчи шарт шароити ва асар ғоясига боғлиқ бўлгани билан уни шаклан ифода қилиш йўллари бадий яхлит режа ва асар ечими орқали рўёбга чиқарилди.

Шунинг учун спектаклнинг ҳар бир сонияси, ҳар бир сахнаси ўзи гўё мустақил ҳаётига эга бўлиши билан бир қаторда, аслида умумий яхлит бадий режа ва ечимга бўйсунди.

Спектаклда бадий яхлитлик тушунчасини илк бор илимга К.С.Станиславскийнинг шогирди, буюк рус режиссёри ва катта педагог устоз, Алексей Дмитриевич Попов олиб кирган. Бу билан А.Д.Поповдан илгари сахналаштирилган спектаклларда бадий яхлитлик бўлмаган дейилиши мумкин эмас. Албатта авваллари ҳам бадий яхлит спектакллар сахна юзини кўрган. Шу режа ва ечимга, спектаклида қатнашилган ҳамма материаллашган компонентлари аниқ бўйсунган бўлиши керак. Актёрларнинг ижросидан, то сахнадаги спектаклга хизмат қиладиган техникавий ускуналаргача. Фақат шундагина диплом спектакли маълум бадий яхлит мақсадларга бўйсунган бўлади [2:112-113].

Бадий асарнинг ҳар бир заррача бўлаги ва унинг бадий компонентлари асарнинг яхлит режа ва ечимга алоқадор бўлиши шарт. Спектакл маълум ғоя ва олий мақсадга бўйсуниб уни максимал равишда ёритишга ҳаракат қилиши керак. Бадий яхлитлик - заррача бўлакда, заррача бўлак эса - бадий яхлитликда уйғунлашиб кетиб, ўз аро узвий боғланиб, ифодалана олса, асар маълум ижодий мақсадларга бўйсинган бўлиб, тамошабинни қўзланган олий мақсад ва ғояга ундаши мумкин бўлади. Актёрларни воқеалар тизмаси устидаги ишлардан тортиб, рол ва образни ечимдан тортиб, то театр сахнасида, спектаклни бадий компонентлар билан бойитиш борасидаги ишларнинг ҳаммаси бадий яхлитликга эришишга хизмат қилиши керак.

Спектаклни бадий яхлитлик масалалари аслида эстетик категория бўлгани билан уни сахнада акс эттириш йўллари, бевосита материаллашган оламда ўтади. Бу нур, мусиқа, либос, декорация, бутафория,

рекевизит ва мизансаҳналардир. Шунинг учун биз бадий яхлитлик ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта сахнани нурланишидан тортиб, то либосгача бўлган ҳамма материаллашган олам орқали, асар устидаги ижодий жараёнда туғилган бадий ғояни, ифодавий имкониятларни яратадиган нарсаларга мурожаат қилишимиз, табиий хол бўлса керак [3:57-58].

Спектакль нима ҳақида, ва қандай эстетик мақсадларни қўзлаганлиги йўқолиб қолади. Диплом спектаклининг ғояси ва олий мақсад концепцияси фикран аниқлангандан кейин уни амалий рўёбга оширишдаги ижодий изланиш жараёни бошланади. Шу бадий яхлит концепцияни, сахнанинг конкрет ифодавий материаллашган компонентлари орқали қандай гавдалантириш масалалари ижодий гуруҳ олдида долзарб масалалар сифатида пайдо бўла бошлайди. Шундай алмашишларда нур билан декорация уйғунлашган ҳолда ишлаб, маълум бадий вазифани бажарилишини қўзлаш керак. Оддий ва содда сахна алмашишлардан қочиш керак. Бу сахналар алмашуви эмас, қаҳрамонларнинг, спектаклнинг ҳаётидаги катта ўзгариш, ундаги маълум эстетик ва эмоционал «тўнтариш» бўлишини излаш керак [4:98].

Диплом спектаклининг бадий яхлитлигини тaminлайдиган компонентлар билан актёрларни репетиция жараёни ичида ҳам паралел тайёргарлик кўрилиб, иккала ижодий ва ташкилий ишлар параллел кетаётган жараён ниҳоясига етгандан сўнг, театрнинг сахнасида ҳамма элементлар тўпланиб, йиғилади. Бу компонентларни йиғиш, спектаклни сахнадаги репетициялари ва уни монтаж қилишда, бадий яхлитлик устидаги ишни амалга ошириш билан якунланади [5:77-78].



*Цагарелий, мусиқаси Кончелийники
“Ханума” мусиқали комедиясидан*

Асар устида туғилган фикрларни, улар орқасида пайдо бўлган бадий ижодий истакларни, конкрет материаллашган нарсалар орқали сахнада гавдалантириш жараёнини, диплом спектаклида бадий яхлитлик устида ишлаш десак ҳам бўлади. Демак, диплом спектаклида бадий яхлитлик устида ишлаш жараёнини иккала босқичини яна алоҳида кўриб чиксак;



Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Муסיкий театр актёрлиги” ўналлиши талабалари

Биринчи боскичда; Ҳамма компонентлар (Муסיка, либос, нур, декорация, бута-фория, реквезит ва оммавий мизансаҳналар) бўйича ижодий изланиш жараёнида асар бўлакларини – яхлитлик билан таққослаб, солиштириб уйғунлаштириш ишларини қилиш бўлса. Иккинчи боскичда; Уларни саҳнада репетицияларида йиғиб, монтировка қилиш жараёнида шу ижодий топилмаларни ўзлаштириб, бадий яхлит олий мақсадга ва асар ғоясига бўйсиндириб олишлик устидаги ишлар қилинади. Биз диплом спектаклида бадий яхлитлиги устида ишлашдаги, иккала боскичдаги жараёндаги ҳар бир компонентни алоҳида кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Режиссёр-педагог пьесанинг ғояси ва олий мақсади асосида спектаклни бадий яхлит муסיкий ечимини шакиллантиради [6:119].

Муסיкий драмадаги ариялар, дуэтлар ва ўзга муסיкий номерлар драматик саҳна воқеалари ичида, актёрларни хатти ҳаракатини табиий давоми бўлиб, ўзгача қилиб айтганда ария ва дуэтлар қахрамонларни драматик монологи бўлиб туғилишини тامينлаш устида жиддий иш кетиши лозим бўлади.

Муסיкий номер хатти ҳаракатни табиий давоми бўлиб, хатти ҳаракатдан муסיкий номерга, муסיкий номердан хатти-ҳаракатга ўтиш жараёнини мантикий ўзвий ва изчил боғлаш, диплом спектаклни бадий яхлитлигини тامينлашда муҳим вазифалардан бири бўлади.

Муҳит ва маконни белгиловчи муסיка. Этнографик, географик, давр ва замонни белгиловчи муסיка, саҳнада кетаётган воқелик қандай муҳитда содир бўлишини ёритувчи муסיка. Масалан, ваҳимали ерлар, номаълум ва ҳафли жойлар, байрам кечаётган пайт ва ҳокозо...

Муסיкий акцент (урғу). Тамошабинни эътиборини спектаклни воқеалар тизмасида пайдо бўлган янги шарт

Адабиётлар

1. Абдуллаева М. “Актёрлик маҳоратидан педагогика негизлари” Тошкент 2010 й.
2. Ашурова М.Х. Қўғиршоқ театри санъати актёрлик мактаби. Ўқув қўлланма, Т.2007.
3. Исмаилова М. “Саҳна сөзи” Ташкент. ”Nashr” нашриёти 2018 й.
4. Ежегодник МХТ 1946, 313-б.
5. Зуфаров У. “Саҳна талқини ва таҳлили”
6. Маҳмудов Ж. Актёрлик маҳорати. Дарслик .Т.Билим,2005.
7. Маҳмудова Ҳ. Актёрлик маҳорати. Ўқув қўлланма.Т.:ЎЗДСИ,2008.
8. Станиславский К.С “Актёрнинг ўз устида ишлаши”.-Т.; Баий адабиёт, 2010
9. Сайфуллаев Б., Маматқосимов Ж. “Актёрлик маҳорати”. Т.: Фан ва технологий. Т.: 2012.

РЕЗЮМЕ

Муסיкий драма асари асосида диплом спектаклини туғилишида бастакор махсус шу спектакл учун ёзилган муסיка асосида саҳналаштириш мумкин, аммо драматик спектаклга муסיка танловчи мутахасис, режиссёр бошчилигида спектаклнинг бадий яхлит ечими асосида муסיкалар сараланиб олиниб ишланиши керак бўлади. Ҳар икки ҳолда ҳам ўзига хос ижодий изланиш жараёни кетади. Муסיкий спектаклларда ария, дуэт, хор, увертюра ва саҳна воқеаларидаги муסיкий ечимлар, бастакор томонидан берилган бўлиб, дирижер ва концертмейстер актер ва оркестр билан уларни тайёрлайди.

РЕЗЮМЕ

Дипломные пьесы, основанные на музыкальной драме, могут быть поставлены при создании музыки композитором, но драматический спектакль должен быть выбран музыкальным экспертом на основе творческого решения для пьесы. В обоих случаях выполняется определенный творческий подход. В музыкальных представлениях музыкальные решения для арий, дуэта, хора, увертюры и сценических представлений предоставляются композитором, который готовит их с дирижером, концертмейстером и оркестром.

Diploma plays based on a musical drama may be staged at the birth of a composer, but the dramatic performance will need to be selected by a music expert based on a creative solution for the play. In both cases, a specific creative search is in progress. In musical performances, musical solutions to arias, duet, chorus, uvertura and stage performances are provided by the composer, who conducts them with the conductor and the concertmaster and the orchestra.

УДК 371

ҚОРАҚАЛПОҚ ҰҚУВЧИЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ МЕХНАТ ТАЪЛИМИ ТАМОЙИЛЛАРИ – УЛАРНИНГ МАЪНАВИЯТИ ВА АХЛОҚИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕЗОНЛАРИ СИФАТИДА

Ж.Қ.Дошняязов – эркин тадқиқотчи

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: халқ педагогикаси, анъана ва урф-одат, меҳнат тарбияси тамойили, қорақалпоқ фольклори, хунармандчилик ва кўл хунари, миллий маданият.

Ключевые слова: народная педагогика, обычаи и традиции, принципы трудового воспитания, фольклор каракалпаков, ремесленничество и рукоделие, национальная культура.

Key words: folk pedagogy, customs and traditions, labor upbringing principles, karakalpak folklore, craft and fine needle-work, national culture.

Кишилиқ жамияти пайдо бўлгандан буён одамзод фаровон турмуш тарзи, тинчлик ва бунёдкорликка интилади. Бинобарин, диёнат, меҳр-оқибат, саховат ва бағрикенглик фазилатлари асносида ҳам меҳнат кўникмасини шакллантириш муддаоси кузатилади. Аслида жорий тушунча бахтли ҳаёт кечиритишга кафолат беради, бир ўқ илдизи жисмоний фаолият, бир ўқ илдизи маънавий камолотга туташ касбга йўналтириш малакасига халқ педагогикасида ҳам жиддий эътибор қаратилади. Миллий кадрятлар яшовчанлиги, анъана-лар авлоддан-авлодга ўтиб туриши ҳамда менталитетга хос психология барқарорлиги мавжуд ахлоқий заҳира асосларини белгилайди. Узлуксиз кечадиган жараёнда шахс манфаат ва эҳтиёжи жипслашади, соғлом ҳамда мақсадга йўналтирилган фаолият шаклланади. Унда инсон истак ва имкониятларини тенглаштириш асосий мезон даражасига чиқади. Айнан халқ педагогикаси тарихида асрлар мобайнида тўпланган ҳаётий тажриба замирида ҳам меҳнатга тўғри муносабатни шакллантириш ғояси ётади. Буюк ажодларимиз қолдирган мерос ёш авлодни юксак ватан парварлик ва инсонийлик руҳида тарбиялашдек эзгу ниятларга қоришиқлиги билан тафовутланиб туради.

Меҳнат тарбияси бир пайт ўзида ўқувчи характери-ни хилма-хил сатҳларда ривожлантириш имконини беради, биринчидан, болалиқдан касбга йўналтириш инсон ижтимоий уюшганлик даражасини таъминлайди, иккинчидан, ташаббус ва интилишни муваффақиятга эриштириш омили даражасига кўтаради, учинчидан, унда меҳнатга муносабат малакаси ҳамда амалий кўникмаси шаклланишига замин ҳозирлайди. Шу маънода, меҳнат шахс маънавиятини мустақамловчи муҳим риштага айланади. Ваҳоланки, фаолият шакли ҳам инсон моддий таъминотини яхшилади, ҳам жамият маънавий юксалишига йўл очади. Истилоҳ жисмоний маданият малакасини вужудга келтириш баробарида ақлий салоҳиятни ҳам оширишга хизмат қилади. Унда ижодкорлик ва рағбат бир-бирини тўлдиради.

Қорақалпоқ халқ педагогикаси тараккиётида ёшларни босқичма-босқич касбга йўналтириш тизими ишлаб чиқилган. Жумладан, вояга етаетган авлод дунёқарашини ва идрокига ижобий таъсир ўтказиш мураккаб жараён, қоришиқ ҳолда намоён бўладиган меҳнатга муносабат шакллари сирасига урф-одатлар, анъаналар ва маросимларни киритиш мумкин. Жорий ҳолат инсон ҳаёти ҳамда фаолиятини тўғри ташкил этишга имкон беради. «Халқ педагогикасида ўқувчида меҳнатга рағбат уйғотиш муайян натижага эришишга хизмат қилади. Асрлар давомида сайқал топган миллий кадрятлар, уларнинг асосида турган илғор ғоялар шахс маънавий дахлсизлигини таъминлашга замин ҳозирлайди» [1:78]. Миллат арсеналида мавжуд урф-одатлар, жумладан, ҳашар, йиғин ва байрамлар аслида жамият аъзоларини жипслаштириш мақсадини кўзлайди. Жамоавий рух

ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва инсоф-диёнат туйғуларини янада мустақамлайди.

Марказий Осиё ва Қозоғистон аҳолиси, одатда, чорвачилиқ, пахтачилик, деҳқончилик, боғдорчилик, пиллачилик, халқ амалий санъати асносида турмуш кечирган. хунармандчилиги билан боғлиқ эди. Машҳур ғаллакор, ВАСХНИЛ машҳур академиги Т.С. Малцев таъбирича, «кундалиқ ҳаёт, инсон маънавий ақидаси минг йиллик қишлоқ хўжалиги цивилизацияси натижасида ҳосил бўлган» [3:57]. Ахлоқий мезонлар, жамият дунёқарашини ва шахс маслагини белгилаган меҳнатга муносабат сезими она-заминга нисбатан ишонч-эътиқодга боғланади.

Деҳқон ва чорвадор машаққатли меҳнати, нонга мукаддас неъмат, пахта ва чорвачилиқка миллий гурур объекти сифатида қараш – болаларда меҳнат ҳамда фаолиятга муҳаббат туйғусини тарбиялаган. Табиат инсонга ато этган бебаҳо дурдонаси сифатида меҳнат маълум даражада улуғланади: «Меҳнат, меҳнатнинг таги роҳат», «Меҳнат тупроғи ҳаракатсизлик тутумидан афзал», «Исталган иш куёшдан порлоқ», «Тугалланган иш атиргул ҳидини ҳидлайди». Халқ зақоси вужудга келтирган «кўмирчи қора юзидан уялмайди», ҳикматида ҳам меҳнат муносабатига эътиқод ҳисси жилваланади. Болалиқдан фарзанд дунёқарашини касбга йўналтириш малакасини тарбиялаш ҳар бир оила мукаддас бурчи саналган. Ғоя залвори муайян типдаги ҳаволаларда мантиқан давом этади: «Меҳнат қил, шунда сен эзгуликка эришасан», «Агар меҳнатсевар ўғлинг бўлса, демак, экин майдонинг ағдарилади», «Мақсадингизга қийналмасдан эриша олмайсиз». XVIII аср мумтоз шоири Махтумқули меҳнат тарбиясини инсон ҳаёти муддаосига тенглаштириб, болалиқдан меҳнатда тобланмаган фарзанд вояга етгандан сўнг ишлашни ёқтирмайди, аста-секин дангаса бўлади, дея қаттиқ ишонган [1:83].

Қорақалпоқ халқ тарихида амалий санъат анъаналари асрлар мобайнида меҳнат тарбияси асосий тамойилларини ўзида мужассам этади:

1. Болани ўз-ўзига хизмат кўрсатишга ўргатади-ган меҳнатга одатлантириш, эрта фаолиятга оид лаёқат ва амалий кўникмаларга ихтисослаштириш ҳар бир хонадон учун муҳим саналган. Жорий ҳолатда фарзанд ёши, майли ва қобилияти янглиғ психологик жихатлар ҳисобга олиниб, босқичма-босқич, аввал, уй ишлари, кейинчалик эса аста-секин хўжалиқ фаолиятига тайёрлаб борилган.

2. Агар бола тасавурида дастлаб камон (оқ жай) катталар учун ишланган бўлса, 6-7 ёшида ўсмирлар орасида кенг тарқалган ов ўйинига иштиёқ камон ва ўқларни ясашга туртки берган (аңга шығыу ойыны) ёки овчи (аңшылар). 10-12 ёшгача бола камони шу қадар мураккаблашадики, айни пайтдаги дунёқараш ёш хусусиятларига нисбатан кескин тафовутланиши билан ажралиб туради [2:41].

Қоришиқ турдағи фаолиятга йўналтириш учун имкониятлар яратиш.

Туркий халқлар этногенезида кенг тарқалган ақидалар, жумладан, «Йигитга қирқ хунар кам» ҳикмати замиридаги тажриба қорақалпоқ фольклори учун ҳам хос хусусият, халқ анъаналарида камон ва ўқдан мунтазам фойдаланиш билан боғлиқ сюжетлар халқ оғзаки ижоди намуналарида бот-бот учрайди, ҳар хил мусобақалар, оммавий тадбирларда қўлланиладиган омил бўлиб хизмат қилади. Нисбатан кам фойдаланиладиган жараёнда қизлар иштирок этмайди, эркак кишилар учун муҳим шарт йигитлар томонидан ўзлаштирилган. Ҳатто камон ва ўқлар муқаддаслиги ҳақида ҳикоялар мавжуд. Аслида камон култи ва ўқлар қорақалпоқлар туғилиши ва болаларни тарбиялаш билан боғлиқ маросимларда учрайди. Хусусан, улардан шомонлар самарали фойдаланиши кўзда тутилган: жорий аслаҳа ёвуз руҳларни таъқиб қилиш, болаларни ёмон кўзлардан ҳимоя қилиш мақсадида бешикка суяк ва ёғочдан ўйилган миниатюра намуналари осиб қўйилган. Камон ва ўқ муқаддаслиги тўғрисидаги тасаввурлар ибтидоси туркий-мўғул халқлари анъаналарига пайвандланади. Тўй-тантаналарда қорақалпоқларда қадимий анъанавий ўйин-кулгилар мавжуд эди, чения (алтын қабақ атыў) – тўхтатилган ошқовоқда ўқ отиш бўйича ўқ отувчилар мусобақаси оммалашган. Манбалар далолат беришича, танловда ҳар бир масофадан баҳс (отишма) ташкил этилиб, унда камончилар (мергенлер) қатнашади. Шундай экан, мавжуд фактик маълумотлар жараён фарзандни ҳаётга тайёрлаш, қийинчилик ва машаққатларни мустақил ҳал қилишга ўргатиш омилларига боғланади. Археологлар илгари сурган материаллар буни амалий жиҳатдан тасдиқлайди. Ёш авлодни фаолиятга тайёрлаш заҳматқашликни тақозолайди. Меҳнат муносабатига қараш ўзгаруви оқибати ўлароқ жисмлар эътиқод рамзидан кундалик рўзғор буюмларига кўчади. Вазият халқ арсеналида меҳнат тамойили устуворлигини шарҳлайди [2:46].

Мустақил фаолият, шахсий ташаббус ва ижодкорлик уйғунлиги.

Қорақалпоқ халқида жиддий эътибор қаратилган таълим усулларида бири меҳнат жараёнига тежамкорлик билан муносабатда бўлиш билан изоҳланади. Шу билан баробар одамлар иқтисод қилишни нафақат уй-рўзғор буюмлари, меҳнат воситаларига нисбатан қўллайди, балки режали овқатланиш, моддий таъминот учун татбиқ этишади. Бу ҳақда халқ мақолларидан намуналарга мурожаат қилсак: «Қанаат қарын тойдырар, бийқанаат малын сойдырар» (Қанаот қоринни тўйдирар, қанаотсиз кимса охирги молини сўйдирар). Нафс билан боғлиқ ақида миллат асрлар оша тўплаган тажрибасидан ҳосил бўлиб, ҳукм шаклида етиб келган.

Шуни таъкидлаш жоиз, бола ёшлигидан жинсидан катъий назар, ота-онаси, кадрдонлари, «киндик шеше» - доя назоратида вояга етган ва ўтиш босқичи маросим билан шартланган. Хусусан, ўғил болаларни "суннет" қилиш жараёни масъулиятни отага ўтказди: «жигит аға», ва эркаклар жамоаси – касаба уюшмалари, оила жамоатчилиги институтлари шундан дарак беради. Болани ўқиш ва ёзишга ўргатиш ҳамда касб-хунарга йўналтириш асосий шарт ҳисобланади, ҳатто уни «атастырыў» келин деб аташ мумкин эди, шунингдек, ўғил йигитлар «зыяпат» партияларида қатнашиши мумкин ва у аллақачон мол-мулк тўлақонли меросхўрига айланади, айни пайтда, фарзанд «Енши» онасининг қариндошлари мероси бир қисмини эгаллаши эҳтиёжга йўғрилади [2:51].

Андрагогик босқичда жинс ва ижтимоий эҳтиёжни ҳисобга олиш омилли.

Миллат арсеналида меҳнатга муносабат шаклида

жинс имкониятлари ҳисобга олинади. Жумладан, касб-хунар танловида эркак ва аёл фаолиятини бир-биридан фарқланади. Агар йигит ёш кесимида ўймакорлик, амалий санъат, овчилик ва балиқчилик билан шуғулланса, аёл тўқувчилик, каштачиликни касб қилиб олади. Эътиборли жиҳати шундаки, ўғил бола безак, ов ва балиқчилик учун муҳим анжомларни ўзи ясади ҳамда уларга безак-ишлов беришга интилади [2:56].

Ўспиринларни меҳнат фаолиятига тайёрлашда қорақалпоқ халқи урф-одатларидан фойдаланиш муаммосига бағишланган тадқиқотларни таҳлил қилиш асосида шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги кунга қадар амалий санъат анъаналари педагогика сатҳида текшириш талаб даражасида эмас. Тадқиқот мақсадларидан бири ўсмирлар қорақалпоқ амалий санъати тажрибасидан фойдаланиш асносида меҳнат фаолиятига бўлган муносабатини аниқлаштиришдан иборат. Жорий ҳолатни ойдинлаштириш мақсадида ижтимоий сўровнома ўтказилди. Унда 104 нафар талаба иштирок этди. «Сизнингча, хунармандчилик архаик турларини қайта тиклаш керакми: ўйинчоқлар ясаш, тўқувчилик, хунармандчилик, миллий каштачилик», - деган саволга қатнашчилар 81,6% «ҳа» дея жавоб берди, респондентлар 13,6% - «эҳтимол, ҳа», 4,0% ишончли жавоб бера олмади ва «билмайман» деб жавоб қайтарди ва сўралганларнинг 0,8% ўспиринлар салбий муносабат билдирди. Иккинчи савол қуйидагича шакллантирилди: «Сизнинг оилангиз амалий санъат билан шуғулланадими?» - эксперт гуруҳи 74,1% «ҳа» деб жавоб берган ва 25,9% «ўқимаган» тарзида муносабат билдирган. «Сиз қандай хунармандчилик турларини биласиз?» саволига 84,6% респондентлар болалар ўйинчоқларини кўп миқдорда ишлаб чиқариш каби хунармандчилик ва хунармандчилик турларини санаб ўтишди, улар қишлоқ хўжалиги воситалари миниатюра нусхалари ўйин мазмунига мос келади, дея жавоб беришди ва 15,4% респондентлар умуман хунармандчилик билан таниш эмаслигини таъкидлашди. Савол қўйилди: «Сиз келгусида қорақалпоқ халқ хунармандчилиги ва тикувчилик анъаналарини ўрганишни давом эттирмоқчимисиз?». 79,8% респондентлар «ҳа», 18,3% - «билмайман» ва 1,9% - «йўқ»деб жавоб беришди. «Сизнингча, қорақалпоқ амалий санъати ва хунармандчилик анъаналарини ўрганиш инсон шахсий фазилатларини шакллантиришга ёрдам берадими? Агар шундай бўлса, муносабатни танланг» саволига респондентлар 91,3% фоизи ижобий, 3,8% фоизи «билмайман», 0,9% фоизи эса салбий жавоб берган. Ўсмирлар аксарияти (91,3%) анъанавий қорақалпоқ хунармандчилигини ўрганиш инсон тасаввурини жамлаш, сабр-тоқат, ўзини тута билиш, тежамкорлик, аниқлик каби шахсий фазилатларини шакллантиришга ҳисса қўшади; қўл ва бармоқлар нозик ҳаракати маҳоратни чарҳлайди, зеҳн, иқтидор ва ташаббусни яхшилайти, ирода, тасаввур, ҳаёлий фикрлаш ва ижодкорликни ривожлантиради, мустақил ишлаш малакасини қарор топтиради, дея ҳисоблашади. «Сизнингча, қорақалпоқ хунармандчилик ва хунармандчилик анъаналарини мактаб ўқув жараёнига жорий этиш зарурми?» саволига респондентлар 77,8% «ҳа» дея жавоб берган, 16,3% - «билмайман» деб жавоб берган ҳамда 1,9% салбий муносабат билдирган. Ўсмирлар (77,8%) ўқувчиларга дарс беришда анъанавий қорақалпоқ хунармандчилигини мактаб ўқув жараёнига жорий этиш ота-боболари ҳаёти ва маданияти билан яқиндан танишишга имкон яратиши, халқ анъаналарини тиклаш ва ёш авлодга етказиши, мактабдаги ўқув жараёни янада қизиқarli, мазмунли ва ижодий бўлиши, шунингдек, анъанавий технологиялар, янги андозалар ва материалларни жорий этиш яхши самара беришини таъкидлашди. Сўровномадаги жавоблар шуни кўрсатадики, ўқувчилар

умуман (84,6%) махсулотлар қорақалпоқ хунармандчилиги анъаналари асосида қандай тайёрланишини билишади, индивидуал операциялар, ишлаш технологияси ва усулларни кўрган, аммо улар муайян кўникма ва кўникмаларга эга эмас. Бундай махсулотларни ишлаб чиқариш ўқувчилар 77,8 фоизи анъанавий қорақалпоқ амалий санъати ҳақидаги назарий билимларни ўзлаштириш ва тўлдиришга хизмат қилади. Махсулот тайёрлаш технологияси қайта тикланиши жараёнида ёшларда касб-хунарга бўлган ижобий муносабат мустаҳкам-ланади, ақлий, руҳий ва жисмоний қувват ривожланади.

Адабиётлар

1. Кузиев М.А. Педагогические условия организации трудового воспитания школьников на основе прогрессивных идей и положений научной и народной педагогики: На материале общеобразовательных школ Республики Таджикистан: дис. ... канд. пед. наук – М.: 2002. –С.174.
2. Есбергенова Т.Х. Трудовое воспитание детей у каракалпаков (конец XIX- начало XX вв.): Автореф. дис. ... канд. ист. тор. наук – Нукус: 1999. –С.27.
3. Каракалпакская народная педагогика о возрастных особенностях молодежи. //Народная педагогика сб. научных докладов II международного симпозиума Зараутсай-98. Ташкент: “Университет” 1998.- 0,2 п.л. (в соавторстве, на узб. яз.).
4. Народная педагогика о трудовом воспитании молодежи. // Халк таълими. –Ташкент., 1997. № 4.-0,4 п.л. (в соавторстве, на узб. яз.).
5. Халықтың жасларға өлшем бирликлерин үйретиў дәстүрлери. // «Педагогика хэм психология илиминин раўажланыўында инновациялық технологиялардың роли хэм әҳмийети» атамасындағы Республикалық илимий- әмелий конференция материаллары. –Нөкис: НМПИ. 2019, 35-36-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада қорақалпоқларнинг анъанавий меҳнат таълимининг асосий тамойиллари, халқ анъаналарида меҳнат таълим анъаналари ва урф-одатларининг ўрни, ўспиринларнинг меҳнат кўникмаларини шакллантириш воситаси сифатида қорақалпоқ халқ хунармандчилиги ва хунармандчилиги анъаналарининг педагогик имкониятлари, ўспиринларнинг меҳнат фаолиятига муносабати аниқланди.

РЕЗЮМЕ

В статье раскрываются основные принципы традиционного трудового воспитания каракалпаков, роль трудовых традиций и обычаев в народной педагогике, педагогические возможности каракалпакских народных традиций ремесленничества и рукоделия как средства формирования трудовых навыков подростков, было выяснено отношения подростков к трудовой деятельности.

SUMMARY

The article reveals the basic principles of the traditional labor education of the Karakalpaks, the role of labor traditions and customs in folk pedagogy, the pedagogical capabilities of the Karakalpak folk traditions of craftsmanship and fine wedle-work as a means of forming the labor skills of adolescents, and the attitude of youth was clarified adolescents to work activity.

XUDOJNIK QUTTÍBEK JAQÍP DÓRETIWSHILIGI

Q.E.Eralin – *pedagogika ilimleriniń doktori, professor*

Yassawiy atındaǵı Xalıq aralıq qazaq-türk universiteti, Qazaqstan, Türkistan

J.A.Darmenov – *pedagogika ilimleriniń kandidati, docent*

Ajiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq instituti

Tayanch so'zlar: ikki tomonlama teri, ikki tomonlama fakturasi, terining tuzilishi, terining mo'nyalari, mo'yna rangi, mo'yna turmagi, mo'yna chiziq'lari, mo'yna dog'lari, terining shakli.

Ключевые слова: двусторонняя кожа, двустороннее панно, фактура кожи, волоски кожи, цвет волосков, узоры на волосах, линии на волосах, пятна на волосах, формы кожи.

Key words: double-sided skin, double-sided panel, skin texture, skin hairs, hair color, hair patterns, hair lines, hair spots, skin shapes.

Kirisiw. Súwretlew óneriniń rawajlanıwınıń bir qırı súwretlewdiń jańa texnologiyalarınıń payda bolıwı menen baylanıslı. Súwretlew ónerine bir jańa texnologiya kirip kelse, bunnan burınǵı ónerge kirip kelgen texnologiyalar dástúrge aylana beredi. Súwretlewde dástúr menen innovaciya birin-biri qaytalanıp kelip turadı. Dóretiwshilik xızmet-súwretlew nátiyesinde innovaciyalıq elementlerdiń minnetli túrde bolıwı menen tastıyqlanatuǵın ónerdegi qubılıs [3:63]. Quttıbek Jaqıp dóretiwshiligindegi ózine tán jańa dálilin sipatlaytuǵın ólshem súwretlewdiń terini kórkemlep bezew, házirgi kúnde xudojnik dóretpeleriniń ózgesheligi, terini kórkemlep bezew arqalı jańa texnologiyani paydalanıp, qunlı shıǵarmalar dóretiw bolıp, ol óner shıǵarması retinde izertlengen emes. Xudojnik Jaqıp Quttıbektiń dóretiwshiligindegi basım ózgeshelik-barqulla belsendi izlenis penen tastıyqlanadı.

Olar innovaciyalıq dóretiwshilik texnologiyasın tabıwǵa umtıls, kórkem obraz dóretiwde material fakturasın kompoziciya utimlılıǵı menen biriktiriw, teri reńlerin qásiyetlerin kompoziciya quramı menen biriktiriw arqalı ámelge asırıldı. Xudojnik Q.Jaqıp gobelen dóretiwshiligi menen Ullı dala eline tanımalı bolǵanı

menen, terini kórkemlik jaqtan bezew arqalı onı stanoklı kartına darejesine kóteriw miynetin, kópshilik hazirgi kúndegi jańalıq retinde bile bermeydi. Bul jaǵday Q.Jaqıp dóretiwshiligindegi terini kórkemlik jaqtan bezew, kompoziciya mümkinshilikleri menen ideyanı ashıw, koloritlik sheshim tabıw xızmetlerin kórkem shıǵarma dóretiw basqıshların izertlew páni spatında qaraw kerek ekenligin kórsetti.

Izertlew usılları. Xudojnik Quttıbektiń sońǵı waqıttaǵı dóretiwshiligine tán innovaciyası- maldıń terisin óner materialı iretinde, súwretlew mümkinligi iretinde qollanıw bolıp tabıladı. Xudojniktiń jiyi qollanatuǵın materialı sıyırdıń tutas terisi. Teriniń tükleriniń ósimlilik, uzınlıǵı menen qısqalıǵı dástúrli kompoziciyanı quraytuǵın sıziqlar menen formalardıń rolin atqarıwı menen ajıralıp turadı. Kompoziciyası sánlik ónerge tán bolması menen, sonıń menen birge simmetriyalıq qurastırwǵa jaqınlıǵı menen bayqaladı.

Xudojnik kompoziciya pishinlerin dóretpe ideyasına say etip shólkemlestiredi. Júnniń tábiyiy reńi menen sıziqlarınıń baǵdarları menen jıńshke juwanlıǵı tábiyattaǵı formalar menen sáykes keliwin, utimli paydalanadı. Xudojnik

dóretpesiniń jarıqqa shıǵıwındaǵı eń kóp qollanılatuǵın háreketi- kórkem bezew usılı. Dóretpelerinde zat penen qubılıslardı jıynaw, forma bólsheklerin teńew, oydı pishinler menen betlew, naǵıslardı stillew usılları keń kólemde kórinis tabadı. Xudojnik kartinalarına tán bolǵan kishi scenalar: dala tábiyatı kórinisleri, eldiń tariyxı, insanńın ishki dúniyası. Ulı dala sheberi kórkemlik súwretlew dástúrin vizuallıq óner texnologiyası menen, zamanagóy talǵam hám talapları menen birlestiredi.

Xudojnik óz dóretpesinde terini kórkem bezew ónerin jańa usıllar menen rawajlandırıp, jańa kompoziciyalıq koloritlik sheshimler menen hárdayım tolıqtırıp baradı. Xudojnik dóretpelerindegi baslı baǵdar – dóretpe ideyasın ashıw barısında teri materialınıń tábiyiy fakturasın múmkinshiligi barınsha utımlı paydalanıw bolıp tabıladı. Xudojniktiń tema tańlawdaǵı aldına qoyǵan maqseti-babalar dástúri, ulı dala tábiyat qubılısları, adamlardıń ishki dúniyası, súwretlewdiń xabarlıq xızmetiniń ornı bolıp tabıladı. Xudojniktiń eń mańızlı poziciyası kórermentlerge óziniń dóretken kórkem shıǵarmaları arqalı, jańa xabar jetkiziw, súwretler arqalı tanıp bilewge tárbiyalıq tásir etiw. Hár bir obrazdıń maǵanasın fon menen figura arqalı kúsheytiw, ideyalıq oy salmaǵın reńler úylesimligi arqalı arttırıw.

Izertlew nátiyjeleri: Xudojnik Quttibek Jaqıptıń kompoziciyasınıń tiykarǵı hám qosımsha elementleriniń oyıw-naǵıstı elesletetuǵın pishinler jıynaǵına qurılıwı, forma menen kompoziciyanıń monumentallıq sıpatına basımlılıq beriliwi – shıǵarmanıń naǵıs penen bezew arqalı kúsheytken. Teriden islengen kórkem dóretpelerdegi formaların konstrukciyası, reńlik sheshimleri, fon menen figura qatnasların súwretlew dástúrindegi bezew elementleriniń ózine tartıwı, formalardıń mayda bóleksheleriniń joǵalıp, ıqshamlasıp barıwı, naǵıslar menen birigiwi – xudojniktiń kórkem súwretlew stiline itibar qaratıwınan derek beredi. Xudojnik Jaqıp Quttibektiń keyingi waqıttaǵı dóretpeleriniń derlik barlıǵı– teriden islengen dóretpeler bolıp tabıladı. Olardıń tiykarǵı kórsetkishleri – ólshem, forma jáne mazmunınıń birligi menen kórinedi. Xudojniktiń teri texnologiyası menen orınlangan jumsları – plastikalıq-grafikalıq súwretlewge tiykarlangan, adamzattıń ishki oyına, sezimge, emocionallıq jaǵdayǵa, avtor talǵamına baǵdarlangan úlken naǵısshılıq ólshemine deyin barıp qollanılǵan. Tábiyattaǵı kórinisler formalardıń kóriw arqalı qabıllanatuǵın konstrukciyası naǵıslarǵa bir qatar jaqınlıq belgileri menen súwretlengen.

Diskussiya. Xudojnik Quttibektiń terini kórkemlik jaqtan qayta bezew dóretiwshiligi haqqında bir qatar iskusstvo adamları bahalı pikirler bildirgen. Xalıq aralıq Jambil atındaǵı sıylıqtıń lawreatı Qazaqstan kórkem akademiyası Turqstan bóliminiń húrmetli aǵzası, jurnalist Esenali Eralı «Quttibek keyingi waqıtta teri menen jumıs islewdiń texnologiyasında júdá jaqsı úyrengen. Bunı «Shayqas», «Er túriktiń mekeni», «Qansonar» hám taǵı da basqa jumslarında kóriwge boladı degen pikirdi bildirgen.

Mısalı, «Shayqas» Ullı dalanıń tósinde ertede ómir súrgen adamlardıń ata makani ham aman qalıwı ushın, ata jawları menen jan berisip, jan alısқан urısların hám sol waqıtıń qural-jaraǵın kórsetse, al «Er túriktiń mekeni» Ullı daladaǵı qaynap atırǵan tirishilikten derek beredi. Ullı Jipek jolınıń boyı menen Shıǵıstan Batisqa, Arqadan Qublaǵa qaray ersili-qarsılı aǵıp atırǵan kárwanlardıń dizbegi atababalarımızdıń tek kóshpele ómir súrmegenin, sonıń menen birge otırıqshı bolǵanlıǵın, sawda-satıq penen de hám ónermentshilik penen de belsendi shuǵıllanǵanlıǵın ashıq súwretlegen - dep xudojniktiń xızmetleriniń haqıyqı baǵdarların kórsetken [2:62].

Ónertanıwshı, Qazaqstan Xudojnikler awqamı basqarmasınıń xatkeri, YuNESKO janındaǵı kórkem sinshilar

birlespesiniń aǵzası Kamila Li: «...Quttibek hár dayım erisken jetiskenlikleri menen toqtamaydı. Onıń minezindegi hám dóretiwshilik jolındaǵı qásiyeti – jańalıq izlew, eksperimentlik tájiriyebe, mádeniy miyrastı izertlew, túrli materiallar, texnologiyalar, tematikalıq qatnaslardıń múmkinshiliklerin ashıw» ekenligin orınlı kórsetken, dóretiwshilik ózgesheligin sıpatlap bergен [2:40].

Quttibek tuwralı kásiplerleri másele, Qırǵızstanıń belgili xudojnigi Qazaqbaev Joldasbek, onıń talantın ózgesheligin joqarı bahalagan [2:8].

Sonıń menen birge, Quttibek Jaqıptıń «Búrkitshi» kartinasınıń baslı ideyası xalqımızdıń salt-dástúrińin biri – babalardan miyras bolǵan ańshılıq dástúri, onıń ishindegi búrkitshi álemin kórsetiw. Kartınanıń kompoziciyalıq ortalıǵında búrkitshiniń monumentallıq kórinisi kózdi tartadı.

Kompoziciyalıq qosımsha elementler kompoziciyalıq ortalıqtı aylana jaylasқан. Xudojnik búrkitshi obrazın ashıwda qosıqshı jigit, oyınshı qız, qıran búrkıt, eliktiń ilaǵı, júyrik tulpar, aspandaǵı bulıtlar kórinisin, aq reń menen súwretlese, aspan kórinisi kók reń menen súwretlengen. Kompoziciya elementleri jazıqlıq betinen óz ornın júdá jaqsı tapқан, bólshekler bir-biri menen bir tutas ornalasқан. Artıq bólshek joq. Formalar kórinislerin súwretlewde xudojnik naǵıslaw, bezew usılların keńnen qollanǵan.



Q. Jaqip. «Bürkitshi». teri. kórkem bezew, boyaw. 2019.

Dóretpe súwreti qozǵalıstaǵı jaǵdayın elesletedi. Shıǵarma kompoziciyasındaǵı sızıqlardıń qozǵalıslıq baǵdarı, kórinis jaǵdayı birin-biri qaytalamaydı. Sızıqlar quramalı kórinisler sırların ashıwǵa, dóretiwshilik oydı ashıwǵa baǵdarlangan. Kartınanıń súwretlew usılların soǵıw realistlik súwretlewge qaraǵanda, sulıwlıqtı súwretlewdi maqset etip qoyǵanlıǵı kórinedi. Kók aspanda kóshken bulıtlar, Ullı dala qushaǵındaǵı emin-erkin súwretlengen boyawlar dalanıń jazıǵı kelbetin kóz aldımızǵa keltiredi.

Teriden tartırılıp islengen kartına ideyası – Qoja Axmet Yassawiy esteliginiń Ullı Jipek jolı menen baylanısın kórsetken. Eski eskertkish, qásiyetli babalar kózindey kórinedi, áyyemgi eldiń mádeniyati Ullı dalanıń zamanagóy ómirine bir mezgil kórik berip turǵanday. Keshegi babalar kóshi qonǵan jer, atalar amanatı bolǵan jer búgingi künde de sol halında saqlanǵan. Kartına ortalıǵındaǵı eskertkish kórinisi kórkem bezew usılı menen maylı boyaw menen jazılǵanlıǵı súwretlewdegi bir úlken jańalıqtıń bir bólegindey kórinetuǵın kórkemlik is háreket.



Q. Jaqip. «Axmet Yasau sarayı». teri. maylı boyaw. 2015.

Kartinadan xudojnik Quttibek Jaqiptıń óz shıǵarmalarına tán bolǵan stil – qosımsha bolǵan elementlerdi kompoziciyalıq ortalıq jiyegine aylana bezew sıpatında teppe-teńligin saqlaǵan halda jayǵastırılǵanlıǵı kórinedi. Kompoziciyanıń barlıq elementleriniń shıǵarma ideyasına baǵındırıw nızamlılıqların xudojnik nátiyjeli qollarıw arqalı kók aspan menen qarlı jerdi kórkemlik jaqtan qabil etiw dástúrinde ózgeshe kózdi tartıp, tamashagóylerge tartımlı emociyalıq tásir etedi. Terini kórkemlik jaqtan qayta bezew menen onı kompoziciyalıq dóretiwshilikke, obrazlıq ólshemge shekem kóteriw nátiyjesi.

Bul dala ónerindegi jańa baslanıp kiyatırǵan kórkemlik is-háreket bolıp tabıladı. Terini kórkemlik jaqtan bezew menen onı stilizaciyalıq-obrazlıq dárejesine kóteriw ózine tán innovaciya islew usılı bolıp tabıladı.

Juwmaqław: Kórkem óner sheberi Quttibek Jaqiptıń terini kórkemlik jaqtan qayta islew (bezew) texnologiyasını rawajlandırıw, dóretpе ideyası, kompoziciyası, koloriti

menen ornlaw texnologiyası boyınsha analizlew nátiyjesinde tómendegishe juwmaqqa keliwge boladı: Xudojnik hár dayım jańalıqtı izlew ústinde, jańa texnologiyanı ashıw ústinde jumıs alıp baradı; terini kórkemlik jaqtan qayta bezew texnologiyasını úyrenip alıwdı jańa ásir dóretpeleri dárejesine shekem kótergen. Ullı dala ónerindegi birinshi dóretiwshi insan bolıp tabıladı. Kórkem shıǵarmalardaǵı jıllı reńlerde dóretpе koloriti-elimizdegi sarı arqanı sarı bellerdi elesletedi. Dóretpе kompoziciyasında ashıq simmetriyalıq ortalıqtıń kórinis tabıwı menen shıǵarma kompoziciyasınıń qurılmalıq júyesiniń tiykarǵı ideyasına qatań túrde baǵımwı, kórkem dóretpelerdegi naǵısshılıqtı kórkemlik jaqtan bezew ónerin kórsetedi. Súwretlew ónerindegi jańalıǵı menen belgilenetuǵın jańa kórkemlik texnologiyanıń oyılǵan teri, teriniń fakturası, teri túginiń reńleri – Ullı dala ónerinde kórkemlik elementi iretinde qollarıńǵan. Xudojnik Q. Jaqiptıń sońǵı jıllardaǵı dóretiwshiligindegi innovaciya – terini kórkemlik qayta islew texnologiyasını tájiriybede qollarıw menen baylanıslı. Xudojnik terini kórkemlik qayta islew arqalı ideyalıq oy aytqan, dóretiwshiliktiń óz aldına ózgesheligi bar kompoziciya dúzgen, tábiyiy teri menen jún materialların nátiyjeli qollarıw arqalı reńlik sheshim shıǵarǵan, terini shıǵarma ideyasına saykes boyaw texnikasını tańlaǵan. Onıń teri naǵıstan birinshi jumısı – teriniń túginiń reńin, teriniń qalınlıǵın, júnniń uzınlıǵı menen túǵızılǵın nátiyjeli paydalanıw arqalı belgili bir oy aytatuǵın kompoziciya dúzgen. Xudojnik Quttibek teriden kórkem dóretpе kompoziciyasını islew arqalı ótken dáwirde ómirin bildiretuǵın ideyalıq oydı tamashagóylerge jetkize alǵan, onı rawajlandıra otırıp, belgili bir dáwir ómir súriwin súwretleytuǵın obraz ólshemine shekem kótergen, kásibi ólshemi keń xudojnik bolıp tabıladı. Bul is-háreketler xudojnik dóretpeleriniń joǵarı dárejesin kórsetetuǵın ólshem – zamanagóy texnologiyanıń innovaciya menen milliy mádeniyat qunlılıǵı arqalı ruwxıy jańǵırıw ideyasınıń birliǵin kórsetedi.

Ádebiyatlar

1. Ералин К. Бейнелеу өнеріндегі Абай образы. // «Түркология» №6. 2020, 136-149-б.
2. Жакыпов Құттыбек Тыныбекұлы. Альбом, ЖШС. –Алматы: «Интерпринт», 2016. 184-б.
3. Prankin N.S. Metrolojinin temelleri. –M.: «Logolar», 2007. -S.217.
4. Титенов В. З. Қазақстан халқының өнері. –Алматы: «Өнер». 2017. 280-б.
5. Жакыпов Қ. Көрме каталогі. –Бишкек: 2018. 30-б.

REZYUME

Maqolada rassom Quttybek Yoqipning terini badiiy yaratish bo'yicha ijodiy ishlarining bir qator jihatlari ochib berilgan. Quyidagi usullardan foydalangan holda teridan badiiy asar yaratish usullari ochilgan: kompozitsiya uchun charm to'qimasidan foydalangan holda ikki tomonlama mo'yna, mo'ynali junni qirqish. Hayotda tasvir shaklini eslatuvchi, terining yuzi tasvirlangan kompozitsiyani yaratish usullari ko'rib chiqilgan. Uzunligiga, mo'ynaning to'liqligi yo'nalishiga, rangning xususiyatiga qarab, ular yangi kompozitsiya vositasi sifatida belgilanadi. Teri yuzidagi tabiiy majoziy shakllarning namoyon bo'lishining hayotdagi shakllari bilan o'xshashligidan oqilona foydalanib, u yaratilish g'oyasini ochib berdi. Teridan ishlangan asarni yaratish badiiy xususiyatlarini kontseptual, narratologik tahlil qilingan.

РЕЗЮМЕ

В статье раскрыт ряд аспектов творчества художника Куттыбека Жакыпа по художественной созданию кожи. Раскрыты способы создания художественного произведения из кожи с применением методов: двухстороннего меха, стригания меховой шерсти, использования фактуры кожи для композиции. Рассмотрены способы создания композиции с изображением лицевой части кожи, напоминающей форму образа в реальной жизни. В зависимости от длины, волнистого направления меха, характера окраса, определены как новые средство композиции. Рационально воспользовавшись сходством проявлений естественных образных форм на поверхности кожи с проявлениями формы в жизни, он раскрыл идею творения. Сделан концептуальный, нарратологический анализ художественных особенностей создания произведения изготовленные из кожи.

SUMMARY

The article reveals a number of aspects of the artist Kuttybek Zhakupov's work on the artistic processing of leather. The methods of creating panels made of leather with the use of methods: double-sided fur, cutting fur wool, using the texture of the skin for the composition are disclosed. The methods of creating a composition with the image of the front part of the skin, resembling the shape of the image in real life, are considered. Depending on the length, the wavy direction of the fur, the nature of the color, are defined as new means of composition. Rationally using the similarity of the manifestations of natural figurative forms on the surface of the skin with the manifestations of form in life, he revealed the idea of creation. A conceptual, narratological analysis of the artistic features of the panels made of leather is made.

XOR BO'LIB KUYLASHDA DIRIJYORLIK MAHORATI ASOSLARI

O.A.Xayitov - o'qituvchi

Navoiy davlat pedagogika instituti

Tayanch so'zlar: dirijyorlik, temp, dinamik belgilar, cheronomiya, auftakt, xor san'ati, ritm, usul, monodika.

Ключевые слова: дирижирование, темп, динамические персонажи, черономия, ауфттакт, хоровое искусство, ритм, метод, монодика.

Key words: conducting, tempo, dynamic characters, cheronomy, auftact, choral art, rhythm, method, monodica.

Yosh avlodni ma'naviy boy, axloqan pok, jismoniy barkamol, har tomonlama barkamol rivojlangan madaniyatli inson qilib shakllantirishda musiqa, shu jumladan, ohan-rabo qo'shiqlar o'ziga xos o'rin tutadi.

2017 – 2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishlari bo'yicha Harakatlar strategiyasining «Ijtimoiy sohani rivojlantirishning ustuvor yo'nlisllari» nomli to'rtinchi bandida uzluksiz ta'lim tizimini yanada takomillashtirish yo'lini davom ettirish, sifatli ta'lim xizmatlari imkoniyatlarini oshirish, mehnat bozorining zamonaviy ehtiyojlariga muvofiq malakali kadrlarni tayyorlash vazifasi belgilab berilgan [1:4, 4].

Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev raisligida 2019-yil 19-mart kuni yoshlarga e'tiborni kuchaytirish, ularni madaniyat, san'at, jismoniy tarbiya va sportga keng jalb etish, ularda axborot texnologiyalaridan foydalanish ko'nikmalarini shakllantirish, yoshlar o'rtasida kitobxonlikni targ'ib qilish, xotin-qizlar bandligini oshirish masalalariga bag'ishlangan videoselektor yig'ilishi bo'lib o'tgan edi. Ushbu yig'ilishda davlatimiz rahbari ijtimoiy, ma'naviy-ma'rifiy sohalaridagi ishlarni yangi tizim asosida yo'lga qo'yish bo'yicha 5 ta muhim tashabbusni ilgari surgan edi.

Birinchi tashabbusda yoshlarning musiqa, rassomchilik, adabiyot, teatr va san'atning boshqa turlariga qiziqishlarini oshirish, belgilangan, ular yoshlar iste'dodini yuzaga chiqarishga xizmat qiladi.

Bugungi kunda mamlakatimizdagi 800 dan ortiq madaniyat markazlari, 312 ta musiqa va san'at maktablari-ga atigi 130 ming nafar o'g'il-qiz qamrab olingani, mazkur muassasalarning aksariyati o'quv qo'llanmalari, notalar to'plami, musiqa asboblari, mebel va jihozlar bilan yetarli darajada ta'minlanmagani ko'rsatib o'tildi. Davlatimiz rahbari joylardagi madaniyat markazlari, musiqa va san'at maktablarining moddiy-texnik bazasi va ulardan foydalanish holatini o'rganib, ularning faoliyatini yaxshilash bo'yicha topshiriqlar berdi. Madaniyat vazirligi va Xalq ta'limi vazirligiga hokimliklar bilan birgalikda tuman (shahar) madaniyat markazlari va umumta'lim maktablarida yoshlarning qiziqishlaridan kelib chiqib, qo'shimcha 1,5 mingta to'garak tashkil etish vazifasi qo'yildi. Tashabbuskor iste'dodli yoshlar va mahalliy homiylarni jalb etgan holda, madaniyat markazlarida badiiy-havaskorlik jamoalari, yoshlar teatr-studiyalari va "Yoshlar klublari" tashkil qilish zarurligi ta'kidlandi. Atoqli san'atkor va iste'dodli ijodkorlarni tumanlardagi madaniy ishlarga ko'makchi sifatida birlashtirish yaxshi natija berayotganini inobatga olib, bu tajribani butun mamlakatga yoyish bo'yicha ko'rsatmalar berildi. Unga muvofiq, taniqli san'atkorlar tuman va shaharlarga ijodiy maslahatchi sifatida birlashtirilib, o'sha joylarda madaniyat va san'atni rivojlantirishga mas'ul bo'ladi, tuman va shaharlar hokimlari esa ushbu ishlarga moddiy va tashkiliy jihatdan yordam beradi. Musiqa va san'at sohasida oliy ma'lumotli kadrlarni ko'paytirish masalasi-ga ham e'tibor qaratildi.

Musiqa darsi asosiy faoliyat turlaridan biri jamoa bo'lib kuylash, y'ni xor san'ati hisoblanadi. Xor ijrochiligi hozirgi kunda keng tarqalgan asl xalq san'ati turlaridan biridir. Chunki xalqimiz tomonidan jamoa bo'lib ijro etilgan turli janrdagi qo'shiqlar, an'anaviy fol'klorlar xor san'atining rivojlanishiga cabab bo'lgan. Xor bo'lib kuylashning boshka san'at turlaridan farqli jihati shundaki, xorni dirijyor boshqaradi. Dirijyor italyancha - dirigente, fransuzcha – chef d'orchestra, inglizcha – conductor so'zlaridan olingan bulib boshqaruvchi, bosh, rahbar ma'nolarini anglatadi.

Dirijyorlik san'ati musiqa faoliyatining takrorlanmas, yorqin ommaviy muhim mutaxassislik turlaridan biri hisoblanadi. Bu san'at turini egallash uchun yuqori eshitish qobiliyati, musiqa xotirasi, ritmni his qilish, tembr kabi malakalarga ega bulishi lozim. Dirijyor barmoq, qo'l, yuz mimikasi orqali ijro etilayotgan musiqa asarini sur'atini (temp), tovushlar o'zunligi, baland pastligini (dinamik belgilar), asarning xarakterini ifodalab bergan. Bunday yuz mimikasi, barmoq, qo'lning maxsus harakatlari xeyronomiya deb nomlanadi. Dirijyorlik mahoratiga xeyronomiya bilan bir vaqtda dirijyorlik apparati ya'ni gavda va oyoqlar holati, nafas (auftakt), kirish, to'gallash, malakalari ham kiradi.

O'zbek musiqasining asosiy monodik (bir ovoqli) bo'lganligi sababli ko'p asrlar davomida ko'p ovoqli xor ijrochiligi amalda qo'llanmagan. Xor san'ati respublikada XX asrning 20-yillaridan rivojlana boshladi. Ko'p ovoqli xor dastlab musiqali drama va komediyalarda xalq musiqasini xorga moslab qayta ishlangan holda qo'llanildi. S. Vasilenko va M. Ashrafiyning «Bo'ron», R. Glier va T. Sodiqovlarning «Layli va Majnun» kabi birinchi o'zbek operalari ko'p ovoqli o'zbek xor ijrochiligi rivojida katta rol o'ynadi. 1952 yili S. Valenko rahbarligida tashkil etilgan O'zbek xor kapellasi, shuningdek M. Burhonov, S. Boboyev, Ik. Akbarovlarning birinchi xor asarlari respublikada xor ijrochiligining o'sishiga yo'l ochib berdi. Ko'p ovoqli xor san'atining jadal rivojlanishi 50-60-yillarga to'g'ri keladi [2:32].

Xor ijrochiligi o'quvchilarda chuqur estetik zavq uyg'otibgina qolmay, ularni jipslashtiradi, jamoa bo'lib birlashtirishga olib keladi, hamda ma'naviy saviyasini, badiiy didini oshirishga yordam beradi. Bu esa ko'pchilik bir g'oya atrofida uyushdi, yagona ijrochilik maqsadi tomon yo'naltirildi degani, ya'ni boshqacha qilib aytganda, so'z va musiqadagi tuyg'u bir odam orqali emas, bir guruh odam tomonidan ifoda etilishidir. Xonandalik jozibasini bilan hayratga soluvchi o'ziga xos san'atdir. U insonning eng yaxshi his-tuyg'ularini uyg'otib, hayajonlantirish, qiziqitirish xususiyatiga ega. Shu sababdan xor ishtirokchilari bilan bir qatorda tinglovchilarning ham badiiy-g'oyaviy hamda axloqiy tarbiyalanishidagi roli juda muhim o'rin egallaydi.

Bugungi kunda ta'limning eng muhim jonlantiruvchi bosqichi bo'lgan umumta'lim maktablari uchun musiqa madaniyati fani o'qituvchilarini tayyorlaydigan oliy ta'lim muassasalarida bo'lajak o'qituvchilarni tayyorlashga ham yangicha talablar asosida yondashilmoqda. Musiqa madaniyati o'qituvchilarining kasbiy tayyorgarligi ularning musiqa san'atini bir necha mustaqil fanlar bo'yicha mukammal bilim va malakalarga ega bo'lishini taqozo etadi [4:2]. Musiqa madaniyati darslarining har bir faoliyatini samarali tashkil etish o'qituvchidan bir paytning o'zida musiqa nazariyasi, musiqa tarixi, solfedjo, dirijyorlik, vokal ijrochiligi, cholg'u ijrochiligiga oid bilimlar integrasiyasini talab qiladi. Ayniqsa darsning jamoa bo'lib kuylash faoliyatida o'qituvchi xor dirijyorligi malakalariga ega bo'lish lozim.

Har yili qo'shiq bayramlari, festivallar o'tkazilib, unda ko'p mingli xor kollektivlari qatnashdi. O'zbekistonda milliy professional xor san'ati yuzaga kelishida 1961 yili respublika televideniye va radiosi qoshida tashkil etilgan B. Umidjonov rahbarligidagi xor kollektivi muhim hissa qo'shdi. Bu xor radio va televideniye orqali xor san'atini aktiv targ'ib qilib kelyapti. O'zbekistonda xalq artisti, dirijyor va kompozitor B. Umidjonov xor kollektivning

raxbarigina bo'lib qolmay, uning repertuarini yaratuvchisi hamdir. Uning ijodiy boyligi O'rta Osiyo va Qozog'iston xalqlarining 50 dan ortiq original va qayta ishlangan qo'shiqlarini o'z ichiga oladi. Aktiv konsert faoliyati va xor musiqasi targ'ibotchiligi uchun 1982 yilda O'zbekiston televideniye va radiosi xori Respublikada xizmat ko'rsatgan kollektiv nomiga sazovor bo'ldi [3:46].

Keyingi yillar davomida respublikamizda bolalar xori keng rivojlanib, o'z ijrochilik mahoratini oshirib kelmoqda. Har yili respublikada o'tkaziladigan an'anaviy «San'at bayrami» ko'rik-konkursi musiq va umumta'lim maktablarining ko'pdan ko'p xor kollektivlarini jalb qilmoqda. O'zbekistonda yetakchi bolalar xor kollektivlaridan biri respublika xalq artisti, bir qancha mukofotlar sohibi Sh. Yermatov rahbarligidagi O'zbekiston televideniyesi va radiosing «Bulbulcha» milliy bolalar xoridir. Bu xor kollektivi Moskva, shuningdek Yugoslaviya, Finlyandiyada

ijrochilik mahoratini muvaffaqiyat bilan namoyish qilgan. Musiqa bilim yurtlarida, madaniyat texnikumlarida, pedagogika bilim yurtlarida, pedagogika institutlarida, madaniyat va san'at instituti va konservatoriyada ko'plab xor kollektivlari mavjud. Har yili Toshkentda konservatoriyada shahar xor kollektivlarining «Xor musiqasi haftaligi» ko'rigi o'tkazildi. O'zbekiston kompozitorlari xor musiqasining turli janrlarida ijod qilib muvaffaqiyatga erishmoqda lar. A.Hamidov rahbarligidagi O'zbekiston davlat filarmoniyasi qoshidagi xor kapellasi, B.Umidjonov rahbarligidagi O'zbekiston televideniyesi va radiosi xor kollektivi, M.Burhonov, I.K.Akbarov, S.Boboyev, M.Nasimov, N.Zokirov, M. Bafoyev' kabi o'zbek kompozitorlari bilan ijodiy hamkorlikda ish olib bordilar. O'zbekiston xor san'ati rivojidadagi bu o'zgarishlarga qaramay, respublika xor san'ati arboblari oldida katta vazifalar turibdi.

Adabiyotlar

1. 2017 – 2021yillarda O'zbekiston respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi. T. – 2017 PF-4947-son.
2. Sharafiyeva N. Xorshunoslik-T. G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti. -T.: 1987
3. Jumayeva L.X. O'zbek xor musiqasi tarixidan. -T.: 2000
4. Kozimov J. Xor dirijyorligida murakkab o'lchovlarni o'rganish uslublari. Uslubiy qo'llanma. –Samarqand: 2013.

РЕЗЮМЕ

Musiqa darsi asosiy faoliyat turlaridan biri sifatida jamoa bo'lib kuylash, ya'ni xor san'ati hisoblanadi. Dirijyorlik san'ati musiq faoliyatining takrorlanmas, yorqin, ommaviy muhim mutaxassislik turlaridan biri hisoblanadi. Bu san'at turini egallash uchun yuqori eshitish qobiliyati, musiq xotirasi, ritmni his qilish, tembr kabi malakalarga ega bo'lish lozim bo'ladi.

РЕЗЮМЕ

Одним из основных направлений занятий музыкой является групповое пение, то есть хоровое искусство. Дирижирование - одна из важнейших специальностей музыкальной деятельности. Чтобы овладеть этим видом искусства, необходимо обладать высоким слухом, музыкальной памятью, чувством ритма и тембра.

SUMMARY

One of the main areas of music lessons is group singing, that is, choral art. Conducting is one of the most important specialties in musical activity. To master this kind of art, you need to have a high ear, musical memory, a sense of rhythm and timbre.

ЁШ ГИМНАСТИКАЧИ ҚИЗЛАРНИНГ ХОРЕОГРАФИЯ МАШҚЛАРИ ОРҚАЛИ МАХСУС ХАРАКАТ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

И.С.Хайтметов – катта ўқитувчи

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Таянч сўзлар: хореография, жисмоний тайёргарлик, техник тайёргарлик, мажмуа, назорат синовлари.

Ключевые слова: хореография, физическая подготовка, техническая подготовка, комплекс, итоговые экзамены.

Key words: choreography, physical training, technical training, final exams.

Тадқиқотнинг долзарблиги: Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сонли жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисидаги Қарори асосида жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ахолининг, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, соғлом авлодни камол топтириш, таълим тарбия беришни аста-секин муваффақиятли амалга ошириш, жамиятни ривожлантиришда муҳим ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий вазифалардан бири бўлиб хизмат қилади [1,2].

Асосий эътибор гимнастикачи қизларнинг, хореографик машқларни бажариш техникасини тўғри ўзлаштириш кўникмаларига қаратилади. Мусобақа машқларини бажариш уларнинг юқори эстетик даражаларини намойиш қилиш қобилиятига ҳам [3,4] таъсир кўрсатади.

Лекин, ўтказилган педагогик кузатувлар, гимнастикачилар билан ўқув-тренировка машғулотларининг мазмун ва структураси бўйича машғулот тайёрлов ва якуний қисмида тренер томонидан қўлланилаётган машқлар тўпламидан секин-аста юқори хореографик машқларнинг катта қисми йўқолиб бораётганини кўрсатди [1,2].

Шунинг учун тренировка машғулотлари қисмларида хореографиянинг қадди-қоматнинг самарали шаклланиш воситалари, ҳаракатнинг ифодавийлиги ва улар асосида

юқори баҳоланадиган комбинацияларни босқичма-босқич кўриш (яккачўп ва эркин машқларда) ва уни энг юқори даражадаги мусобақаларда намойиш қилишда кўринади. Юқоридагиларни инobatга олган ҳолда, методик асосланган хореография воситаларини ёш бадий гимнастикачиларни тайёрлаш амалиётида қўллаш ва ишлаб чиқиш муаммолари долзарб ва амалда мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз [1,3,4].

Тадқиқотнинг мақсади: БЎСМда ёш гимнастикачиларнинг махсус ҳаракат тайёргарлигини, хореографик рақс элементлари орқали, машғулотларни ўқув-тренировка жараёнида шакллантириш ва тарбиялаш.

Тадқиқотнинг вазифаси. ёш гимнастикачиларнинг, БЎСМда комплексли хореографик тайёрлов дастурини тажрибада асослаш.

Тадқиқотни ташкил қилиш. Педагогик кузатувлар ва назорат синовлари Чирчиқ шаҳридаги БЎСМда ўтказилди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Махсус жисмоний тайёргарлик – жисмоний сифатларни тарбиялашга ва мукамаллаштиришга хизмат қилади ҳамда гимнастика машқлари техникасини муваффақиятли бажаришга ва уни такомиллаштиришга имконият яратади.

Махсус жисмоний тайёргарликда чидамликни, тезкорликни, эгилувчанликни, кучни ва координацион ҳаракатларни тарбиялаш назарда тутилган. Гимнастикачи қизларнинг жисмоний сифатлари даражасини оптимал ривожлантиришни ҳисобга олиш лозим.

Шуғулланувчи қизларнинг махсус жисмоний тайёргарлик даражасини ўлчаш мақсадида қуйидаги тестларни бердик:

1. Эгилувчанлик учун – кўприкчани ҳосил қилиш бир оёқ олдинда-юқорида. (қўл кафтидан таянган оёқ кафтигача бўлган масофа ўлчанади)

2. Мувозанат учун – оёқ учида, бир оёқ ёнга мувозанат сақлаш, қўллар юқорида. (оёқларни ушлаш вақти ўлчанади)

3. Куч учун – Гимнастика деворида оёқларни тўғри бурчак остида кўтариш. (оёқларни кўтариш сони ҳисобланади)

4. Сакровчанлик учун – керилган оёқ ҳолатидан қўлларни силтаб юқорига сакраш. (сакраш баландлиги ўлчанади)

5. Тезкорлик учун – Энгашиб оёқларни ушлаш ҳолатидан, қўлларга таяниб ётиш ва қайтиш. (10 секунд давомида бажарилган сони ҳисобланади)

Тажрибадан олдин берилган қизларнинг махсус жисмоний тайёргарлик даражасини ўлчаш учун берилган тест натижаларидан кўриниб турибдики тажриба ва назорат гуруҳида ҳам деярлик бир хил натижа. Эгилувчанлик ўртача ҳисобда тажриба гуруҳида 55,0 см бўлса, назорат гуруҳида 55,8 смни кўрчатамоқда. Мувозанат ушлаб туриш вақти эса тажриба гуруҳида 3,8 секунд бўлса, назорат гуруҳида эса 3,7 секунд, куч учун берилган гимнастика деворида оёқларни тўғри бурчак остида кўтариш сони тажриба гуруҳида 10,6 марта, назорат гуруҳида ҳам 10,6 мартани кўриш мумкин. Сакраш баландлиги эса тажриба гуруҳида 35,17 см, назорат гуруҳида 35,24 сантиметрни ташкил этди. Тезкорлик учун энгашиб оёқларни ушлаш ҳолатидан, қўлларга таяниб ётиш ва

қайтиш ҳаракатини 10 секунд ичида тажриба гуруҳидаги қизлар 1,8 марта, назорат гуруҳидаги қизлар эса 1,6 марта бажаришди (1-жадвал).

Демак кўриниб турибдики тажриба ва назорат гуруҳларининг тажрибадан олдинги кўрсаткичлари бир биридан унчалик фарқ қилмайди. Иккала гуруҳнинг қизлари бир хил махсус жисмоний тайёргарлик даражасига эга.

1-жадвал. Тажриба ва назорат гуруҳларида тадқиқотдан олдин ва кейинги шуғулланувчи қизларнинг махсус жисмоний тайёргарлик даражасини ўлчаш натижалари

Гуруҳлар		Эгилувчанлик	Мувозанат	Куч	Сакровчанлик	Тезкорлик
Нazorат гуруҳи	Тадқиқотдан олдин	55,7	3,7	10,6	35,24	1,6
Тажриба гуруҳи	Тадқиқотдан олдин	55,0	3,8	10,6	35,17	1,8

Гимнастиканинг спорт турларида тайёргарликнинг спорт-техник критерияларининг кўрсаткичи иккитадир. Шундан келиб чиқиб, биз тажрибанинг натижаси сифатида қуйидаги натижаларни кўриб чиқамиз:

Умумий машқлар ҳажмининг кўрсаткичи тажриба гуруҳи гимнастикачилари таянч ёнида ўқув-тренировка машғулоти жараёнида ўртада ва тадқиқ этилаётган кўпкураш турларида ўзлаштирган тренировка жараёнида назорат гуруҳининг кўрсаткичларидан тажриба гуруҳининг кўрсаткичлари сезиларли даражада ошди (2 жадвал).

2-жадвал. Синалаётган гимнастикачилар гуруҳининг хореографик ва махсус-ҳаракатланиш бўйича ўзлаштирилган машқларнинг умумий сони

Кўпкураш турлари	Тажриба гуруҳи				Нazorат гуруҳи				t ₀₅
	9 ёш	10 ёш	11 ёш	жами	9 ёш	10 ёш	11 ёш	жами	
Махсус-ҳаракатланиш тайёргарлиги									
Хореография	32	17	15	64	22	10	7	39	P<0,01
Махсус-жисмоний тайёргарлик									
Эпчиликка машқлар	13	9	9	31	7	5	5	17	P<0,01
Координацион машқлар	21	17	15	53	13	9	7	29	P<0,05
Тезлик ва сакровчанликка машқлар	15	13	11	39	9	8	6	23	P<0,05
Қайишқоқликка	12	8	7	27	7	5	3	15	P<0,05
Жами	61	47	42	150	36	27	21	84	P<0,05
Жами	93	64	57	214	58	37	28	123	P<0,01

Машғулотлар БЎСМда ҳафтасига 3 мартадан олиб борилди. Ушбу мажмуалар эса ташкилий услубий кўрсатмаларга асосан ҳар бир машғулотда берилди. Тадқиқот гуруҳига ушбу мажмуалар 6 ой давомида берилди.

Тадқиқот якунида тажриба ва назорат гуруҳида шуғулланувчи қизларнинг махсус жисмоний тайёргарлик даражаси текшириб кўрилди.

Юқорида айтилганларга таянган ҳолда жадвал (1) ва жадвал (2) келтирилган мисолларни ҳисобга олганда тажриба жараёнида олинган маълумотларни солиштириб қуйидаги хулосага келиш мумкин:

- бошида илгари сурилган тадқиқот гипотезаси 9-11 ёшли гимнастикачиларни хореографик машқларга ўқитиш мақсадида ўқув-тренировка жараёнини кўриш мумкинлиги ҳақида ўзининг амалий тасдиғини топди;


- таклиф этилган етилтириб-ривожлантирувчи комплекслар махсус-ҳаракатланиш комплекслари ва

махсус-жисмоний сифатларни ўқув-тренировка машғулоти жараёнида ривожлантиришга имкон беради;

- хореографик тайёргарлик воситаларини рационал тақсимлаш, шунингдек йил бўйича дастурий ўқув методларини эффектив қўллаш нафақат хореографик машқларнинг катта ҳажмини муваффақиятли ўзлаштиришга балки энг асосийси эстетик жиҳатдан оқилона мусобақавий комбинацияларни эркин машқларда яқкачўп тахтада шакллантиришга имкон беради .

Лекин ўқув-тренировка жараёнининг тажрибада тасдиқланган ва самарали тавсия этилган хореография машқлари эстетик воситалар сифатида ўргатиш метод ва воситалари шунингдек махсус-ҳаракатланиш сифатларини ривожлантириш фақат назорат ва расмий мусобақаларда текшириш мумкин бўлди, мустақил экспертлар гуруҳи БЎСМ тренерлари ва етакчи хореографларни таклиф этган ҳолда.

1-расм. Тажриба гурухининг тадқиқотдан олдин ва тадқиқотдан кейинги олинган натижалари динамикаси



Хулоса. Мавзу доирасида тахлил этилган илмий-услубий адабиётлар, мутахасис олимларнинг фикр мулохазалари, назарий маълумотлари, меъёрий хужжатлар ҳамда ўтказилган тадқиқот ва педагогик тажриба натижалари куйидаги хулосаларни эътироф этиш имконини беради.

Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган махсус машқлар кетма-кетлиги ўз самарасини берди. Тажриба гуруҳида махсус жисмоний тайёргарлик даражаси анча юқори ўсди. Улар тавсия қилинган машқларни мукамал даражада ўзлаштириб, гардишда комбинация бажардилар. Тавсия қилинган машқлар кетма-кетлиги гардишда комбинацияни бажаришда жуда катта ёрдам берди.

Демак, машғулотлар давомида биз тавсия қилгандек машқларнинг кетма-кетлигидан фойдаланилса, шуғулланувчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлиги тезроқ ривожланади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сонли қарори.
2. Хайтметов И.С. Гимнастиканинг спорт турларида хореографик машқларни ўтказиш услубиёти Ўқув-услубий қўлланма –Т.: «Фан ва технология», 2016, 130-б.
3. Хайтметов И.С. “Sport pedagogik maxoratini oshirish” (Badiiy gimnastika) Xoreografik mashqlarni oʻtkazish uslubiyoti Oʻquv-qoʻllanma –Т.: « Davr matbuot savdo», 2020, 176-б.
4. Эштаев А.К. Спорт гимнастикаси машғулотининг назарий асослари. Услубий қўлланма. -Т.: ЎДЖТИ нашриёт-матбаа бўлими, 2009. 113-б.

РЕЗЮМЕ

Илгари сурилган тадқиқот гипотезаси 9-11 ёшли гимнастикачи қизларни ўқув-тренировка жараёнида хореографик машқларга ўргатиш ўзининг амалий тасдиғини топди.

РЕЗЮМЕ

Предложенная гипотеза исследования нашла практическое применение при обучении гимнасток 9-11 лет хореографическим упражнениям во время тренировок.

SUMMARY

The hypothesis of the research proposed earlier has found practical application in teaching 9-11 year old gymnasts to choreographic exercises during training

ОЛИЙ ТИББИЙ ТАЪЛИМНИНГ УМУМИЙ ТЕНДЕЦИЯЛАРИ ВА ҚОНУНИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ ЎРНИ

М.Р.Кадирова – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент
Фаргона жамоат саломатлиги тиббиёт институти

Таянч сўзлар: тиббий таълим, тиббиёт педагогикаси, тиббий маданият, касбий маданият, профессионаллик, модернизация, мотивацион мезон, когнитив мезон, фаолиятли мезон, шахсий мезон.

Ключевые слова: медицинское образование, медицинская педагогика, медицинская культура, профессиональная культура, профессионализм, модернизация, мотивационный критерий, когнитивный критерий, критерий деятельности, личностный критерий.

Key words: medical education, medical pedagogy, medical culture, professional culture, professionalism, modernization, motivational criterion, cognitive criterion, activity criterion, personal criterion.

Бугун мамлакатимизда миллий тиббий таълим соҳасини модернизация қилиш, тиббий таълимга халқаро таълим стандартларини жорий қилиш бўлажак шифокорларни аҳоли саломатлигини муҳофаза этишга ўргатиш бўйича комплекс илмий тадқиқотлар олиб бориш, шунингдек, тиббий таълимда таълим олаётган ёшларга маънавий – маърифий самарали тизимини яратиш бўйича изчил ишларни амалга ошириш масалалари Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан қабул қилинаётган қарор ва фармонларда ўз аксини топмоқда.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўнлиши Ҳаракатлар стратегияси ҳамда 2019 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси вазифасига мувофиқ, шунингдек, тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм – фан тизимини янада такомиллаштириш, унинг амалий соғлиқни сақлашга интеграция қилишини таъминлаш ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш даражасини ошириш мақсадида:

бирламчи тиббиёт – санитария ёрдами муассасалари учун умумий амалиёт врачлари ичида эҳтиёж юқори бўлган тор мутахассисликлар бўйича шифокорларни тайёрлашни ташкил этиш;

тиббиёт ва фармацевтика кадрларини тайёрлаш ва

узлуксиз касбий таълимини жараёнларига ўқитишнинг кредит – модул тизимини жорий этиш;

тиббиёт ва фармацевтика кадрларинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг марказлаштирилишига барҳам бериш, уларнинг узлуксиз касбий таълим билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш;

тиббиёт ва фармацевтика кадрларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқитиш жараёнларини мониторинг қилиш ва шахсий ҳисобга олишни таъминлаш;

тиббиёт ва фармацевтика илм – фанини, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасидаги инновацияларни жаҳон даражасигача ривожлантириш, уларни илмий майдонига интеграция қилишини таъминлаш;

кадрлар тайёрлаш, таълим, илм – фан ва амалиётни интеграция қилишнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида тиббиёт ва фармацевтика муассасаларининг клиникалари, ўқув – ишлаб чиқариш базаларини ривожлантириш [1].

Юқорида қўйилган вазифалардан келиб чиқиб бугун биз тиббий таълимда ўқув – тарбия жараёнини ташкил қилишда замонавий тенденцияларга ёндошимиз талаб этилади ҳамда тиббиётда педагогиканинг ўрни ва аҳамиятини тахлил қиламиз.

Тиббиёт соҳасида педагогиканинг шаклланиши ва ривожланиши учун тарихий – педагогик изланишларни ташкил қилишда қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади;

- у ёки бу ходисани шакллантириш концепциясини мавжудлиги;

- фан ва амалиёт ғояларининг мавжудлиги;

- педагогика ва тиббиёт ўртасидаги боғлиқлик ва уларни тарихий – педагогик жараёнда амалга ошириш ғояларининг мавжудлиги.

Адабиётларнинг таҳлилларидан шуни кўриб турибмики, бугун биз ўқув – тарбия жараёнини ташкил қилишда ҳар томонлама ривожланган юксак маданият эгаси бўлган шифокорларни тарбиялаш муҳим. Илмий адабиётларни таҳлил қилиш “Маданият” тушунчасини инсонийлаштириш, культивация жараёнининг натижаси, парвариш воситалари сифатида талқин қилинади [5:447].

Шифокорлик касби билан шуғулланган ахлоқий фазилатларга ҳам алоҳида эътибор бериши талаб этилади. Бизга маълумки, қадимдан табиблик касби энг улуғланган касблардан бири бўлиб, у инсонларни дардига шифо топиш, уларни турли хил оғриқлардан халос этиш билан боғланган. Шунинг учун ҳам тиббиётда ахлоқий меъёрлар алоҳида аҳамият касб этган.

Олий тиббий таълимда бўлажак шифокорларнинг тарбиялаш масалаларига ёндошар эканмиз, бўлажак шифокорларнинг касбий – маънавий, ахлоқий фазилатлари масалаларини ҳам тадқиқ этиш зарур. Педагог олим Б.Т.Лихачев ўзининг олиб борган тадқиқотларида «Ахлоқ – бу жамиятдаги одамларнинг муносабатларини жамоатчилик фикри асосида бошқарадиган, уларнинг хулқ-атвори ва фаолиятини рағбатлантирувчи ёки таъқиқловчи меъёрлар ва қоидалар тўпламидир», – деб ҳисоблаган [7:42].

Умуман олганда, инсоннинг касбий маънавияти таълим-тарбия жараёнида унинг фаолиятида ахлоқий талаблар қай даражада эканлиги ва қай даражада сингдирилиши билан тавсифланади. Касбий таълим жараёнида талаба касбий маънавият меъёрлари билан муайян муносабатларга киришиб, уларда ўзининг ахлоқий моҳиятини англайди ҳамда унинг тарбияланганлик даражаси маданияти билан белгиланади.

Маданият – бу инсонларнинг ижодий фаолияти туйғули яратилган моддий ва маънавий бойликлар мажмуғига бўлиб қомай, айна пайтда у жамият тараққиётининг даражасини ҳам ифодалайди, яъни жамиятдаги билим, мезон ва қадриятларнинг йиғиндисиди маданиятда гавдаланади [3:6].

Шу ўринда биз тадқиқотларимиз таҳлилларидан келиб чиқиб тиббиётда “Касбий маданият” ни ривожлантириш масалаларига тўхталдик.

Касбий маданият ахлоқий фазилатларнинг бир кўриниши сифатида когнитив жараённинг моҳияти ва шахсни ривожлантиришда уни амалга ошириш хусусиятларини очиб бериш лозим. Бўлажак шифокорнинг касбий маданияти унинг билимлари, кўникмалар, тамойиллар ва эътиқоддан иборат бўлиб, бу фазилатларни амалга ошириш кўникмалари ва қобилиятлари, бўлажак шифокорнинг кундалик фаолиятида намоён бўлади.

Касбий маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари:

Биринчидан, унинг мутахассислик хусусиятига эга эканлигида ва касбий фаолиятнинг мазмуни билан ўз эгаллаган соҳасига кириша олишида. Бундан ташқари, деярли бўлажак шифокор ҳеч бир ижтимоий фаолияти унинг таъсиридан ташқарида бўлмайди. Ўзи ёлғиз

қолганда ҳам, инсон ўзининг касбий маданияти таъсирида ўйлайди ва ҳаракат қилади.

Иккинчидан, бўлажак шифокорнинг касбий маданияти унинг онги, хисси, иродасида ҳам намоён бўлиб, унинг ўз соҳасига доир қарорлар қабул қилишига таъсир кўрсатади.

Учинчидан, касбий маданият шахснинг дунёқараш даражасига, шахсий жавобгарлик хиссига бевосита боғлиқ.

Умумий маънода бўлажак шифокорнинг касбий фаолиятида уч таркибий қисм асосдир. Булар – **касбий маънавият, касбий ахлоқ ва касбий маданиятдир**.

Касбий маданият бу – касбий фаолият меъёрлари, тушунчалар ва мулоҳазаларнинг субъектив анланган ифодасидир. Инсон ҳаётида у инсон онгининг ақлий фаолияти шакли сифатида намоён бўлади.

Касбий маданият - шифокор ва бемор ўртасидаги объектив ва субъектив хусусиятларга эга. Уларнинг объективлиги шундаки, улар касбий фаолият талаблари билан белгиланади, шунингдек, унинг мазмуни принципиал жиҳатдан иқтисодий, сиёсий ва бошқа ижтимоий муносабатларнинг моҳияти билан белгиланади. Касбий маданият муносабатлар субъектив хусусиятига эга, чунки улар ҳақиқатан ҳам тўғридан-тўғри мутахассис, шахс томонидан амалга ошади.

Биз тадқиқ этган тадқиқотимизда касбий маданият, касбий фаолият таркибий қисмларининг ўзаро уйғунлигида бўлажак шифокор маданиятининг моҳияти ўз ифодасини топади. Шу сабабли ҳар бир бўлажак шифокор ўзининг касбий фаолияти учун шахсий маънавий жавобгарликни ўз зиммасига олиши шарт. Чунки бу унинг мақсадларини белгилаши, қарор қабул қилиши, шахсий хулқ-атвори режалаштириш ва ўзига боғлиқ бўлган касбий фаолиятнинг асосий бўғинидир. Юксак профессионаликни юксак касбий маданиятга, ижтимоий фаоллик, шахсий ишонч, онгли мотив ва одатий хатти-ҳаракатлар нормаларига айлантириш бугунги кунда олий тиббий таълим муассасаларининг асосий тарбиявий вазифасидир.

Тиббиёт ходимининг касбий маданиятини ҳамда касбий фазилатлари ҳамда уларни намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш доирасида биз тиббиётнинг ижтимоий ва касбий муносабатларини алоҳида соҳаси сифатида аниқлаш мумкин, деб ҳисобладик. Шифокорлик касби – бу махсус тайёргарлик, тажриба ва иш тажрибаси натижасида олинган махсус тиббий назарий билимлар ва амалий кўникмалар тўпламига эга бўлган мутахассиснинг меҳнат туридир. Бунда тиббий билим – бу инсон танасининг хусусиятлари ва унга таъсир қилиш имкониятлари тўғрисида билимлари олий тиббий маълумотга эга бўлган мутахассис ва «бунга руҳсат олган шифокордир» [2:736]. И.В.Силуянова эса шифокорнинг ахлоқий маданиятини тиббий профессионаликнинг асоси, деб ҳисоблайди [9:8].

Шифокор (амалиётчи ва олим) касбий фаолиятининг асосий мақсади инсон ҳаётини сақлаб қолиш, касалликларнинг олдини олиш ва кишилар соғлигини тиклаш, шунингдек, даволанмайдиган касалликларда азобланишни камайтиришдир [8:272]. Шифокорнинг касбий ва шахсий маданияти, М. А.Мартинованинг талқинига кўра, «мураккаб ижтимоий хусусият, унинг маънавий, ахлоқий ва интеллектуал ривожланиши, юқори профессионалиги ва касбий аҳамиятли, ахлоқий ва деонтологик фазилатларнинг ривожланиш кўрсаткичидир» [10:180]. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики касбий маданият шифокорлар касбий фаолиятини тартибга солиб, унинг самарадорлигини таъминлайди, чунки бу муайян

ҳолатларда тиббий билим ва кўникмаларни қўллашга йўналтирувчи ва чекловчи ички, корпоратив ахлоқий меъёрлардир. «Ахлоқ, – деб ёзади бу ҳақида Т.А.Ковелина–шифокорнинг шахсияти унинг яхлитлигининг гарови бўлиб хизмат қилади. Ахлоқ ва унинг талабларидан воз кечиш ўзини шифокор бўлиш имкониятидан маҳрум қилишни англатади» [6:296].

Шифокор маданиятини унинг хулқ – атвори ва маданияти белгилайди Шифокорнинг касбий ахлоқи инсон саломатлиги ва ҳаётини ҳимоя қилиш ва унинг мақсадларига амал қилиш билан белгиланади. Шифокор ахлоқи нима? Бу шифокорнинг ўз фаолияти соҳасидаги хулқ-атворининг ахлоқий кадриятлари ҳақидаги фан сифатида таърифланиши мумкин бўлган умумий ахлоқнинг бир қисмидир. «Тиббий этика хулқ-атвор стандартлари тўпламини ўз ичига олади, шифокорнинг бурчини, виждони ва виждоний кадрини белгилайди» [4:191].

Тиббий тизимида халолликни мавжулиги беморларнинг соғлиги кўрсаткичларида – касалланиш, ўлим, умр кўриш давомийлиги, туғилиш ва бошқаларда акс эттирилиб, тиббий демография, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий тиббиёт, ижтимоий ва бошқа соҳа мутахассислари томонидан ўрганилаётганини кўришимиз мумкин. Юртимиздаги барча беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатилмаса, бундай соғлиқни сақлаш тизимини адолатли деб бўлмайди. Олиб борилган таҳлиллардан шуни айтиш мумкинки, юқоридаги ахлоқий меъёрлар тиббий фаолиятнинг таркибий элементлари эканлигини ва шифокорларнинг касбий маданиятини белгилайди.

Умуман олганда шифокор маданияти тиббиёт ходимларининг беморлар, уларнинг қариндошлари, шунингдек, даволаш пайтида шифокорларнинг ўзаро муносабатлари билан боғлиқ бўлиб, маданий-ахлоқий муносабатларини қамраб олади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида шифокорнинг мавқеи, касбий фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган омил, шунингдек, шифокорларга ва умуман,

соғлиқни сақлашга қўйиладиган талаблар ортади. Аммо ижтимоий шаклланишидан қатъий назар, муваффақиятли даволанишнинг шартли тиббиёт касбининг инсоний моҳияти – азоб-уқубатларни енгиллаштириш ва касалга ёрдам бериш истаги билан белгиладиган муайян ахлоқий тамойилларга мунтазам риоя қилиш талаби қўйиб келинган ва шундай бўлиб қолади. Чунки даволанишнинг ушбу мажбурий тамойилига амал қилинмаса, касбий маънавий-ахлоқий меъёрларга риоя қилиш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас.

Бир қатор адабиётлар таҳлили ва олимларнинг тиббий таълимни ривожлантиришдаги қарашлари касбий маданият мезонларини аниқлаш имконини берди:

- **Мотивацион мезон** – ушбу мезон тиббий таълим талабаларини онгли равишда касбий фаолиятининг мазмунидан келиб чиқиб, уни фанларни ўзлаштиришга қиришишга, тиббиётдаги замонавий билимларни ўзлаштиришга, профессионализмни ривожлантиришга туртки бўлади. Бу мезон бўлажак шифокорларни атрофга, жамиятга бўлган муносабатини ўзгартиради.

- **Когнитив мезон** – ушбу мезон тиббий таълим талабаларининг маънавий – ахлоқий ғояларини ва унинг тушунчаларининг тўлиқлиги ва ҳажмини ҳамда улар ўртасидаги боғлиқлигини таъминлайди.

- **Шахсий мезон** – тиббий таълим талабаларини тайёрлаш жараёнида касбий фазилатларнинг махсус аспектини шакллантириш, жумладан инсонийлик, интилувчанлик, масъулиятлилик ва бошқалар.

- **Фаолият мезони** – ушбу мезон тиббиёт соҳасида қабул қилинган қарорлар, меъёрларга амал қилиш ҳамда мунтазам равишда ўз устида ишлаб бориш.

Шундай қилиб олий тиббий таълимда бўлажак шифокорларни касбий фаолиятга тайёрлашда уларнинг мутахассислиги доирасида педагогик жараёни ташкил қилиш талаб этилади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм – фан тизимини янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисидаги ПҚ 43-10 сон 6.05.2019
2. Даль В.И. Толковый словарь русского языка современная версия / В.И. Даль. – М.: ЭКСМО, 2011. – С.736.
3. Гулметов Э., Қобилжонов Т., Эрназаров Ш., Маврузов А. Маданиятшунослик. – Т.: “ЎАЖБНТ” маркази, 2000. 6-б.
4. Грандо А.А. Врачебная этика и медицинская деонтология / А.А. Грандо. – 2-е изд., перераб. и доп. – Киев: «Высшая школа», 1988. – С.191.
5. Культурология. XX век. Энциклопедия. Т. 1. – СПб.: Университетская книга ООО «Алтея», 1988. – С. 447.
6. Ковелина Т.А. Образ врача в культуре: дис. д-ра философ, наук. – Ростов н/Дону: 2006. – С.296.
7. Лихачев, Б.Т. Педагогика курс лекций / Б.Т. Лихачев. – М.: «Юрайт», 2001. 667. – С. 42.
8. Медицинская этика и деонтология / под ред. Г.В. Морозова, Г.И. Царегородцева. – М.: Медицина, 1983. – С.272.
9. Силуянова, И.В. Нравственная культура врача как основание медицинского профессионализма / И.В. Силуянова // Экономика здравоохранения. 2000. № 1/42. – С.5-8.
10. Тарарышкина М.А. Формирование профессионально-личностной культуры студентов в образовательном процессе высшей медицинской школы канд. пед. наук: 13.0.01 / М.А. Тарарышкина. – Рязань – Москва: 2007. – С.180.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада тиббий таълимнинг умумий тенденциялари, тиббий таълим жараёнига қўйилган талабалар, тиббиёт соҳасида педагогиканинг ривожланиши, олимларнинг педагог ва шифокор касби ўртасидаги тафовутлар бўйича қарашлари, тиббий таълимда ўқув жараёнини ташкил этиш масалалари, тиббий таълимда ахлоқий фазилатларни шакллантириш, тиббий маданиятни ҳамда касбий маданиятни ривожлантириш масалалари ҳамда касбий маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье представлены общие тенденции медицинского образования студентов, развитие педагогики в медицине, взгляды ученых на различия между педагогами и врачами, организацию учебного процесса в медицинском образовании, формирование этических норм. качеств в медицинском образовании, медицинской культуре и профессиональной культуре. Изучены особенности профессиональной культуры.

SUMMARY

This article discusses the general trends in medical education for students, the development of pedagogy in medicine, the views of scientists on the differences between teachers and doctors, the organization of the educational process in medical education, the formation of ethical qualities in medical education, medical culture and professional culture. The peculiarities of professional culture are studied.

TECHNICAL ISSUES ON DEVELOPING STUDENTS' SOCIAL POWER THROUGH IDEOLOGICAL EDUCATION AT HIGHER EDUCATION

Q.A.Kodirov - *Vice-Rector for Youth Affairs and Spiritual and Educational Affairs
Nukus state pedagogical institute named after Ajiniyaz*

Таянч сўзлар: олий таълим, мафкуравий иммунитет, касбий маҳорат, меҳнат бозори, ижтимоий фаоллик, ёшларнинг ғовий тарбияси, технология, педагогик соҳа.

Ключевые слова: высшее образование, идейное воспитание, профессиональное мастерство, рынок труда, социальная активность, идеологическое воспитание молодежи, технология, педагогическая сфера.

Key words: higher education, ideological education, professional skills, labor market, social activity, ideological youth education, technology, pedagogical sphere.

Introduction. Currently, there are radical reforms and significant changes in the new developers of socio-political, economic and education. Today, students are increasingly important, using their knowledge, experience, personal qualities, to be sufficiently aware of the labor market and to understand their abilities in a competitive environment.

Today, on the basis of the principle of New Uzbekistan – «from the national revival – towards the National upsurge», our state is entering a new 3-Renaissance period of development. The time is the critical respects of the training of young people in our country on a modern basis, to eliminate new mechanisms, as well as introduce new mechanisms, as well as introducing new mechanisms into this field, as well as innovative thinking He is doing [1:66].

The ability to sell itself to mobility, changing working conditions, is ready to sell the «self» in the labor market, which is useful in the labor market in the labor market, which is useful in the labor market in the labor market, which is useful in the labor market in the labor market in accordance with professional, personal and other features, is ready to adapt to the conditions of «self». And able to take on their responsibility. At present, employers pay attention to not only in the applicant's professional skills, but also on communication skills, but also in communication skills, but also in communication skills, but also in communication skills, but also in the requirements, and the requirements, creative thinking, and compatible qualities. Therefore, the formation of students' social powers is very important task in the present days.

This article is aimed at identifying the technological issues of the formation of social powers of students in the higher education system, as well as the factors that negatively affect the training of competitive specialists in the educational process.

The country's potential is determined by the level and quality of education. Effective economic growth and development of the state depends on the upbringing of the competition direct competition. Thus, the education is provided by the state's sustainable economic growth and socio-economic development. Today, the education system of Uzbekistan is at the level of advanced countries. Nevertheless, regardless of the individual characteristics and skills of the student, the problem of proper organization of pedagogical conditions to ensure the maximum efficiency of the educational process. The pedagogical process provides effective and target development of a competitive person.

In time, pedagogical activity is also aimed at creating all the necessary conditions that allow to be competitive in the student's profession. There are also the principles of organization of scientific theories, methods and technologies of educational institutions, educational process.

A modern system of school education system cannot provide sufficiently provision of the social powers of students. In this regard, students face certain challenges in the next education process: unable to create a connection and asking questions, emphasize their views and defend their views, Manage their emotions, listen, and so on. All of these challenges often lead to difficulties in the field of activity and then in the field of activity.

Materials and research methods. Currently, there is no consensus on what social competence is. Having studied the work of various researchers in this area, we can con-

clude that social competence is nothing more than a person's ability to interpersonal interaction with other people. Thus, social competence is the main characteristic that reflects the skills of a person “to develop interpersonal relationships with colleagues, to ensure a full-fledged mastery of social reality and allowing you to effectively build your behavior in conjunction with situations and in accordance with the values and norms accepted in society at the moment”... [2].

D.A.Pochebut describes social competence as the ability to effectively apply various kinds of social knowledge, skills and abilities to create a complex of formal and informal social ties, through which adaptation and self-realization of a person in society is ensured... [3:24].

According to the point of view of Pryamikova E.V., social competence is a person's ability to build strategies for interaction with other people in the changing social reality surrounding him... [4:126-132]. As for the structure of social competence, the German psychologists M. Schroeder and M.Forwerg believe that it consists of four components. This is sociability, the readiness of the individual to communicate, the ability to persuade, and self-respect... [5:74].

Let us turn to the technological issues of the formation of students' social competencies. The formation of students' social competencies is achieved thanks to the following pedagogical technologies:

- technologies based on the modernization of the management of the learning process;
- technologies based on the modernization and updating of educational material and the development of new information technologies;
- technologies based on the modernization of the communicative aspects of the learning process;
- technologies based on the development of individual qualities of a student... [6].

In our study, we used the technology of the psychologist and teacher A.A. Verbitsky based on sign-contextual learning... [7]. It includes the gradual formation of the student's position regarding his future professional activity. In addition, this technology provides contextual learning, thanks to which university graduates adapt more successfully to a new team, acquire the abilities and skills of social interaction, responsibility for the work performed [8].

Let us consider in more detail the application of this technology in the process of teaching students in the specialty "Tourism and hotel business". It is advisable to carry out contextual training of students in the form of gradual transitions from academic educational activities (seminars, lectures), through the forms of quasi-professional activity (business game) to educational and professional (industrial practice, course and diploma design). The result of this system is the professional activity of the graduate. Thanks to the contextual learning system, conditions are provided for the development of the individual abilities of each student. In our research, we examined three main stages of the formation of social competences of students in the process of studying the discipline "Information technology". The first stage is educational activity of an academic type, during which students study the theoretical foundations of a given subject (information and its types, processing methods, etc.). The second stage is a quasi-professional activity, during which students apply the theoretical knowledge gained

in practice. At this stage, the image of the future profession and its features are formed. The third stage is the study of

the social components of information technology. The results of our study are presented in Table

1. Table 1 Stages of the formation of social competencies of students

Stages	Item	Well	Kind of activity	Forms and methods of teaching
I	Information Technology	I	Academic	Lecture, seminar, presentation, lecture-conference, webinar
Ключевые слова: квалификация, компетенции, социальная активность, творческие способности, личностные компетенции, духовно-нравственные качества.

Key words: qualifications, competencies, social activity, creativity, personal competence, spiritual and moral qualities.

“Tarbiya” fani o'qituvchilarida ijtimoiy kompetensiyalarni rivojlantirish muammosining pedagogik, psixologik muammo sifatida o'rganilishi va hal qilinishi pedagogika institutlarida, universitetlarning pedagogika va psixologiya fakulteti, bo'limlarida ta'lim jarayonida kompetentli yondashuvni takomillashtiradi. Bu esa ijtimoiy kompetensiya mohiyatini “kompetensiya” va “kompetentlilik” tushunchalari orqali oydinlashtirishni taqozo qiladi.

Zamonaviy kasbiy ta'lim mutaxassislarida yangi qadriyatlar tizimini shakllantirishga qaratiladi. Uning markazida, G.P.Shedrovskiyning fikricha, “Erkin muloqotga asoslangan, hayot tarzini va aloqa shakllarini kommunikatsiya asosida o'zgartira oladigan, va ijtimoiy javobgarlik prinsipi va pozitiv tipga ega bo'la oladigan individ” turadi [1:7].

Lug'atlarda “kompetentli” [2:72] tushunchasi bir necha ma'nolarda keladi. Jumladan, muayyan kompetensiyaga ega bo'lgan, ya'ni biror bir tashkilot, shaxs faoliyatida vujudga keladigan muammo, vaziyatlarga: *competentia* (lot.) –1) qonun bo'yicha taalluqli funksiyalarni amalga oshira oluvchi; 2) ma'lum savollar to'plamiga javob bera oladigan, malakali mansabdor shaxsni anglatadi. E.A.Seytxalilov, B.X.Raximov, I.U.Madjidovlar tomonidan chop etilgan “Pedagogicheskiy slovar-spravochnik” lug'atida “kompetentli” termini “biror bir sohaga taalluqli bilimga egalik, xabardorlik”, “kompetensiya” so'zini esa “ma'lum savollarga javoblarni yaxshi biladigan kishi”, yoki “biror ishni qilish huquqiga ega odamlar doirasi”, sifatida talqin qilinadi [3:701].

Kompetensiya biror sohada insonning o'sha sohada ma'lum bilim va ko'nikmalarga ega ekanligini, buni o'zidagi aniq bilim, ko'nikma va malakalarga asoslanib tasdiqlay olishini ko'rsatadi. Bu tushuncha G'arbda inson va uning resurslariga yangicha qarash talablari asosida paydo bo'lib, ish o'rinlariga bo'lgan ehtiyoj va texnologiyalarning intensiv o'zgarishiga moslashish zaruratini keltirib chiqardi. Bunday yondashuv insonni kasbiy faoliyatga tayyorlashning xususiyatlarini, bu esa kasbiy vaziyat hamda bilim o'rtasida aloqa o'rnatishni, vujudga kelgan muammoni muvaffaqiyatli hal etishga tizimli yondashuvni ko'zda tutadi. Shu sababli bugun muayyan amaliy vaziyatlarda mutaxassisning o'z bilimini amalga ko'rsata olish muhim. Ya'ni kompetentlik birinchi, bilimlilik ikkinchi o'rinda turadi.

Bugungi kunga kelib, “kompetensiya” tushunchasi ta'lim mazmunini modernizatsiyalashning, o'zida ta'limning intellektual va malakaviy tarkiblari natijasini birlashtiruvchi markaziy tushunchaga aylandi. Ta'limda kompetentli yondashuv zarur bilim bazasi shartligini inkor qilmaydi, balki kompetensiyaning integral natijadorligini ko'zda tutadi.

Shu o'rinda O'zbekiston pedagog olimlarining kompetensiyaviy ta'lim, kompetensiya masalalariga doir ilmiy nuqtai nazarlari katta qiziqish uyg'otadi. Pedagogika fanlari doktori M.Vahobov “Bizningcha «kompetensiya» deganda, o'quvchilar tomonidan egallangan bilim va ko'nikmalarni mustaqil ravishda shaxsiy, kasbiy va ijtimoiy faoliyatlarda qo'llay olish layoqati tushuniladi [4:3]”, deb hisoblaydi.

“Kompetentlilik” va “bilimlilik” nisbati haqida so'z borganda, pedagogik kompetentlik va kreativlik asoslarini tadqiq qilgan olimlar N.A.Muslimov, M.H.Usmonboyeva, D.M.Sayfurov va A.B.To'rayevlar kompetensiyaning o'rganish (mashq qilish) natijasida vujudga kelishini, kompetentlilik esa faoliyatda nazariy bilimlardan foydalanishda, yuqori darajadagi kasbiy malaka, mahorat va iqtidorni namoyon etishda namoyon bo'ladi, degan uyg'un qarashni olg'a surganlar [5:94].

Mamlakatimizda o'qituvchilarning kasbiy faoliyati, kompetensiyalarini takomillashtirishga qaratilgan ilmiy-metodik izlanishlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, tadqiqotchi M.Abdullayevaning turli harakatli, didaktik hamda o'zbek xalq o'yinlari orqali bolalarni aqliy hamda jismoniy rivojlantirish, shuningdek, ularning faolligini oshirish masalalari yoritilgan uslubiy qo'llanmasi nashr etirildi [6:42]. Unda “Tarbiya” fani o'qituvchilari kompetensiyalariga bo'lgan talablarni yangilashga bo'lgan zarurat ifodalandi, deyish mumkin. Qo'llanmada o'qituvchilarni istiqbolda kutayotgan kasbiy faoliyati mazmuni – “turli harakatli, didaktik hamda o'zbek xalq o'yinlari orqali bolalarni aqliy hamda jismoniy rivojlantirish, shuningdek, ularning faolligini oshirish” uchun zarur kompetensiyalar kun tartibiga qo'yildi.

Shaxs xarakter xususiyati bilan bog'liq ko'nikmalarga quyidagi ijtimoiy, intellektual va irodaviy vakolatlarini misol qilib keltirish mumkin:

- muloqot qila olish qobiliyatlari;
- jamoada samarali ishlash;
- ishni o'z vaqtida bajarish;
- mehribonlik;
- ijodkorlik;
- ishga mehrlil yondashish;
- yonidagi odamlarni o'ziga jipslashtirish;
- vazminlik;
- mulohazakorlik;
- ijrochilik;
- natijaga yo'nalganlik;
- qaytma aloqa qila olish;
- stressga barqarorlik;
- nostandart vaziyatlarda o'zini yo'qotmaslik va to'g'ri takliflar yarata olish;
- axborotlarni tahlil qila olish;
- o'z fikrini tinglovchiga to'liq va aniq yetkaza olish kabilar.

Umuman, ta'limda tayanch kompetensiyalar – kommunikativ, ijtimoiy-informasion, kognitiv, maxsus kompetensiyalar qatorida quyidagi ijtimoiy kompetensiyalar muhim ahamiyat kasb etadi:

- mas'uliyatni o'z zimmasiga olish;
- yechimni birgalikda ishlab chiqish va amalga oshirishda qatnashish;
- turli madaniyatlar va dinlarga nisbatan bag'rikenglik;
- shaxsiy manfaatlarning korxon va jamiyat manfaatlari bilan uyg'unligini namoyon etish.

Demak, “Tarbiya” fani o'qituvchisining muhim kompetensiyalari deganda tarbiya jarayonini yuqori sifatli pedagogik ta'minlash uchun oldindan belgilangan o'zaro bog'liq kasbiy va shaxsiy qobiliyatlarning (bilim, ko'nikma, malaka usullari) pedagogik kombinatsiyasini tushunamiz.

Xalqaro tajribalarni o'rganish maqsadida jahonda turli davlatlar pedagoglarining ijtimoiy kompetensiyalarini qiyosiy tahlil asosida ko'rib chiqamiz. Tahlillar shuni ko'rsatayotgiki, bular turlicha hamda umumiylik va xususiylik bilan ajralib turadi. Aytaylik, Turkiyada o'qituvchilarning ijtimoiy kompetensiyasiga taalluqli quyidagi tamoyillarni ko'rish mumkin:

- davlat tili - turk tilida erkin va aniq gapirishi;
- axborot almashish uchun informasion-kommunikasion texnologiyalardan foydalana olishi;
- ixtisoslashtirilgan nashrlarni kuzatib borish;

- davlat xizmatchilari, jamoat liderlari va pedagoglar bilan yaqin aloqa;
- madaniy va sport tashkilotlarida muhim o‘rin tutishi;
- o‘quv tashkilotlari bilan hamkorlik qilishi;
- oila va jamiyatning ijtimoiy va madaniy qadriyatlarini hisobga olishi;
- talabalarning madaniy qadriyatlarini hurmat qilishi;
- oilalarning qadriyatlarini va e‘tiqodlarini hurmat qilishi;
- oilalarning ijtimoiy va madaniy xususiyatlari bilan tanishib borishi;

- oilalarning ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy kelib chiqishidan qat’iy nazar ularga bir xil munosabatda bo‘lishi;
- xulq-atvori inson huquqlari asosida belgilanishi;
- boshqa odamlarga nisbatan irqiy kamsitish va kamsitilishni namoyon qilmasligi;
- sinfda demokratik munosabatlarni shakllantirishi;
- umuminsoniy va milliy qadriyatlarni hurmat qilishi;
- bolalar huquqlarini himoya qilishda faol ishtirok etishi;
- yangi g‘oya va o‘zgarishlarga tayyor turishi [7].

Pedagogning ijtimoiy kompetensiyalari tavsifiga berilgan ilmiy xulosalarning qisqacha tahlili [8:7]

T/r	Tadqiqotchi olimlar	Ta’rif mazmuni
1.	I.K.Makarova	Ijtimoiy kompetensiyalar mazmuni quvidagi tarkibiy qismlarni o‘zida mujassam qiladi: inontrish va ishontirish qobiliyati; jamoada ishlash qobiliyati; o‘rganish va yangilik qilish qobiliyati; nizolarni hal qilish qobiliyati; tashkilotchilik mahorati [9:8]’.
2.	R. Xinch. S. Vittmann	Ijtimoiy kompetensiya - ma’lum vaziyatlarda ijobiy va salbiy oqibatlarining uzoq muddatli ijobiy o‘zaro bog‘liqligiga olib keladigan kognitiv, hissiy va motorik hatti – harakatlardir.
3.	M. Vahobov	Kompetensiya mohiyatan uch komponentdan iborat. Bular: kognitiv (bilimga egalik); operasion (faoliyat ko‘nikmalarining shakllanganligi, texnologik savodxonlik); ma’naviy-axloqiy (shaxsiy rivojlanish va kasbiy mehnat natijalarini qadriyatli baholash, qadriyatlarni o‘zlashtirish). Shu nuqtai nazardan kompetensiyaning ta’lim tarbiya natijasi sifatidagi ustuvorligi e’tirof etiladi.
4.	I.A.Zimnyaya, N.Xomskiy	Kompetensiya – bu ma’lum fan haqidagi prosedurali va qiymatli mazmunli bilimlar majmui bo‘lsa, kompetentlik esa – bu “bilimlarni qo‘llash – kompetensiyaning harakatga kelishi”, ya’ni individning muayyan kasbiy vaziyatda faoliyat yurita olishini xarakterlovchi keys kategoriyadir.
5.	V.D.Simonenko	Tayanch kompetensiyalar mutaxassislarining universalligi, ijtimoiy va kasbiy harakatchanligini ta’minlaydi va ularga turli xil ijtimoiy va kasbiy jamoalarga muvaffaqiyatli moslashishga imkon beradi.
6.	YEKning tavanah kompetensiyalari:	Ijtimoiy kompetensiya – mas’uliyatni o‘z zimmasiga olish. vechimni birgalikda ishlab chiqish va amalga oshirishda qatnashish. turli etnik madaniyat va dinlarga nisbatan bag‘rikenglik, shaxsiy manfaatlar korxonasi va jamiyat ehtiyojlariga mos kelishini namoyon etishdir.
7.	V.N. Kunisina	Ijtimoiy kompetensiyalarning asosiy funksiyalari – bu ijtimoiy vo‘naltirish. moslashish. ijtimoiy va shaxsiy tairibani birlashtirishdan iborat. Ijtimoiy kompetensiya tarkibiga kommunikativ va og‘zaki kompetensiya, ijtimoiy–psixologik kompetensiya va shaxslararo yo‘nalish, ego kompetensiya va ijtimoiy kompetensiyalar kiradi.
8.	S.N. Krasnokutskaya	Ijtimoiy kompetensiya – shaxs ijtimoiylashuvining ajralmas qismi, hamkorlik qilish, aloqalar o‘rnatish, o‘z harakatlarining oqibatlari uchun ijtimoiy javobgarlikni o‘z ichiga oladi.
9.	N.S.Malyutkin	Ijtimoiy kompetensiya shaxs motivlari va qadriyatlari, shaxsning o‘zini–o‘zi ro‘yobga chiqarishini ta’minlaydigan shaxsiy fazilatlar bilan ifodalanadi.
10.	V.S.Lednev, N.D.Nikandrov, M.V.Rijakov	Ijtimoiy kompetensiya shaxsning jamiyatdagi hayot normalari va qoidalarini munosib ravishda bajarishga imkon beradigan ijtimoiy ko‘nikmalar orqali ham belgilanadi [10:74-b].
11.	N.Yu.Rajinov	Ijtimoiy kompetensiyaning asosiy ko‘rsatgichi, assertivlik, ya’ni shaxsning o‘ziga ishonchi (ishonchsizligi).

“Tarbiya” fani o‘qituvchisi ijtimoiy kompetensiyalarida ma’naviy-axloqiy fazilatlar allohida ahamiyat kasb etadi. Tadqiqotchilar X.Shreder hamda M.Forverglarning ta’kidlashicha ijtimoiy kompetensiya-larning tarkibi to‘rt fazilatni o‘z ichiga oladi:

- xushmuomalalik, bu shaxsning kommunikativlik potentsiali;
- munosabatlarni yaratishga bo‘lgan qat’iyatlik, bu muloqatga tayyorlik;
- ta’sir, bu taklif qilish qobiliyati (ta’sir kuchi);
- “Men - konsepsiya”, bu o‘z-o‘zini anglashning mohiyati bo‘lgan kognitiv-hissiy tasvir.

Ta’limdagi kompetensiyaga asoslangan yondashuvning konseptual qarashlari tahlili shuni ko‘rsatadiki, ijtimoiy

pedagogikada [11:49] “boshqa odamlar bilan o‘zaro munosabatda, oilani, oilaviy munosabatlarni mustahkamlash va farzandlarni tarbiyalashda “ongli” va o‘zlarining ijtimoiy–pedagogik imkoniyatlarini amalga oshirish qobiliyati” deb hisoblaydi” [12:155].

Bu borada N.Yu.Rajinovning assertivlik, ya’ni shaxsning o‘ziga ishonchi (ishonchsizligi)ni ijtimoiy kompetensiyaning asosiy ko‘rsatgichi ekanligi to‘g‘risidagi fikri ahamiyatli hisoblanadi.

Xulosa o‘rnida autganda, kompetentlik tushunchasi psixologiyada hatti–harakatlarning xususiyatlari, shaxs faoliyatining dominant shakli, xayot faoliyati to‘g‘risidagi hozirgi bilim darajasi bilan bog‘lab talqin qilinadi.

Adabiyotlar

1. Словарь иностранных слов, 1988. Словарь иностранных слов в русском языке. 1995.
2. Педагогический словарь-справочник/ Авт.-сост.: Э.А.Сейтхалилов, Б.Х. Рахимов, И.У. Маджидов; под общ. ред. Б.Ю. Ходиева; М-во высш. и ср. спец. образования РУз.- Т.: “OPTIMAL LIGHTS”, 2011. -701с. – С. 315.
3. Вахобов М.М. Компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартларини жорий этиш – замонавий таълим парадигмаси сифатида. /Замонавий таълим/ Современное образование. 2016 йил 10-сон, 3-б.
4. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуоров Д.М., Тўраев А.Б. — Тошкент: 2015. 94-б.

5. Абдуллаева М.А. Ўйин машғулотларини бошқариш орқали мактабгача ва бошланғич таълим ёшидаги болалар фаоллигини ошириш. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 2016. 42-б.
6. <https://cyberleninka.ru/article/n/issledovanie-kompetentsiy-prepodavatelya-v-turtsii-s-tochki-zreniya-kompetentsiy-nepreravnogo-obrazovaniya-evropeyskoy-komissii/viewer>
7. Куранова М. “Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида ижтимоий компетенцияларни ривожлантириш методикаси” мавзусидаги (PhD) диссертация. –Тошкент: 2020.
8. Маркова А.К. Психологический анализ профессиональной компетентности учителя. // Советская педагогика. 1990. № 8.
9. Леднев В.С., Никандров Н.Д., Рыжаков М.В. Государственные образовательные стандарты в системе общего образования: теория и практика. - М.: 2002.
10. Головатный Н.Ф. Студент: путь к личности. - М.: 1982. –С. 49.
11. Матвеев Ю.И. Социальная ориентация личности / Отв. ред. В.А. Кан-Калик; Северо-Кавказский научный центр высшей школы. - Ростов н/Д: Изд-во Ростовского университета. 1990. –С. 155.
12. Mirziyoyev Sh.M. Milliy taraqqiyotyo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. -T.: «O'zbekiston». 2017. 29-b.
13. O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni. O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017yil, 6-son, 70-modda.
14. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 8-oktabr “O'zbekiston Respublikasi Oliy Ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida”gi PF-5847-son Farmoni.
15. Kukushin V.S. Teoriya i metodika vospitaniya. – Rostov-na-Donu: «Feniks», 2006.
16. Щедровицкий Г.П. Пространство свободы. // Народное образование. №1. 1997. - С. 7.

REZYUME

Maqolada “Tarbiya” fani o'qituvchilarining pedagogik faoliyatini takomillashuvida xususiy va tayanch kompetensiyalarni rivojlantirish muammosining ayrim masalalari haqida ma'lumotlar berilgan

РЕЗЮМЕ

В статье представлена информация по некоторым вопросам развития специальных и базовых компетенций в совершенствовании педагогической деятельности преподавателей школьного предмета «Тарбия» («Воспитание»).

SUMMARY

The article provides information on some issues of the development of special and basic competencies in improving the pedagogical activity of teachers of the subject “Upbringing”.

TALABALARNING UMUMKASBIY FANLAR INTEGRATSIYASIDA KASBIY KOMPETENTLIGINI TAKOMILLASHTIRISH

N.Orinbetov – *pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori*

M.Amanbaev – *katta o'aituvchi*

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti

D.Turdimuratov – *talaba*

Toshkent shahri Turin politexnika universiteti

Tayanch so'zlar: robototexnika, mexatronika, mexanika, elektromexanika, elektrotexnika, mikroelektronika, mikroprotsessor texnologiyalari, mashinalar va agregatlar, elektr o'lchash mashinalari, robotlar, biotexnologiya, telekommunikatsiya, aviatsiya, kosmik va harbiy texnika.

Ключевые слова: робототехника, мехатроника, механика, электромеханика, электротехника, микроэлектроника, микропроцессорные технологии, машины и агрегаты, электроизмерительные машины, роботы, биотехнология, телекоммуникации, авиация, космическая и военная техника.

Key words: Robotics, mechatronics, mechanics, electromechanics, electrical engineering, microelectronics, microprocessor technologies, machines and aggregates, electrical measuring machines, robots, biotechnology, telecommunications, aviation, space and military equipment.


Zamonaviy texnologiyalarning rivojlanishi tufayli biz har kuni turli xil atamalar, tushunchalar, fanning texnika bilan bog'liq sohalari bilan uchrashamiz. Buni har kuni eshitganimizdek, ushbu tushunchalar qaysi sohada yoki qaysi jarayonlarda qo'llanilishini bilmaymiz. Masalan, robototexnika sohasida qo'llaniladigan tushunchalarni, masalan manipulyatorlar, bo'g'inlar va boshqalarni bilmaymiz. Shuning uchun, agar biz yuqoridagi masalalar haqida bilmog'chi bo'lsak, ushbu atamalar yoki jarayonlarning kelib chiqishi, tamoyillari va tuzilishi bilan tanishish kerak.

Shu munosabat bilan ushbu mustaqil ishda ko'rib chiqilgan "mexatronika" tushunchasi bilan tanishib chiqamiz. Biz umuman mexatronika haqida ko'p eshitganmiz, ammo keling, u qanday muammolarni o'z ichiga oladi, qanday muammolarni yechadi va nima uchun bu mustaqil ishda foydalaniladi degan savolga javob izlaylik.

Zamonaviy "Mexatronika" atamasi, yapon manbalariga ko'ra, 1969 yilda Yaskawa Electric tomonidan kiritilgan va 1972 yilda savdo belgisi sifatida tashkil etilgan. Bu so'z "mexanika" va "elektronika" so'zlarining birikmasidan iborat. Ushbu ikkita tushunchaning bir so'z bilan birikishi fan va texnika bilan integratsiyani anglatadi, bu zamonaviy texnologiyalarni rivojlantirish va yangi turdagi tizim va uskunalarni ishlab chiqarishda sifatli qadam tashlashga imkon beradi.

Xuddi shunday, elektromexanika keng qo'llaniladigan qo'zg'alish tizimlarini ishlab chiqishda elektrotexnika va mexanika yutuqlaridan foydalanadigan fan sifatida

rivojlandi. Elektromexanika va mikroelektronikaning birlashishi birlashgan ishchi a'zolar va unga asoslangan qurilmalarning mexanik harakat moduli paydo bo'lishiga olib keldi. Biroq, 1980 yillarning boshlarida "mexatronika" atamasi jahon texnik adabiyotida an'anaviy harakat bilan boshqariladigan kompyuter nomi sifatida paydo bo'ldi [1].



Mexatronika paydo bo'lmoqda va shu munosabat bilan uning ta'rifi va asosiy terminologiyasi hali to'liq shakllanmagan, shuning uchun uning ta'rifini keng va tor (maxsus) hajmda ko'rib chiqish yaxshiroqdir.

Mexatronikaning eng keng ta'rifi: Mexatronika - bu mashinalar va kompyuter tomonidan boshqariladigan tizim-

larni yaratish va qo'llash uchun fan va texnikaning yangi sohasi. Bu mexanika, elektronika, informatika, mikroprotsessor texnologiyalari va mashinalar va agregatlar harakatini kompyuter boshqaruvi sohaslarida to'plangan bilimlarga asoslanadi.

O'quv muhitidagi mexatronik tizimlar: o'quv robot SCORBOTER CNC bilan ishlaydigan stol mashinalariga xizmat qiladi.

Mexatronik tizimlarning modellarini uzoqqa cho'zmasdan joylashtirish mumkin. Bularga biz har kuni foydalanadigan avtomatik kir yuvish mashinalari, changyutgichlar, mashinalar va boshqalar kiradi. Mexatronik tizimlar uchun biz tormoz tizimidagi ABS (tormozga qarshi tizim) tizimini ham ko'rib chiqishimiz mumkin. Hozir biz mexatronik tizimdan foydalanmoqdamiz, chunki elektr o'lchash mashinalarida (EMM) juda ko'p mexatronik komponentlar mavjud: qattiq disk, CD-disk, zamonaviy magnit lentali disklar. Ishlab chiqarishda, yuqorida aytib o'tilgan elektromexanik qurilmalardan tashqari, mexatronik tizim - bu yangi paydo bo'layotgan barcha robotlar, mashinalar, robotlashtirilgan mashinalar, o'lchash tizimlari (shu jumladan olti burchakli). Bunday tizimlar bir nechta disklardan iborat. Ushbu drayvlar mustaqil mexanik tizim bo'ladi. Xususan, "motor-shpindel" tipidagi mexatronik tizim, shubhasiz, mexatronik mashinaning tarkibiy qismi bo'ladi. Ushbu tizim tizimning og'irligini va o'lchamlarini kamaytirishga yordam beradi, shu bilan birga tizimning ishonchligini oshiradi. Buning sababi shundaki, u dizayndagi reduktor tishli va muftalarni yo'q qiladi (dvigatelning kerakli momenti ortishi tufayli uning massasi va o'lchamlari oshishi mumkin, ammo ushbu tizimlarning yutuqlari uning kamchiliklarini deyarli to'liq qoplaydi).

Mexatronika sohasi robototexnika sohasi bilan chambarchas bog'liq bo'lganligi sababli, sobiq Sovet Ittifoqi davrida mexatronika imkoniyatlaridan foydalangan holda juda ko'p turli xil robotlar ishlab chiqarilgan. Ushbu robotlar turli xil favqulodda vaziyatlarda ishlatilgan. Masalan, Chernobil AESidagi avariya uchun mo'ljallangan robotlar mavjud edi. Robotlar hududni o'rganishdi, barcha mumkin bo'lgan ma'lumotlarni to'plashdi va zarar darajasi va hech kim o'rnidan turolmaganligini aniqladilar. Agar avvalgi robotlar tuzilishida sodda bo'lsa, ko'rib chiqilayotgan keyingi robot biroz murakkabroq. Ushbu robot asosan kosmosda ishlagani uchun uning tarkibiy qismlari yuqori sifatli materiallardan tayyorlangan.

Mexatronikaning zamonaviy tendentsiyalari. Dunyoda mexatronik qurilmalar ishlab chiqarish yil sayin o'sib bormoqda. Yangi mexatronik modullar va tizimlar quyidagi yo'nalishlarda keng qo'llaniladi:

- mashinasozlik va texnologik jarayonlarni avtomatlashtirish uchun moslamalar;
- robototexnika (sanoat va maxsus) aviatsiya, kosmik va harbiy texnika;
- avtoulovlarni ishlab chiqarish (masalan, qulflashga qarshi tormoz tizimlari, harakatni barqarorlashtirish tizimlari);
- noan'anaviy transport vositalari (elektr velosipedlar, nogironlar aravachalari, elektr skuterlar, nogironlar aravachalari);
- ofis uskunalar (masalan, fotokopi va faksimile apparatlari);
- kompyuter texnikasi (masalan, printerlar, plotterlar, disklar);
- tibbiy jihozlar (reabilitatsiya, klinik, xizmat ko'rsatish);
- maishiy texnika (kir yuvish mashinalari, tikuv mashinalari, idishlarni yuvish mashinalari va boshqalar);
- mikromashinalar (tibbiyot, biotexnologiya, telekommunikatsiya uchun);
- o'lchov asboblari va mashinalari;
- foto va video uskunalar operatorlar va uchuvchilarni tayyorlash uchun maxsus simulyatorlar;

- shou-sanoat (yoritish va ovoz bilan bezatish tizimlari) [2];

1990 yillarda yangi ilmiy va texnologik yo'nalish sifatida mexatronikaning jadal rivojlanishi bir qator omillarga bog'liq. Ulardan eng muhimi: jahon sanoat rivojlanishining yangi tendentsiyalari; mexatronikaning asosiy printsiplari va metodologiyasini ishlab chiqish (asl ilmiy g'oyalar, yangi texnik va texnologik echimlar); Tadqiqot va ta'lim sohasidagi mutaxassislarning intensiv ishi. Mintaqada ko'rib chiqilayotgan quyidagi tendentsiyalar va jahon bozorining asosiy talablari mavjud:

- xalqaro sifat standartlari tizimiga (ISO 9000) muvofiq uskunalarini ishlab chiqarish va texnik xizmat ko'rsatish;

- ilmiy-texnik mahsulotlar bozorini xalqarolashtirish. Shu munosabat bilan xalqaro transfer va muhandislik texnologiyalarini jadal joriy etish zarurati;

- kichik va o'rta korxonalarining iqtisodiyotdagi ahamiyatini oshirish, chunki ular o'zgaruvchan bozor talablariga tezda moslashadi.

Sun'iy intellekt (SI) qo'llash sohalari. Sanoatni mexanizatsiyalashtirish, avtomatlashtirish, kibernetik hodisalar, kompyuterlar va robotlardan foydalanish mehnat tarkibidagi funktsional o'zgarishlarga olib keldi, ya'ni qo'l mehnati kamaydi, aksincha aqliy mehnatning ulushi ortdi va eng yangi texnologiyalar aqliy mehnatning ayrim qismlarini bajaradi. Biroq, bu ishlab chiqarishda inson mehnati butunlay yo'q qilinadi degan fikrga olib kelmasligi kerak, ammo ilmiy va texnologik taraqqiyot jarayonida mehnatning o'zi funktsiyasi o'zgarib, ba'zi bir mehnat turlari yo'q qilinishi bilan boshqa turlari paydo bo'ldi. Ya'ni, inson va texnika o'rtasidagi mehnat taqsimoti doimo o'zgarib turadi. Shuning uchun, agar ilmiy va texnologik rivojlanish cheksiz jarayon bo'lsa, mehnat funktsiyasining o'zgarishi ham xuddi shunday uzluksizdir. SI tizimlarida SI muammolarini keyinchalik kompyuterda qayta ishlanadigan tarzda hal qilish uchun inson bilimlari zarur. Bilimning aspektlari SI tizimlarida umumlashtirilishi va ma'lumotlarni saqlash uchun katta xotiraga ega bo'lishi kerak. Hozirgi kunda SI ning ko'plab jihatlari rivojlanayotgan robototexnika bilan bog'liq. "Aqlli robot" yaratish g'oyasi IENing markaziy masalalaridan biridir. Bunday robot ma'lum darajada talablarga javob beradigan tabiiy tilda muloqot qila oladi [3].

Soha mutaxassislari uchun asosiy maqsad umumiy axborot tizimlarida SI muammolari va qo'llanilishi, qayta ishlash tizimlari va SI tizimlarini yaratish usullari, ularning guruhlarini bilan tanishishdir.

SI da tayyorlangan mutaxassislar quyidagilarni yaxshi bilishadi:

- SI mintaqasining tarixi va rivojlanishining turli yo'nalishlari; intellektual muammolarni hal qilishning zamonaviy usullari; aqlli tizimlarning tuzilishi, harakat mexanizmlari; ekspert tizimlari;

- ekspert tizimlarining tuzilishi va loyihalash usullari; bilimlarni uzatish modellari; insonning intellektual salohiyatining rivojlanishi va paydo bo'lishi nazariyasining asosiy tushunchalari; genetik algoritmlar nazariyasini tushuntirishlari; insonni idrok etish mexanizmi va tuzilishi;

- inson va kompyuter o'rtasida dialoglarni yaratish va dasturlash, ekspert tizimlari va SI tizimlarini loyihalashtirish va rivojlantirish;

- Turbo Prolog muhitida ishlash.

Mutaxassis tizimlari bilan bir qatorda robototexnika ishlatiladigan SI tizimlarining eng katta yo'nalishlaridan biridir. Aqlli robot va universal kompyuterning asosiy farqi nimada? Bunga javoban biz taniqli rus fiziologi I.M.Semenovning so'zlarini keltira olamiz: «... miyaning barcha cheksiz turli xil ichki faoliyatining paydo bo'lishi yagona hodisaga, fikr harakatiga olib keladi. Boshqacha qilib aytganda, insonning mulohazasi ichki dunyo harakati bilan faol bog'liq bo'lgan yakuniy hisob-kitobga qaratilgan.

Birinchi robotlar aqlli edi, deyish qiyin. Faqat XX asrning 60-yillarida kompyuter tomonidan boshqariladigan uni-

versal robotlar paydo bo'ldi. Masalan, 1969 yilda elektrotexnika laboratoriyasida (Yaponiya) "Industrial Intelligent Robot" loyihasi ishlab chiqilgan.

Ushbu rivojlanishning maqsadi - vizual ravishda boshqariladigan montaj ishlari uchun sun'iy intellekt elementlari bilan sezgir manevr robotini yaratish. Robotning manipulyatori 6 daraja erkinlik va NEAC-3100 mini-kompyuter (32000 so'z RAM, magnit diskda 273000 so'z ichki xotira) tomonidan boshqariladi. Keyingi turdagi robotlar asta-sekin takomillashdi. Bunga Kiyev Kibernetika institutining intellektual robot elementlarini yaratish bo'yicha izlanishlar olib borayotgan ishi misol bo'la oladi [4].

Ushbu tadqiqotlarda asosiy e'tibor mantiqiy xulosa toremasining avtomatlashtirilgan isbotiga va so'zni neyron tarmoqlar yordamida tushinishga qaratilgan. Quyida bir nechta misollar keltirilgan:

XX asrning 70-yillarida transport vositasida avtonom kombinatsiyalangan robot modeli mavjud bo'lib, u datchiklar tizimiga va jihozni boshqaradigan uch g'ildirakli qatorga ega. Sensor tizimiga quyidagi sezgir qurilmalar kiradi: optik delfometr, navigatsiya tizimi, televizor bur-

chagi qurilmasi, taymer va hk.;

Biz mexatronika tushunchasi ikki tushunchaning yoki ikkita fanning birlashuvidan kelib chiqqan va texnika tarixida nufuzli o'rinni egallagan fan ekanligiga aminmiz. Ushbu maqolada aytib o'tilganidek, mexatronika sohasi umumiy avtomatizatsiya tizimlarining asosiy tarkibiy qismidir, shuning uchun biz mexatronikasiz yashay olmaymiz deb o'ylaymiz. Darhaqiqat, agar zamonaviy inson avtomatlashtirilgan tizimlardan foydalana olmasa, biz hammamiz qiyin ahvolda qolardik. Masalan, agar biz changyutgich, kir yuvish mashinasi va boshqa muhim narsalarni ixtiro qilmagan bo'lsak, hozirda ushbu avtomatik qurilmalar bajaradigan barcha ishlarni bajarishimiz kerak edi. Insoniyat qancha vaqtni isrof qiladi?

Xulosa qilib aytganda, pedagogik OTM texnologik talim yo'nalishlarida mexatronika va robototexnika fanlariga katta e'tiborni qaratish kerak, chunki XXI asr texnologik taraqqiyot asri ekan, mexatronika umuman inson hayotida juda muhim o'rin tutadi.

Adabiyotlar

1. Подураев Ю.В. Основы мехатроники. -М.: МГТУ «Станкин», 2000. –С.80.
2. Сироткин О.С., Подураев Ю.В., Богачев Ю.П. Мехатронные технологические машины в машиностроении. Мехатроника. Автоматизация. Управление, 2003, № 4.
3. Алтынов Ж.И. Өнекәсіптік роботтардың механикасы: Оқу құралы. – Алматы: ҚазҰТУ, 2002.
4. www.robotics.com

REZYUME

Mexatronika tushunchasi ikki tushunchaning yoki ikkita fanning birlashuvidan kelib chiqqan va texnika tarixida nufuzli o'rinni egallagan fan ekanligiga aminmiz. Ushbu maqolada aytib o'tilganidek, mexatronika sohasi umumiy avtomatizatsiya tizimlarining asosiy tarkibiy qismidir, shuning uchun biz mexatronikasiz yashay olmaymiz deb o'ylaymiz. Pedagogik OTM texnologik ta'lim yo'nalishlarida mexatronika va robototexnika fanlariga katta e'tiborni qaratish kerak, chunki XXI asr texnologik taraqqiyot asri ekan, mexatronika umuman inson hayotida juda muhim o'rin tutadi.

РЕЗИМЕ

Мы убеждены, что концепция мехатроники - это наука, которая возникла из комбинации двух концепций или двух наук и заняла влиятельное место в истории технологий. Как упоминалось в этой статье, область мехатроники является ключевым компонентом общих систем автоматизации, поэтому мы думаем, что не можем жить без мехатроники. В области технологического обучения в педагогических вузах большое внимание следует уделять наукам мехатроники и робототехники и, ведь XXI век - век технологического развития, мехатроника играет очень важную роль в жизни человека в целом.

SUMMARY

We are convinced that the concept of mechatronics is a science that originated from the combination of two concepts or two sciences and has occupied an influential place in the history of technology. As mentioned in this article, the field of mechatronics is a key component of general automation systems, so we think we can't live without mechatronics. In the field of technological education in pedagogical universities, great attention should be paid to the sciences of mechatronics and robotics, because the XXI century is a century of technological development, mechatronics plays a very important role in human life in general.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ИДЕАЛ МЕНЕЖЕРИ ИННОВАЦИОН – ТАДБИРКОРЛИК ХИСЛАТЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА БАҲОЛАШ

Ш.А.Раҳматов – таянч докторант

Бухоро муҳандислик - технология институти

Таянч сўзлар: идеал менежер, касбий компетентлик, ижодкорлик, бошқариш илми, умумий эрудиция, ривожланган интеллект.

Ключевые слова: идеальный менеджер, профессиональная компетентность, креативность, управленческая наука, общая эрудиция, развитый интеллект.

Key words: ideal manager, professional competence, creativity, management science, general erudition, advanced intellect.

Таълим тизимини ривожлантиришда замонавий ОТМни “Университет-3.0” тизимига трансформациялаш [1,2] ОТМда фаолият олиб бораётган менежерларнинг инновацион - тадбиркорлик хислатларини ўрганишни тақозо этади. Таҳлиллар асосида аниқланган муаммоларни бартараф этиш ва белгиланган вазифалар ечимини топиш мақсадида олий таълим муассасаси менежери инновацион - тадбиркорлик хислатларини баҳолаш методи ишлаб чиқишга мувоффақ бўлди. Ушбу метод олий таълим муассасаларини “Университет-3.0” тизимига трансформациялаш моделининг биз томонимиздан илгари суриляётган учинчи компоненти ҳисобланади.

Олий таълим муассасасида эксперт раҳбар ва мутахассисларга олий таълим муассасасини “Университет-3.0” тизимига самарали трансформациялаш жараёнида таълим менежерлари учун зарур бўлган инновацион ва тадбиркорлик хислатларни баҳолашни кўзда тутадиган анкета сўровлари таклиф этилди.

Анкета саволлари биз томондан Ф.Тейлор, А.Файоль, Э.Гизелли илмий ишларидан бошлаб, бугунги кундаги ҳар бир миллий ҳамжамиятлар ўзи учун ишлаб чиққан махсус сифат тизимларидан, жумладан, Англия, АҚШ, Франция, Россия тизимларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилди [3,4,5].

Ушбу сўров жараёнида олий таълим муассасасида инновацион-тадбиркорлик фаолиятини самарали ташкил этишда менежер учун зарур бўлган хислатлар белгиланди ва уларнинг вазни баҳоланди ҳамда ушбу хислатларни идеал раҳбар учун тавсифловчи аниқ индикаторлар, параметрлар қийматлари аниқланди. Кўрсатилган параметрлар ва уларнинг вазн қийматлари бизга жорий (баҳоланаётган) менежер хислатларининг идеал раҳбарнинг мувофиқ параметрларига нисбатан оғиш даражасини аниқловчи интеграл қийматни ишлаб чиқиш имкониятини беради. Бунда ушбу оғиш даражаси (идеалдан фарқи) бизга икки муҳим бир-бирига боғлиқ вазифанинг ечимини топишга кўмаклашади:

1) жорий раҳбарларнинг идеал менежернинг мувофиқ тавсифларидан фарқи (нумувофиқлиги) масштабларини аниқлаш;

2) олий таълим муассасасида трансформация жараёнларини ташкил этиш учун идеал менежер эга бўлиши керак бўлган мезонлар ва уларнинг аҳамиятлилик даражаси (вазн коэффициентлари) мажмуасини аниқлаш.

Анкетанинг умумлаштирилган маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, экспертлар фикрича идеал менежернинг энг муҳим хислати касбий компетентлик ҳисобланади ва 35 та таклиф этилган хислатлардан у биринчи ўринни эгаллаган. Шу билан бирга менежер фикрлашининг кенглиги ва етуқлиги, ижодкорлик қобилияти ва салоҳияти, бошқариш илмини билиши, янгиликка интилиши, трансформациялашга ижобий намуна бўлиши олий таълим муассасасида инновацион-тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга сезиларли таъсир этувчи омиллар сифатида эътироф этилган.

Менежерлар учун муҳим хислатлар ҳисобланган масъулиятлилик, эшита билиш қобилияти, низоларни бартараф этиш қобилияти, тартиблилиги, юқори маданиятлилик, коммуникабеллик, адолатлилик ва объективлик, талабчанлик ва қатъийлик, танқидни конструктив қабул қилиш, олдиндан кўра билиш қобилияти респондентлар томонидан инновацион-тадбиркорлик нуқтаи назаридан кам аҳамиятли деб ҳисобланмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, экспертлар охириги ўринларга (33-35) чет тилларни билиш, авторитет ва харизманинг мавжудлиги, тижорий сирни сақлаш қобилияти хислатларни белгилашган.

Оқибатда, таъкидлаш мумкинки, олий таълим муассасаси ходимлари ҳис-туйғусиз таъсир кўрсатишга асосланган оқилона бошқариш стилини афзал кўришади. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўтказилган таҳлил натижалари, олий таълим муассасаси трансформациясини ташкил этишда раҳбарлар жамоадаги ўз ўрнини ҳаққоний баҳолаши ва гуруҳда етакчилик позициясини эгаллаш мақсадида ўз шахсий салоҳиятларидан самарали фойдаланишлари зарурлигидан далолат беради [6]. Умуман, 1-жадвал кўрсаткичлари инновацион-тадбиркорликни ривожлантириш омилларига асосий урғу берадиган ва “Университет-3.0” тизимига трансформациялаш фаолиятини самарали бошқариш мақсадини белгилаган олий таълим муассасаси менежерлари қандай идеал хислатларга эга бўлиши зарурлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Шундай қилиб, идеал ва реал менежер моделлари (хислатлар профили)ни қиёслаш асосида таъкидлаш мумкинки, бугунги ОТМлар раҳбарлари хислатлари идеал раҳбарларга қўйиладиган талабларга мувофиқлиги кам. Юқорида айтилганлардан хулоса қилиш мумкинки, мамлакат ОТМлари бошқарувчилари “Университет-3.0” тизимига трансформациялашда инновацион-тадбиркорлик фаолияти бошқариш тизими кўядиган талабларга тўлиқ мувофиқ эмас.

Шу муносабат билан олий таълим тизимида бошқаришнинг инновацион стилини шакллантириш ҳамда идеал менежерга қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича жиддий чораларни кўришни талаб этади. Равшанки, қайд этилган ўзгаришларни трансформация жараёнларини бошқаришнинг мувофиқ механизмини ишлаб чиқмасдан амалга ошириб бўлмайди.

Бундай механизмни амалда жорий этиш ОТМда трансформация жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган менежер хислатларини барча поғонадаги раҳбариятда шакллантирмасдан мумкин эмас. Бунинг учун эса, таълим менежерлари хислатларини баҳолаш ишчи методини ишлаб чиқиш зарур.

Биз томондан ишлаб чиқилган менежернинг ОТМда инновацион-тадбиркорлик фаолиятни амалга ошириш, трансформация жараёнларини ташкил қилиш учун зарур бўлган ҳамда ушбу тизимли ишдаги ўрнини белгилаб берадиган хислатларни баҳолаш ишчи методининг мазмун ва моҳияти ОТМларда “Университет-3.0” трансформациясини амалга оширишнинг асосий компонентлари кўрсатилган биз томонимиздан ишлаб чиқилган 5М моделида ҳам ўз аксини топган[7].

ОТМ q-чи таркибий бўлинмаси менежернинг таҳлил этилаётган сифатларини расмий баҳолаш учун, реал раҳбар хислатларининг идеал менежернинг мувофиқ параметрларидан фарқи даражасини баҳолаш имкониятини берадиган формула (1) ишлаб чиқилган ва фойдаланиш учун таклиф этилган:

$$S_q = \frac{\sum_{j=1}^n w_j^2 * (k'_j - k_j)^2}{\sum_{j=1}^n w_j^2 * k_j^2} \quad (1)$$

бунда, S_q - ОТМ q-чи таркибий бўлинмаси менежернинг идеал раҳбар учун хос бўлган мувофиқ параметрлардан фарқлар қиймати йиғиндиси, %;

q – таҳлил қилинаётган ОТМ таркибий бўлинмаси тартиб рақами;

n – менежернинг таҳлил қилинаётган хислатлари умумий сони (бизнинг мисолда $n=35$);

j – таҳлил этилаётган хислатнинг тартиб рақами;

W_j - j-чи хислатнинг аҳамиятлилигини тавсифловчи вазн коэффициентини;

k'_j - реал (баҳоланаётган) раҳбарда j-чи хислатнинг намоён бўлиш даражаси, балл;

k_j - идеал менежерда j-чи хислатнинг намоён бўлиш даражаси, балл.

Хуллас S_q – қийматларини ишлаб чиқилган махсус шкала ёрдамида таҳлил қилиш асосида аниқ таркибий бўлинма раҳбарининг ОТМ трансформациясини ташкил қилишдаги профессионал лаёқати аниқланади ва камчиликлари диагностикаси амалга оширилади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси —Талим тўғрисидаги қонуни. –Тошкент: 2020 йил 23 сентябр. 36-модда.
3. Ладанов И.Д. Практический менеджмент. Часть I. Менеджер и менеджмент. -М.: КПФ "Ника", 1992.
- 4.Тейлор Ф.У. Принципы научного менеджмента. -М.: «Контроллинг», 1991.
5. Файоль А. Общее и промышленное управление. -М.: 1923.
6. <https://iopscience.iop.org/article/10.1088/1742-6596/1691/1/012231/pdf>
7. Низамов А.Б., Рахматов Ш.А. Олий таълим муассасаларида инновацион тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш. Ўқув қўлланма. –Бухоро: 2020.

РЕЗЮМЕ

Олий таълим муассасаларида инновацион-тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ушбу муассаса идеал менежерининг инновацион-тадбиркорлик хислатларини баҳолаш методини ишлаб чиқишни тақозо этади. Ушбу мақолада бу баҳолаш методининг хусусиятлари ва уни ишлаб чиқиш йўллари ўз аксини топган. Бу эса олий таълим муассасаларини “Университет-3.0” тизимига трансформациялаш моделини ишлаб чиқишда асосий компонентлардан бири бўлиб хизмат қилади.

РЕЗЮМЕ

Преодоление существующих проблем в развитии инновационной и предпринимательской деятельности в высшем образовании требует разработки методики оценки инновационных и предпринимательских качеств идеального менеджера данного вуза. В этой статье описаны особенности этого метода оценки и способы его развития. Это одна из ключевых составляющих при разработке модели трансформации вуза в систему «Университет-3.0».

SUMMARY

Overcoming the existing problems in the development of innovative and entrepreneurial activities in higher education requires the development of a method for assessing the innovative and entrepreneurial qualities of the ideal manager of this institution. This article describes the features of this evaluation method and ways to develop it. This is one of the key components in the development of a model for the transformation of higher education institutions into the system "University-3.0".

ШАХСНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИНИНГ ВИЗУАЛ ДИАГНОСТИКАСИ НАТИЖАЛАРИНИ ММРҲ МЕТОДИ БИЛАН ҚИЁСИЙ СОЛИШТИРМА ТАҲЛИЛИ

Ф.С.Солиев – *катта ўқитувчи*

Фарғона давлат университети

Таянч сўзлар: визуал психодиагностика, MINI-MULT, шахс доминантаси, асосий клиник шкала, ёлғон шкаласи, ишончлиликлари шкаласи, коррекция шкаласи.

Ключевые слова: визуальная психодиагностика, MINI-MULT, доминанта личности, основная клиническая шкала, шкала лжи, шкала достоверности, шкала коррекции.

Key words: visual psychodiagnostics, MINI-MULT, personality dominance, basic clinical scale, falsehood scale, reliability scale, correction scale.

Профайлинг методининг методологик асоси бўлиб айнан инсонларнинг ноодатий ҳаракатлари, ташқи кўринишидаги баъзи белгилари, ўзларини тутишлари, гапириш оҳанги, темпи ва бошқа хабар берувчи аъзоларнинг ўзига хос хислатлари ҳисобланади. Профайлларнинг ўрганиш объекти сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин: мимика, ишоралар, хатти-ҳаракатларнинг ўзига хос хусусиятлари, нутқнинг психолингвистик қонуниятлари, вербал мулоқотнинг паралингвистик аломатлари ва бошқалар.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотимизда профайлингнинг ўрганиш объектини ўзида тўлиқ жамлаган А.Павлов томонидан тақлиф этилган “Шахснинг ўзига хослигининг визуал диагностикаси: 8 доминант асосида” методи қўлланилди.

Тадқиқотда турли касб ва ёшдаги Фарғона вилоятида истиқомат қилувчи 18 ёшдан 62 ёшгача бўлган 308 нафар синалувчи иштирок этди.

А.Павлов томонидан тақлиф этилган “Шахснинг ўзига хослигининг визуал диагностикаси: 8 доминант асосида” методининг кўрсатмасига мувофиқ тадқиқотда объектив кузатиш, суҳбат, интервью методларидан фойдаланилди. Тадқиқот давомида синалувчиларнинг хулқ-атворлари уларнинг кийиниши, мимикаси, имо-ишораси, нутқи каби мезонларни кузатиш ва баҳолаш асосида ташкилланди.

Ушбу методика шахснинг ўзига хослигини визуал диагностикаси характер хусусиятлари тўғрисидаги илмий изланишларга асосланади. Доминантларнинг номланиши психиатрияда қўлланиладиган терминлардан олинган бўлиб, шахснинг психик оғишлари ҳақидаги тавсиф берувчи терминларга таянади [5:147].

Методикада 8 доминант (асосий, устун белги) берилган бўлиб, улар қуйидагиларни ташкил этади: параноял доминант (мақсадга интилувчи), истероид доминант (намоийшқорона), эпилептоид доминант (тутилиб, ушланиб қолувчи), эпилептоид доминант (таъсирчан, кўзгалувчан), шизоид доминант (ғалати, ғайриоддий), гиппертим доминант (ҳаётни сезувчи), эмотив доминант (сезгир), хавотир доминант (кўрқок) [2].

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичида синалувчиларнинг хулқ моделини кузатиш орқали олинган натижаларини, яъни “Шахснинг ўзига хослигини визуал диагностикаси: 8 доминант” методикасини ишончлилигини аниқлашни мақсад қилган ҳолда Старк Хатуэй, Джон Маккинли томонидан ишлаб чиқилган ММРҲ методи билан қиёсий солиштирилди.

Старк Хатуэй, Джон Маккинли ММРҲ (инглизча Minnesota Multiphasic Personality Inventori), (Миннесота кўп аспекти шахс сўровномаси) АҚШнинг Миннесота университети ходимлари томонидан XX асрнинг 30-40 йилларида ишлаб чиқарилган бўлиб, методика шахснинг индивидуал хусусиятлари ва психик ҳолатини тадқиқ этишга мўлжалланган [1].

Методиканинг дастлабки модификациялаштирилган варианты рус психологлари 1967 йилда Ф.В. Березин ва М.П.Мирошниқовлар томонидан 384 тасдиқдан иборат рус тилига мослаштирилган варианты ишлаб чиқилган.

Кейинчалик 1971 йилда Л.Н.Собчак томонидан унинг тўлароқ варианты (566 тасдиқдан иборат) шахсни тадқиқ этишнинг стандартлашган кўп факторли методи (СМИЛ) ишлаб чиқилган [4].

Биз тадқиқотимизда В.П.Зайцев томонидан ишлаб чиқилган MINI-MULT психологик тест вариантдан фойдаландик. Тест асосий клиник шкалалар ипохондрия (Hs), депрессия (D), истерия (Hy), психопатия (Pd), паранояллик (Pa), психастения (Pt), шизоидлик (Se), гипомания (Ma) ва баҳоловчи, ёлғон шкаласи (L), ишончлиликлари шкаласи (F), коррекция шкаласи (K) шкаллаларидан иборат бўлди [2:118].

“Шахснинг ўзига хослигини визуал диагностикаси: 8 доминант” методикасида аниқ доминант типларига эга бўлиб чиққан 300 нафар синалувчилар MINI-MULT психологик тест вариантини тадқиқ этишда иштирок этдилар. Тадқиқотнинг биринчи методи аралаш доминант типли синалувчилар иштирок этмадилар.

Ҳар иккала методда берилган шкалалар номланишидаги айнан ўхшашлари 3 та шкалада аниқланди. Улар шизоид, истероид ва параноял шкалалардир. Қолган шкалалар психологик хусусиятлар ва шахснинг психик ҳолатларидаги реакцияларининг намоён бўлишига қараб топилди.

8-жадвал.

MINI-MULT бүйича асосий клиник шкалалар номланиши	MINI-MULT синалув-чилар сони (X)	8 та доминант бүйича асосий, устун белгининг номланиши	8 та доминант синалувчилар сони (Y)	X*Y	X ²	Y ²
Гипомания	40	Гиппертим доминант (хаётни севувчи)	30	1200	1600	900
Депрессия	5	Эмотив доминант (сезгир)	4	20	25	16
Ипохондрия	11	Хавотир доминант (кўрқок)	5	55	121	25
Истерия	9	Истероид доминант (намоийшкорона)	7	63	81	49
Паронаял	103	Паронаял доминант (максадга интилувчи)	97	9991	10609	9409
Психастения	32	Эпилептоид доминант (тутилиб, ушланиб қолувчи)	27	864	1024	729
Шизоид	53	Шизоид доминант (ғалати, ғайриоддий)	48	2544	2809	2304
Психопатия	13	Эпилептоид доминант (таъсирчан, кўзғалувчан)	9	117	169	81
Жами	266	227		14854	16438	13513

8-жадвал. MINI-MULT методининг асосий шкалалари ва “Шахнинг ўзига хослигини визуал диагностикаси: 8 доминант асосида” методининг шкалалари ўртасидаги боғлиқлиги.

MINI-MULT методининг асосий шкалалари ва “Шахнинг ўзига хослигини визуал диагностикаси: 8 доминант асосида” методининг шкалалари ўртасидаги боғлиқлиги топиш мақсадида Пирсон корреляциясини ҳисоблаш формуласидан фойдаланилади.

Қарор қабул қилиш: 95% лик ишонч даражасида MINI-MULT методининг асосий шкалалари ва “Шахнинг ўзига хослигини визуал диагностикаси: 8 доминант асосида” методининг шкалалари кўрсаткичлари орасидаги ўзаро боғлиқлик мавжуд. ($r=0.99703$; $p<0.001$).

А.Павлов томонидан таклиф этилган “Шахнинг ўзига хослигини визуал диагностикаси: 8 доминант асосида” методи ва В.П.Зайцев томонидан ишлаб чиқилган MINI-MULT психологик тест варианты натижаларининг қиёсий солиштирмаси шуни кўрсатадики, визуал диагностика билан тест методикаси ўртасидаги фарқ 22,93 %ни ташкил қилиб,

тўғри топилган шахс типлари 77,07 % ни ташкил этди. Жинслар ўртасидаги тўғри баҳолаш ўртасидаги фарқ 6.6 % ни ташкил этди. Эркаларга нисбатан аёлларни визуал тарзда баҳолаш маълум даражада енгил эканлиги исботланди.

Визуал психодиагностика методини амалий қўллаш мумкинлиги натижалар асосида тасдиқлади. Шу тариқа визуал метод ёрдамида шахснинг характер хусусияти, унинг психотиби ва хулқ моделини аниқлаш мумкинлиги исботланди.

Визуал методнинг афзалликларига тўхталадиган бўлсак, унинг ёрдамида психологик тестларсиз шахснинг аналог ва белгили сигналлари, яъни мимика, имо-ишора, кийиниш имиджи, нутқидаги иборалар ва шахлараро муносабатларда эгаллаган позициясини кузатиш орқали шахс хулқ моделини аниқлаш имконини беради. Шахснинг хулқ модели эса, унинг характер акцентуацияларини ва психотибини намоён қилади. Шунингдек, тезкор психологик таххис қўйиш имконини беради. Бу эса, турли ижтимоий соҳаларда жумладан, кадрлар танлашга, жиноятчини аниқлашга, раҳбар ва ходим ўртасидаги муносабатларни самарали ташкил этишга ёрдам беради.

Адабиётлар

1. Березин Ф.В., Мирошкинов М.П., Соколова Е.Д., Методика многостороннего исследования личности (ММИЛ) структура, основы интерпретации, некоторые области применения. 3-издание. Издательство “Березин Феликс Борисович”, 2011. - С.320
2. Зайцев В.П. Вариант психологического теста MINI-MULT. –психологический журнал, 1981, №3, -С. 118-223
3. Павлов А. Визуальная диагностика особенностей личности: 8 доминант. 2014. dipplus.ru
4. Солиев Ф. Замонавий шахс психотибини аниқлашда профайлинг методидан фойдаланиб, таъсир доирасини кучайтириш усуллари. XXI асрда психологик саломатлик: муаммо ва ечимлар. Республика илмий-амалий анжумани. –Фарғона: 2017.
5. Солиев Ф. Шахс характер акцентуациясини визуал психодиагностик методлар ёрдамида аниқлашнинг ўзига хос томонлари. Самарканд давлат университети илмий ахборотномаси. –Самарканд: 2020 №2. 145-150-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада шахснинг ўзига хослигини визуал диагностика орқали аниқланган доминантлари В.П.Зайцев томонидан ишлаб чиқилган MINI-MULT психологик тест варианты асосида қўлга киритилган асосий клиник шкалалар билан қиёсий таққослаш натижалари таҳлил этилган. Шунингдек, визуал метод ёрдамида шахснинг характер хусусияти, унинг психотиби ва хулқ моделини аниқлаш мумкинлиги ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье проанализированы результаты сопоставительного сравнения доминант, установленных путём визуальной диагностики особенностей личности, с основными клиническими шкалами, полученными на основе разработанного Зайцевым В.П. варианта психологического теста MINI-MULT. В нем также освещена возможность определения черт характера личности, его психотип и модель поведения с помощью визуального метода.

SUMMARY

The article analyzes the results of a comparative comparison with the main clinical scales obtained on the basis of the MINI-MULT psychological test variant developed by V.P. Zeytsev, whose dominance of personality traits determined by visual diagnostics. It is also possible to determine the character traits of a person, his psychotype and pattern of behavior using the visual method.

**ИНСАНДА КӨРКЕМ-ДӨРЕТИҮШИЛИК УҚЫПТЫЛЫҚЛАРЫН
РАҰАЖЛАНДЫРЫҮДЫҢ ТИЙКАРҒЫ АСПЕКТЛЕРИ**

Т.В.Уразимова – *көркем-өнер таныу илимлериниң кандидаты, доцент*
Әжанияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: педагогика, шахс, бадийи ва ижодий ривожланиш жиҳатлари, тасвирий санъат, ижодкорлик.

Ключевые слова: педагогика, личность, аспекты художественно-творческого развития, изобразительное искусство, творчество.

Ушбу мақолада инфорацион технологияларни дарс жараёнига жорий этиш тажрибаси баён қилинади. Мавзуга оид педагогик эксперимент кимё фани чуқурлаштириб ўқитиладиган Ажиниёз номидаги НДПИ қошидаги академик лицей кимё ўқитувчилари иштирокида синовдан ўтказилди.

Кимё фани чуқурлаштириб ўқитиладиган академик лицейларнинг II курсида аорганик кимё фани ўқитилиб, ундаги «Галогенлар» мавзусини ўқитишга ўқув дастури бўйича 15 соат ажратилган. Мавзуни ўқитиш методикасини яратиш учун ҳар бир дарс таълими хусусиятини эътиборга олиб, дидактик манба ва воситалардан фойдаланиш алгоритми ишлаб чиқилди.

1. Дарс таълимидаги ўқитишнинг ҳар қандай анъанавий воситалари билан кўрсатиб бўлмайдиган назарий масаларни ўрганиш учун элемент атомларининг электрон тузилиши, атом кўзгалган ҳолатида электронларнинг бўш орбиталарига ўтиши, моддалар ҳосил бўлишида содир бўладиган кимёвий боғланиш шунингдек, моддалар олишдаги электролиз жараёнларининг анимацияси ва бошқа электрон воситалар тайёрланиб, компьютер дарси яратилди ва ундан дарс жараёнида фойдаланилди.

2. Мавжуд дарслик ва ўқув қўлланмаларида деярли ёритилмаган мавзуга оид Ватан табиий заҳиралари ва улардан кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши баён қилинди.

3. Мавзуга оид тарих ҳужжатлари ва фан янгиларидан фойдаланиш ишланмаси яратилди.

4. Намойиш қилинадиган лаборатория тажрибалари ва амалий ишни ўтказиш учун педагогик экспериментда синаб кўрилган янги кимёвий тажрибалар тавсия қилинди.

5. Ҳар бир дарс учун муаммоли ўқитиш методини амалга ошириш ишлаб чиқилди.

«Галогенлар» мавзуси бўйича ўқитиладиган дарсларнинг мавзусини ва уларга янги педагогик технологияларни жорий қилиш методикасини кўриб чиқамиз. Академик лицейларнинг II курсида ўқитиладиган аорганик кимёнинг «Галогенлар» мавзусини ўқиш учун дастурда кўрсатилгандек тақсимланган дарс соатлари ва яратилган ўқитиш методикасининг қисқача мазмуни берилди.

Мақолада келтирилган дарсларда элементларни тўлиқ ёритиш имконияти бўлмаганлиги учун фақат дарс самарадорлигини оширишнинг педагогик эксперимент билан асоаланган дидактик манбаларини қисман кўриб чиқамиз. Уларга дарс жараёнида мавзуга оид қизиқарли тарихий манбалар ва фан янгилари, элементларнинг Республикадаги табиий заҳиралари ва улардан маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини баён қилиш қизиқарли тажрибаларни намойиш қилиб кўрсатиш, анъанавий воситалар билан кўрсатиб бўлмайдиган мавзуга оид кўпгина жараёнларнинг анимация қилиб

тайёрланган мультимедиясини компьютер ва видеоглаз ёрдамида экранда намойиш қилиш ва бошқалар қиради.

Тарихий манбалар ва фан янгиларининг қисқача ёритилиши.

1. «Фтор ва унинг бирикмалари (2,3-дарслар)» мавзусида фторнинг кашф этилиш тарихи, хоссалари ва қўлланилишига оид фан янгиларини баён қилиш ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишларини кескин орттиради.

Бир аср давомида фторни кашф этиш учун бўлган ҳаракатлар фан қурбонларини келтириб чиқаради. Инглиз олимлари ака-ука Томас ва Георг Нонс кўрғошин (II) фториддан фтор олишга уринишда Томис захарланиб ўлди, Георг ногирон бўлиб қолди. XIX аср йирик кимёгари Х. Деви тажриба ўтказиш жараёнида захарланиб оғир касалланди. Гей-Люссак, Л. Тенар соғлигини йўқотдилар. XIX асрдаги физика ва кимё фанларининг даҳоси бўлган М. Фарадей 50 йил давомида фтор олиш муаммосини ҳал қила олмади. Фтор олишга муяссар бўлиб, уни кашф этди. У NF, KF аралашмасининг суюкланмасини электролиз қилиб, фтор газни олди.

Аниқланишича, фтор ўта захарли газ бўлиб, ҳавонинг миллиондан бир процентини (0,00001%) ташкил қилган. Фтор этишмаси карбес касаллиги келиб чиқади, 1 л денгиз сувида 0,3 мг, оддий сувнинг 1 тоннасида 0,2 мг фтор бўлади. Денгиз моллюскаси чиғаноғининг 1 кг да 6 мг фтор бўлади.

Атом, бомбанинг яратилиши ҳам фтор билан боғлиқдир. Маълумки, табиий уран таркиби 0,7% ^{237}U ва 99,3% ^{238}U изотопларидан иборат бўлиб, улардан ^{235}U изотопининг нейтронлар таъсирида содир бўладиган ядро парчаланиши занжирли реакция эканлиги аниқланган изотопларнинг бир-биридан ажратиш муаммоси пайдо бўлди ва машаққатли изланишлар натижасида уларни фтор ёрдамида ажратиш методи ишлаб чиқилди. Аввал фтор ёки водород фторид ёрдамида қайнаш температураси 52,2 бўлган $^{235}\text{UF}_6$ ва $^{238}\text{UF}_6$ бирикмалари аралашмаси олинади.

Уларнинг центрифугада тезлаштирилган буғлар кичик порали мембрандан ўтказилди. Унда $^{235}\text{UF}_6$ енгилроқ бўлганлиги учун тезроқ ўтади. Натижада $^{235}\text{UF}_6$ ва $^{238}\text{UF}_6$ дан ажиратилади. $^{235}\text{UF}_6$ дан метал ҳолатидаги ^{235}U изотопини ажратиб олинади. Унда атом бомба тайёрлаш ёки атом электр станциясида ёқилги сифатида фойдаланиш мумкин.

Фтор органик бирикмалардан фреонлар (CF_4 , CF_2Cl_2) совуткич сифатида, тетрафтор этиленнинг ($\text{F}_2\text{C}=\text{CF}_2$) полимерланишдан олинадиган тефлон кимёвий таъсирга ўта чидамли бўлиб, платинанинг ўрнини босади.

2. «Хлор ва унинг бирикмалари» (4,5,6-дарслар) мавзуси мисолида элементларнинг Республикадаги табиий заҳиралари ва улардан маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини дарс баён этишни кўриб чиқамиз. Бу нарса дарс самарадорлигини оширишнинг ва ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим омили эканлигини ўтказилган педагогик эксперимент натижалари исботлади. Дидактик манба сифатида бериладиган баъзи маълумотларни келтирамиз. Республикада ош тузи конларига бой. Аниқланган 5 та ош тузи кони – Хожакон, Тубакат, Борсакелмас, Байбичикан, Оқ қалъа конларида тахминан 90 миллиард тонна хомашё бор.

Ўзбекистан мустақилликка эришгандан сўнг Навоийда ош тузи конларининг хомашёси билан ишлайдиган электрохимёвий усулда ўювчи натрий, сода, хлор, водород ишлаб чиқариладиган завод барпо этилиб, ишга туширилди. Борсақелмас ош тузи конлари асосида Қорақалпоғистанда калцийланган сода олиш заводи қурилмоқда. Шунингдек, Қашқадарё вилоятидаги Тубакат ва Сурхандарё вилоятидаги Хожайкон конлари ош тузи каби жуда ката калий туз конлари ҳам ҳисобланади. Тубакат калий тузлари кони негизида калийли ўғитлар ишлаб чиқариш корхонаси барпо этилиб, ишга туширилиши мўлжалланмоқда.

3. Маъруза вақтида қизиқарли кимёвий тажрибаларни намойиш қилиш ҳам дарс самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. «Йод ва унинг бирикмалари» (II-III дарслар) мавзусида қуйидаги тажрибаларни намойиш қилиш тавсия қилинади.(2)

1) йоднинг сувдаги кучсиз эритмасини бензол билан экстракция қилиб йод ажратиб олиш;

2) алюминий йоднинг олиниши;

3) кўрғошин (II) ацетан эритмасига калий йодид эритмасини қўшиб, олтин рангдаги кўрғошин йодид кристалларини олиш;

4) калий йодид эритмасига мисс (II) сульфат эритмасини қўшиб мисс (I) йодид олиш ва бошқалар.

4. Компьютер дарсларининг электрон версиясини яратиш ва унинг ёрдамида дарс ўтиш.

Адабиётлар

1. Кимёдан академик лицейлар учун ўқув дастури. –Тошкент: 2017.
2. Аскарлов И. ва бошқ. «Кимё». –Тошкент: «Шарқ», 2017.
3. Буторин А.О., Фатахов Е.Н. «Минерально-сырьевые ресурсы». «Научно-технический прогресс и развитие производительных сил» -Ташкент: «Фан», 2000.
4. Тошпўлатов Ю.Т., Рахматуллаев Н.Г., Ажиева М.Б., Преподавание главы «Галогены» в курсе неорганической химии // «Педагогика таълим» №1. – Т.: 2003 .
5. Аблеева В.И. Из опыта проблемного изучения галогенов. // «Химия в школе» -Москва: 1974г. №1, -С.45-47.

Мазкур мақолада «Галогенлар» мавзусини ўқитишда янги дидактик материалларни қўллаш методикаси ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье дан дидактический материал для использования в преподавании темы «Галогены».

РЕЗЮМЕ

This article describes the use of new didactic materials for teaching topic halogen.

SUMMARY

LOYIHA TEXNOLOGIYASI YARIMO‘TKAZGICHLAR FIZIKASINI O‘QITISH SIFATINI YAXSHILASH USULI SIFATIDA

R.A.Ametov – doktorant

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti

Tayanch so‘zlar: loyiha usuli, loyihalash faoliyati, yarimo‘tkazgichlar fizikasi.

Ключевые слова: проектный метод, проектная деятельность, физика полупроводников.

Key words: project approach, project method, semiconductor physics.

Jahon miqyosida oliy ta’lim ilm-faning ustuvor yo‘nalishlarini qo‘llab-quvvatlash, zamonaviy moddiy-texnik imkoniyatlarining ortib borishiga mos ravishda geliotexnika, quyosh energiyasidan foydalanish, yarimo‘tkazgichlar va o‘tao‘tkazuvchanlik fizikasini rivojlantirishga oid ilmiy tadqiqotlar olib borilmoqda. Mazkur tadqiqotlar fizika fanini o‘qitish jarayonida yarimo‘tkazgichlar fizikasi o‘quv materiallari va o‘qitish texnologiyalarini takomillashtirishda alohida ahamiyat kasb etmoqda.

Loyiha usuli hayotga zamon talabi, ta’lim tizimining davlat va jamiyatning ijtimoiy buyurtmasiga javob berishning bir turi sifatida kirib keldi. Loyiha usuliga bo‘lgan qiziqishning ortishi, uning ta’lim tizimini modernizatsiyalashning asosiy yo‘nalishlarini amalga oshirishga imkon berishi bilan izohlanadi:

- ta’lim mazmunini integratsiyalash;

- axborot texnologiyalaridan foydalanish ko‘nikmalarini, rivojlantirish;

- shaxsiy natijalarni shakllantirish;

- talabalarning bilim, amaliy ko‘nikma va malakalarning sub’ekti sifatida o‘ziga nisbatan munosabatni shakllantirish.

A.Nobikov hayotda duch keladigan turli xil loyihalarning ahamiyati nihoyatda katta ekanligini ta’kidlaydi. Ular qo‘llanilish sohasi, mavzu doirasi, tarkibi, ko‘lami, davomiyligi, ishtirokchilar tarkibi, murakkablik darajasi, natijalarning ta’siri va boshqalar jihatidan juda farq qilishi mumkin [1:290]. Biz ushbu maqolada yarimo‘tkazgichlar fizikasini o‘qitish bo‘yicha loyihalarni ko‘rib chiqamiz.

Loyiha usuli faoliyatli belgiga ega. SHuning uchun talaba tomonidan loyihalash jarayonida olingan ko‘nikmalar «yig‘uvchi-bilimlar» mashg‘ulotlardan farqli o‘laroq, hayotiy, aqliy va amaliy harakatlarning mazmunli bajarilishini tashkil etadi. Boshqacha qilib aytganda, o‘quv natijalari shakllanadi, keyinchalik ular bilim, axborot, ijtimoiy, kommunikativ va boshqa kompetentsiyalarning asosiga aylanadi.

Loyiha usuli – zamonaviy o‘qitishning interfaol usullaridan biri bo‘lib, talaba o‘z muammolarini o‘zi hal qiladigan ta’lim vaziyatlarini yaratishga imkon beradigan uslublar to‘plami hamda talabaniy mustaqil faoliyatini qo‘llab-quvvatlash texnologiyasidir. Tadqiqotchi N.Paxomova «loyihani o‘qituvchi tomonidan maxsus tashkil etilgan va talabalar tomonidan sub’ektiv ahamiyatga

ega bo'lgan muammoni hal qilish uchun mustaqil ravishda amalga oshiradigan harakatlar to'plami, bu mahsulotni yaratish va og'zaki yoki yozma taqdimot doirasida taqdim etish bilan yakunlanadi» deb ta'kidlaydi [3:5].

Pedagogik amaliyot shuni ko'rsatadiki, loyihaning bir qator afzalliklari bor:

- nazariya bilan amaliyot o'rtasidagi oqilona muvozanatni saqlab, o'quv faoliyatini tashkil etishga imkon beradi;

- o'quv jarayoniga muvaffaqiyatli integratsiyalanib boradi;

- o'quv materialini muvaffaqiyatli o'zlashtirishni, balki talabalarining intellektual va axloqiy rivojlanishini, mustaqilligini, o'qituvchiga va bir-biriga xayrixohligini ta'minlaydi;

- loyihalar talabalarni birlashtiradi, muloqot qobiliyatini, boshqalarga yordam berish istagini, jamoada ishlash qobiliyatini va birgalikdagi ish uchun javobgarlikni rivojlantiradi;

- talabaniy bilim hajmini passiv to'plash jarayonidan, e'tiborni ularni axborot resurslarini turli xil faoliyat usullarida o'zlashtirishga yo'naltirishga imkon beradi [2:152].

SHu munosabat bilan biz yarimo'tkazgichlar fizikasini o'rganish jarayonida talabalarining loyiha faoliyatidan darsda va auditoriyadan tashqari ishlarni tashkillashtirishda foydalanamiz. Loyiha ustida ishlashni boshlaganimizda, odatda quyidagi bosqichlaridan iborat bo'lgan rejaga e'tibor qaratish lozim:

1. Muammoning ta'rifi. Bu erda talabalarining qobiliyatlari va bilimlariga mos keladigan va qiziqarli bo'ladigan tadqiqotlarni o'tkazish uchun dolzarb muammolarni aniqlash muhimdir.

2. Maqsad va vazifalarni aniqlash. Ushbu bosqichda biz talabalarga tadqiqotning maqsadlarini aniqlashga yordam beramiz, ularni natijalarga erishishga yo'naltiramiz.

3. Tayyorlanish va rejalashtirish. Bu erda talabaga mavzuga muvofiq loyihani amalga oshirish shaklini tanlashda yordam berish, shuningdek, faoliyatni tashkil etish vositalari va usullarini aniqlashda yordam berish muhimdir. Agar bu guruh loyihasi bo'lsa, unda biz loyihada birgalikda ishlaydigan talabalarining tashabbuskor guruhlarini tuzamiz. Talabalarga kerakli materiallarni topishda rahbarlik qilish, ma'lumotlarni qayta ishlashda yordam berish muhimdir.

4. Loyihani amalga oshirish. Loyiha ustida ishlash har doim ma'lumot to'plash, tahlil qilish va g'oyalarni ilgari surishdan boshlanadi. Kerakli ma'lumotlar to'plangandan so'ng, loyihani rejalashtirish bosqichi boshlanadi. Ushbu bosqichda talabalarga maslahat beriladi, faktlar tahlil

Adabiyotlar

1. Батышев С.Я., Новиков А.М. Профессиональная педагогика: Учебник для студентов, обучающихся по педагогическим специальностям и направлениям. Изд. 3-е, переработанное. –М.: Изд-во ЭГБЕС, 2009. –С. 456.
2. Монахов В.М. Технологические основы проектирования и конструирования учебного процесса. – Волгоград: «Перемена», 1995. – С. 152.
3. Пахомова Н.Ю. Метод учебного проекта в образовательном учреждении: Пособие для учителей и студентов педагогических вузов. –М.: АРКТИ, 2003. –С.123.

REZYUME

Maqolada loyiha usuli talabalarining yarimo'tkazgichlar fizikasini o'rganishda myhim motivatsiya vositasi sifatida ko'rib chiqilgan, bu usul talabalarining o'qitilayotgan predmetga qiziqishini oshirishga imkon yaratadi va bu o'z navbatida ta'lim sifatini oshirishga yordam beradi.

PEZIOME

В статье рассматривается проектный метод как средство мотивации студентов при изучении физики полупроводников, позволяющий повысить их интерес к предмету, что в свою очередь способствует повышению качества обучения.

SUMMARY

The article considers the project method as a motivating tool for students in the study of semiconductor physics, allowing them to increase their interest in the subject, which in turn helps to improve the quality of education.

KEYS USULINING BIOKIMYO FANINI O'QITISHDAGI O'RNI

H.I.Amonova – *texnika fanlari nomzodi, dotsent*

S.Sh.Sodikova – *assistent o'qituvchi*

Abu Ali ibn Sino nomidagi Buxoro davlat tibbiyot instituti

S.V.Lisina – *kimyo fanlari nomzodi, dotsent*

Volgograd davlat tibbiyot universiteti, Rossiya

Tayanch so'zlar: biokimyo, keys usuli, ta'lim, tibbiyot, oliy ta'lim, muammo, yechim

Ключевые слова: биохимия, кейс-метод, образование, медицина, высшее образование, проблема, решение.

Key words: biochemistry, case-method, education, medicine, higher education, problem, solution.

Tarixdan ma'lumki, ta'lim turli jamiyatlarda muhim ahamiyatga ega bo'lgan. Asrlar mobaynida ta'lim an'anaviylik saqlab, tajribani yig'ish, saqlash va avloddan avlodga o'tkazish hisoblangan. Ta'limning vazifasi jamiyatni saqlab qolishdan iborat bo'lib, ma'lum bir normalarga mos bo'lishni talab qilgan. Insoniyatning butun tarixi davomida yangi bilim kam ishlab chiqilgan va faoliyatning yangi turlari jamiyatda oz ahamiyatuga ega bo'lgan.

Insoniyatning rivojlanishi davomida ta'lim asta-sekin markaziy masalaga aylanib kelmoqda. Axborot texnologiyalarining rivojlanishi kuchaygan sayin ta'lim sanoat, siyosat, ijtimoiy va ma'naviy rivojlanish, intellektual resurslar va inson kapitali hamda inson potentsialining shakllanishi manbai bo'lib xizmat qilish kelmoqda. Buni ta'limdagi o'ziga xos keskin rivojlanish deb aytish mumkin. Ammo, bu noyob hodisa emas. Keskin rivojlanishlar ta'limda bir necha bor amalga oshgan bo'lib, bunda ta'lim metodologiyasining o'zgarishi, ta'limning jamiyatdagi o'rnini va rolining o'zgarishi, an'analar va innovatsiyalarining nisbatining o'zgarishini misol qilish mumkin. Bunday keskin o'zgarishlar, albatta, axborot texnologiyalarining rivojlanishi bilan bevosita bog'liqdir [1].

Shu o'rinda keys texnologiyasi, usulining o'ziga xosligini qayd etish lozim. Keys o'quvchi, talaba va tinglovchilarni real voqealar "ishtirokchisi"ga aylantirib, ularni ma'lum bir muammoga yechim topishlari sari yetaklaydi. Ular yechimni topish maqsadida bilim, ko'nikma va malakalarini ishga solishadi. Keys usulini an'anaviy usullar bilan birgalikda ham qo'llab yuqori natijalarga erishish mumkin.

Mazkur tadqiqotning maqsadi ta'limiy keys turini biokimyo fanini o'qitishda joriy etishdan iborat.

Gari Tomasning fikricha "Keys-stadi – bu shaxslar, voqealar, davrlar, dasturlar, siyosat, tashkilotlar va boshqa sistemalarni yaxlit bir yoki bir necha usul yordamida analiz qilishdir" [2]. Mayles va Hubermanlarning fikricha "...cheklangan kontekstdagi biror-bir hodisa" [3]. Keys-stadi – bu mazmunan analiz birligidir". Keys-stadi – uzoq vaqt davomida inson, guruh yoki vaziyatni tadqiq qilish [4]. Shu bilan birga u yoki bu sohadagi faoliyatda haqiqatda sodir bo'lgan va muallif tomonidan o'quv auditoriyasini diskussiyaga jalb qilish hamda talabalarni vaziyatni muhokama qilish orqali analiz qilib qaror qabul qilishga undash deb ham qarash mumkin [5;6].

Ma'lumki, biokimyo fanini odatda ikkinchi bosqich talabalariga o'qitiladi. Bu fan keng miqyosdagi ilmiy sohani, hayotning barcha jabhalarini bazaviy va molekulyar darajada qamqab oladi; oliy tibbiyot ta'limida biokimyo tirik organizmlarni tashkil etuvchi moddalarning kimyoviy tabiati, ularning o'zgarishi, shuningdek, bu o'zgarishlarning hujayralar, to'qimalar va umuman tananing faoliyati bilan o'zaro bog'liqligi haqida tasavvur hosil qiladi [7].

Odatda keyslarning bir necha turlari mavjud. Biz asosan ta'limiy keysga to'xtalib o'tamiz. Ta'lim keyslari – bu ta'lim maqsadlariga erishish vositasi hisoblanadi. Bu kasbiy amaliyotdan kelib chiqadigan ishning tavsifi bo'lib, mutaxassis qarorlar qabul qiladigan, harakat qiladigan va ushbu harakatlarning oqibatlariga duch keladigan vaziyatdir.

Har qanday matn ham ta'lim keysi sifatida qabul qilinmaydi. Matn keys bo'lishi uchun kamida to'rtta muhim

tarkibiy qismdan iborat bo'lishi zarur: muammo, yechim, vaziyat va kontekst.

Ta'lim keyslari muammoga asoslangan bo'lib, hal qilinishi kerak bo'lgan muhim kasbiy vaziyatdir. Muammoning murakkabligi va miqyosi har xil bo'lishi mumkin: ma'lum bir xodimga ish haqini to'lash tizimini ishlab chiqishdan boshlab korporativ strategiyani ishlab chiqishgacha. Matnda aniq ko'rsatilmagan muammo ishning mohiyatini tashkil etadi va uni mazmun bilan to'ldiradi. Muammo ustida ishlash – uni aniqlash, tahlil qilish, tarkibiy qismlarga ajratish va yechimlarni taklif qilishdan iborat bo'lib, o'rganilayotgan nazariya va modellarni yangilaydi, tahliliy va munozarali ko'nikmalarni rivojlantiradi, tadqiqot mavzusi va ob'yekti to'g'risida o'zaro bog'liq fikrlarni shakllantiradi va o'rganishga kerakli turtki yaratadi.

Muammoga qo'shimcha ravishda, keysda yechim, ya'ni, tasvirlangan vaziyatdagi ishtirokchilarning tanlovi, fikrlari va hatti-harakatlarini tavsiflash elementlarini bo'lishi kerak. Keysni yechish jarayonida har doim ham to'g'ri qaror qabul qilib bo'lmaydi, ammo, u har doim o'ziga xos xususiyatga ega bo'ladi va bu ma'lum bir shaxsning (yoki guruhning) ma'lum bir maqsad va qadriyatlar asosida harakatlanadigan qarori hisoblanadi. Keysda keltirilgan yechim quyidagilarni amalga oshirishga imkon beradi:

1) muvaffaqiyatli yoki muvaffaqiyatsiz kasbiy tanlash va xulq-atvor namunalarini, shuningdek ularning bevosita va bilvosita oqibatlarini o'rganish;

2) keysdagi qahramonning harakatlarini batafsil baholaydi, ma'lum vaziyatda ularning ahamiyatini tahlil qiladi, muvaffaqiyat yoki muvaffaqiyatsizlik sabablarini aniqlaydi;

3) ilgari amalga oshirilgan harakatlarning salbiy oqibatlarini yo'qotish (yoki muvaffaqiyatni rivojlantiradigan) alternativ yoki oddiy yechimlarni ishlab chiqish va taklif qilish.

Muammo va yechimlar muhokama mavzusini tashkil qiladi. Vaziyat ob'ektni – guruhni va tashkilotni – odamlarni, ularning munosabatlarini, qiziqishlarini, pozitsiyalarini, qoidalari va tartiblarini tavsiflaydi – bularning barchasi muammoni va ishning asosiy xarakterining bevosita atrofini tashkil qiladi. Batafsil tavsiflangan vaziyat talaba uchun asosiy ma'lumot manbai bo'lib, baholash va qaror qabul qilish uchun yordam beruvchi vosita hisoblanadi.

Kengroq kontekstda vaziyatning paydo bo'lishi va rivojlanishi uchun shart-sharoitlarning tavsifi – atrof-muhit omillari, tashkilot va ishtirokchilar to'g'risidagi tarixiy ma'lumotlar, manfaatdor tomonlarning maqsadlari va qadriyatlarini to'g'risida qo'shimcha ma'lumotlar va boshqalarni anglatadi. Kontekst talabalarga yuzaga kelgan vaziyatni yaxshiroq tushunishga, taxminlar va mulohazalarni o'zgartirishga, qo'shimcha dalillarni topishga va, eng muhimi, vaziyatni o'zgartirish yo'llarini topishga hamda sifat jihatidan boshqacha yechimni taklif qilishga imkon beradi.

Ta'lim keyslari bir necha shakllarda taqdim etilishi mumkin: yaxlit tuzilgan matn, tanlangan hujjatlar, audioyozuv, videoyozuv va shaxsiy tajriba [8-9].

Klassik ta'lim keysi – 20-30 sahifadan iborat izchil ketma-ketlikda tayyorlangan matn bo'lib, vaziyatning asosiy tarkibiy qismlarini, qarorlarni va kontekstni o'z ichiga oladi. Bun kabi keyslarni ishlash uchun kamida 4 soat mustaqil tayyorgarlik, kamida bir soat kichik guruhlarda muhokama qilish va o'qituvchi bilan bir yoki bir nechta

dars mashg'ulotlari talab etiladi. Hajmi va ko'p qirraliligi tufayli, bunday keyslar turli xil mavzularga tegishli bir nechta mavzularni qamrab olishi mumkin.

Qisqartirilgan ta'lim keysi – 3-5 sahifali matn, biroz qisqartirilgan va soddalashtirilgan, vaziyat va yechimni ifodalaydi va deyarli hech qanday kontekstga ega emas. Bunday keyslar qisqa muddatda bir yoki ikkita mavzu bo'yicha guruh muhokamasini tashkil qilish uchun qulaydir. Bunda qisqa tayyorgarlik davri (1-2 soat) va keng qamrovli munozarani taklif qilinadi (bitta dars yoki uning asosiy qismi). Qisqartirilgan ta'lim keyslari (klassik keyslarga qaraganda) kamroq darajada tahliliy ko'nikmalarning rivojlanishiga yordam beradi va nazariy modellarni amaliy vaziyat bilan taqqoslashga, cheklangan, ammo juda katta hajmdagi ma'lumotlarni tezda boshqarish va o'z pozitsiyasini tez va ishonarli ravishda aytish imkonini beradi.

Keyslarning uchinchi turi bu mini-keyslar hisoblanadi. Kichik hajmda (0,5 dan 2 betgacha), ular kontekst va vaziyat haqida juda kam ma'lumot beradi, muammo va uning yechimini aniq ifodalaydi. Ushbu keyslar birinchi navbatda muammoni yechish yoki dars davomida ajratib tashlangan individual qoidalar yoki modellarni tasvirlash uchun mo'ljallangan. Ular oldindan tayyorgarlikni talab qilmaydi va ularni muhokama qilish, qoida tariqasida, darsning yarmidan kam qismini oladi.

Izchil ketma-ketlikda tayyorlangan matn, ya'ni, klassik keysdan farqli o'laroq, hujjatlar tanlovi vaziyat, qaror va kontekstning umumiy yaxlit tavsifini bermaydi. Buning o'rniga talabalarga vaziyatga tegishli dastlabki hujjatlarni o'rganish va uni qismlarga bo'lish tavsiya etiladi. Bunday keyslar bilan ishlashning asosiy vazifasi – bu mustaqil ravishda fikrni shakllantirish va nima bo'lganligi, nima uchun, qanday choralar ko'rilganligi va ular qanday oqibatlarga olib kelganligi to'g'risida xulosa chiqarishga imkon beradi. Shunday qilib, talabalar vaziyatni o'zlarida qayta tiklashga tayanib, muammoning shakllangan qarashlariga qarab baholash va yechimlarni taklif qilishlari mumkin. Hujjatlar to'plamlari uzoq mustaqil tayyorgarlikni talab qiladi va ularni muhokama qilish bir nechta dars davomida cho'zilishi mumkin.

Audiokeyslar – bu muayyan vaziyatdagi ishtirokchilar bilan bir yoki bir nechta suhbatlarning audio yozuvidir. Bu turdagi keyslarning asosiy ustunligi ularning shaxsiy suhbat orqali professional muammoni o'rganish uchun haqiqiy sharoitlarga yaqinligi hisoblanadi [10]. Yozuvni bir nechta bor tinglash imkoniyatiga ega bo'lgan holda, talabalar ish haqida umumiy taassurotni shakllantirishlari, ahamiyatli (ularning fikriga ko'ra) jihatlari va tafsilotlariga e'tibor berishlari, stilistik va og'zaki bo'lmagan – prosodik va paralingvistik nutq omillaridan (intonatsiya, ovoznining ohangi va tembri, nutqning ishonchliligi va umumiy uslubi) qo'shimcha ma'lumot olishlari mumkin. Shunday qilib, audiokeyslar yordamida talabalar tinglashni o'rganadilar, ma'ruzachining nutqidagi asosiy mazmunini aniqlay olish va satrlar orasida nima deyilganini tushunishni o'rganadilar.

Adabiyotlar

1. Niyazov L.N., Amonova H.I., Gulamova M.T. Keys texnologiyalarining tabiiy fanlarni o'qitishdagi o'rimi. / Monografiya. – Buxoro: 2020. 126- b.
2. Gary Thomas A typology for the case study in social science following a review of definition, discourse and structure. // *Qualitative Inquiry*. 2011, 17 (6): -P. 511–521.
3. Miles M.B., Huberman A.M. *Qualitative data analysis: An expanded source book* (2nd ed.). / Thousand Oaks, CA: Sage, 1994.
4. Case-study [Elektron resurs]. URL: <http://www.merriam-webster.com/dictionary/case%20study> (murojaat etilgan sana: 18.11.2019)
5. Смолянинова О.Г. Инновационные технологии обучения студентов на основе метода Case Study // *Инновации в российском образовании: СПб.*; -М.: ВПО, 2000.
6. Чикер В.А. *Методология и методы социально психологических исследований*. – СПб., 2010. –С. 135.
7. Березов Т.Т., Коровкин Б.Ф. *Биологическая химия*. -М.: «Медицина», 1998. –С. 704.
8. Зельдович Б.З. *Ситуационное обучение управленческим дисциплинам* -М.: «Экзамен», 2008. –С. 544.
9. Barnes L. B., Chistensen C. R., Hansen A. J. *Teaching and the case method Instructor's Guide*. Harvard Business School Press.
10. Baxter P and Jack S. (2008) *Qualitative Case Study Methodology: Study design and implementation for novice researchers*, in *The Qualitative Report*, 13(4): 544-559
11. *Case Study Handbook: How to Read, Discuss, and Write Persuasively About Cases* (Paperback) [William Ellet](#), Harvard Business Press Books, 2007. -P. 256.

Audiokeyslar aktyorlarni ifodalovchi vaziyat va kontekstning xususiyatlarini tushuntirib beradigan kichik matnlardan iborat bo'lishi mumkin.

Videokeyslar nomiga ko'ra, o'rganilayotgan vaziyatning asosiy mazmunini ochib beradigan bir qator videoroliklardan iborat. Ushbu voqealar ishtirokchilari bilan intervyuga qo'shimcha ravishda, ushbu qismlarda quyidagilar aks ettirilishi mumkin: asosiy va yordamchi bo'linmalarining faoliyati, kompaniya mahsulotlarining ko'rinishi, ishlashi va iste'moli jarayoni, rejalar va ish natijalari taqdimoti va boshqalar. Sifat va davomiyligiga qarab, videokeyslar keng ko'lamli muammolarni hal qilish uchun ishlatilishi mumkin bo'lib, ma'lum bir kichik mavzudan boshlab, qidiruv mashg'ulotlari va loyihaviy ishlarga qadar bo'lishi mumkin. Videokeyslar odatda ko'rib chiqilayotgan masala bilan bog'liq bo'lmagan katta hajmdagi ma'lumotlarni o'z ichiga oladi va ijro etishning chiziqchiligi muhim tafsilotlar va jihatlarni taqqoslashni qiyinlashtiradi. Shuning uchun yaxshi videokeyslar qisqa qismlardan iborat bo'lishi (3 minutdan oshmasligi kerak) va ular orasida tezkor o'tish imkoniyati mavjud bo'lishi kerak. Ma'lumotni qidirish va tahlil qilishni sezilarli darajada osonlashtiradigan video yozuvlar uchun matnli skriptlarga ega bo'lish maqsadga muvofiqdir.

Ta'lim ishtirokchilari guruhi a'zolari yoki taklif qilingan mehmonlarning shaxsiy tajribasi ham yaxshi keyslarga misol bo'lishi mumkin. Muhokama ishtirokchilari va o'qituvchi tomonidan mohirlik bilan yo'naltirilgan voqealarni retrospektiv tahlil qilish haqiqiy vaziyatni qayta qurish, uning tuzilishini, omillari va keyingi voqealar zanjirini tushunish, mavjud vaziyatni tushuntirish va kelajakda harakatlarni taklif qilish imkonini beradi. Ehtimol, ushbu ish shakli bo'lgan talabalar uchun voqelikni anglash va o'rganilgan tadbirlarga jalb qilish, bu tajriba almashish va vaziyatni rivojlantirish bo'yicha birgalikda ishlash orqali ta'minlanadi.

Keyslarni taqdimot shakllarini uyg'unlashtirilishi mumkin. Bir nechta shakllarni uyg'unlashtirish (tuzilgan matn, hujjatlar tanlovi, audio, video va shaxsiy tajriba) o'quv materialini boyitishi va o'quv vazifalari doirasini kengaytirishi mumkin. Shunga qaramay, keys doirasida turli xil shakllarga berilib ketish tavsiya etilmaydi, chunki, ortiqcha yuklangan shakllar muqarrar ravishda tarkibni chalg'itadi; talab qilingan materialni tushunish va u to'g'risida zarur bilimlarni shakllantirishning o'rniga, talabalar faqat shakllar va qismlarni eslay olishadi.

Xulosa qilib shuni aytish kerakki, keys shunchaki dastlabki o'quv materialini bo'lib, tahlil qilish va muhokama qilish uchun yordamchi vositadir. Aynan shu jarayon ta'lim maqsadlariga erishishning muvaffaqiyati va sifatini belgilaydi. Biokimyofanini o'qitish jarayonida keys usulidan foydalanish o'qitishda stereotiplardan xalos bo'lishga, kasbiy vaziyatlarga yangicha yondashishni va talabalarning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishga yordam beradi.

REZYUME

Maqolada biokimyo fanini oliy tibbiyot ta'limida o'qitishda keys usulining ta'limiy turi va uni ta'lim jarayoniga joriy qilish masalalari tadqiq etilgan. Keys talabalarga mutaxassislik uchun zarur bo'lgan asosiy bilimlarni berishi hamda kasbiy mahoratini shakllantirishi aniqlangan.

РЕЗИОМЕ

В статье исследуется учебная разновидность кейс-метода в преподавании биохимии в высшей медицинской школе и вопросы внедрения его в учебный процесс. Определено что кейсы, позволяют усвоить студентам базовые знания, необходимые для их специализации, и для профессиональных навыков.

SUMMARY

The article examines the educational variety of the case method in teaching biochemistry in higher medical school and the issues of its implementation in the educational process. It was determined that the cases allow to provide students with the basic knowledge necessary for their specialization and develop their professional skills.

ТЕХНОЛОГИЯ БАҒДАРЫНДА ЭЛЕКТРОТЕХНИКАЛЫҚ ПӘНЛЕРДИ ОҚЫТЫҰДА ЖАСЛАРДЫҢ ДӨРЕТИҰШИЛИК ҚӘБИЛЕТІН РАҰАЖЛАНДЫРЫҰ УСЫЛЛАРЫ

С.У.Әширбекова – техника илимлериниң кандидаты, доцент

К.Р.Қдырғиязова – магистрант

Әжинияз атындағы Нәкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: электротехника, ўкитиш жараёни, иждокорлик, психология, компетенция, демонстрация, эффектив, иллюстрация, логика, технологик таълим.

Ключевые слова: электротехника, учебный процесс, творческий подход, психология, компетентность, демонстрация, эффективный, иллюстрация, логика, технологическое образование.

Key words: electrical engineering, teaching process, creativity, psychology, competence, demonstration, effective, illustration, logic, technological education.

Электротехникалық пәнлерди оқытыу процесине қойылатуғын талаптардың бири – педагогикалық усылларды мақсетли түрде системалы пайдаланып оқыушылардың интеллектин, дөретиушилик ойлауын, илимий көзқарасы менен активлигин қәлиплестириу, өз бетинше билим алыу көнликпелерин раўажландыру болып табылады.

Хәзирги жәмийетимизде болып атырған түпкиликли өзгерислер жас әуладтың дүньяны илимий таныуын, өз ойын ашық айта алыуын қәлиплестириу талап етпекте. Соннан келип шығып билимлендириу мәкемелеринде оқыу-тәрбия жұмысларын дурыс хәм нәтийжели шөлкемлестириудің бирден бир жолы сыпатында жас әуладтың билим алыуға хәм оны өзлестириуге деген қызығыушылығын оятыу, дөретиушилик белсендилегин жетилистириу жолға қойыудан ибарат. Бунда жаңа педагогикалық хәм информациялық технологиялар тийкарында оқытыудың мазмунын интерактив бағдарланыу мәселеси жүзеге шығады [1:2].

Өндирислик хәм жәмийетлик өмирге жаңа мазмун киргизетуғын, келешекке байланыслы жаңа ұазыйпалар қойып билетуғын хәм оны шешиу жолларын таба алатуғын хәр тәреплеме қәлиплескен шахсларды тәрбиялау бағдарда оқытыушының педагогикалық шеберлиги, оның дәуир менен тең қәдем таслауы хәм жәмийетте болып атырған өзгерислерди меңгерип барыуы мақсетке муапық.

«Педагогикалық шеберлик» муғаллимнің қәнигелик искерлигиниң ең жоқары дәрежеси болып, муғаллимнің хәр түрли педагогикалық мәселелерди унамлы шешиу укыбы, сондай-ақ оқытыу тәрбиялау жұмысларының мақсетине ерисиуи екен. Педагогикалық шеберликтің көринислерине төмендегилерди айта аламыз: оқыу процесин мақсетли алып барылуы, педагог жұмысының жоқары сапалылығы, оқытыу-тәрбиялау жұмысларында белгиленген мақсетке ерисиу, педагогтың педагогикалық процесин методикалық, руўхый хәм субъектив жақтан жүдә шеберлик, усталық пенен шөлкемлестириу хәм басқарыу қәбилетине, көнликпелестіриу тәжірийбесине ийе болыуы, тәлим-тәрбия процесинде методикалық билимлерди нәтийжели қоллай алыу қәбилети [3:43]. Усы көзқарастан технология бағдарында билим алып атырған талабаларға қәнигелик пәнлерди оқытыу мәселесин үйренип шығайық.

Не себеп технология бағдары талабаларына электротехника пәни оқытылады? - деген сорауға

жууап излейтуғын болсақ, оған жууап беріу үшін биз бириншиден төмендеги көрсеткишлерди келтирип өтейик:

- технология бағдарына киретуғын пәнлерди оқытыуда ең дәслеп жаслардың дөретиушилик искерлигин раўажландыру мәселеси жетекшилик етиуи;

- бүгинги күнде электр токин қолланбастан хеш бир технологиялық процесс орынланбайтуғынын билемиз.

Электротехника пәни усы электр токи менен байланыслы процесслерди, кубылысларды, олардың бойсынуу нызамлықларын, электр хәм магнит майданының тәсиринде жұмыс атқаратуғын әсбап-үскенелерди қарастырады, үйренеди хәм жетилистириу жолларын излейди. Сонлықтан, технология бағдарындағы электротехникалық пәнлерди оқытыу методикасында тийкарғы билим хәм көнликпелерди шахсты раўажландыруға, дөретиушилик искерликти өсириуге бағдарланған тәжірийбелер менен байытыу талап етиледи. Бунда, бүгинги педагогика тарауының ең заманагөй оқытыу усыллары хәм жаңа педагогикалық методларды қолланыу жақсы нәтийже беретуғынлығына гуман жок. Дөретиушилик пенен пикирлеу инсанда ойдың ушқырлығын, инсанның сыртқы орталықтың өзгерислерине бейимлесиушилигин, тапқырлығын, анық хәм дәл шешим қабыл етиу қәбилетлерин қәлиплестиреди, қарама-қарсылықларды шешиуге бағдарлайды, өзине тән жеке қәсийетлерге де ийе инсан болып жетилисиуине көмеклеседи.

Электротехника пәни методикасының тийкары дегенимизде, усы пәнди толық өзлестириу үшін хызмет ететуғын усыллар жыйнағын түсинемиз. Электротехника пәнин өзлестириу барысында хәр бир усылдың өз орны хәм қолланылуы өзгешеликери болады. Мысал үшін, үскене дүзилесин, жұмыс ислеу принциптерин түсиндириу үшін әсбаптарды демонстрациялау хәм тәжірийбе өткеріу усыллары қолланылады. Берилген пәннің өзгешелигин есапқа алатуғын методика оны эффектив қолланыу мәселесине толық жууап беріуи лазым.

Электротехниканы оқытыу методикасы басқа пәнлер менен тығыз байланыста хәм ғәрезлиликте болып, билимлендириу мәселелерин шешиуде билим алыушылардың пикирлеу искерлигиниң нызамлықларына, психологиялық өзгешеликтерине, билиуге деген умтылуы хәм қәбилети, қызығыушылығына ғәрезли болады. Соның менен бирге илим, техника хәм технологияның раўажланыуы менен бирге пәннің

өзгешелигин есапқа алатуғын арнаулы методиканы жетилистирип барыу талап етиледі.

Технология бағдарында электротехникалық пәнлерді оқытыуда төмендегі келтирилген оқытыу тийкарларын атап өтиу мүмкін:

Компетенцияға тийкарланған билим беріу. Бунда оқыушылардың ийелеген билим, көнликпе хэм укыпшылықтарын өзбетинше жеке, кәсіплик хэм социаллық хызметлеринде әмелий түрде пайдаланып билиу компетенцияларын раўажландырыуға негизленіп билим беріу өзгешелигі көзде тугылады. Хәзирги ўақытта жәхәнниң көпшилиқ раўажланған мәмлекетлеринде билимлендириу компетенциялыққа тийкарланып оқытыу негизги бағдар ретинда мәмлекетлик билимлендириу стандартларына енгизилген.

Билим алыушының өз бетинше искерлиги көп түрли болып, көбинше билим алыушы тәрәпинен орынланғаны менен, билим беріуши тәрәпинен шөлкемлестириледи хам қадағаланады. Билим беріушиниң өз бетинше искерликти раўажландырыуға байланыслы жумысларының ең тийкарғыларының бири оқыу тапсырмаларын шөлкемлестиріу мәселеси болады.

Усы бағдарда электротехника пәнин оқытыу процесин шөлкемлестиріу төмендегі бир қанша ўазыпаларды өз ишине қамтыйды:

- оқытыу процесин мақсетинен келип шығып билим көнликпелерин қәлиплестиріу, яғнай, билим алыушының миллий хэм жеке қәдириятларда өзгешелигі хэм имканиятларын есапқа алып шахсқа

Әдебиатлар

1. Ангеловский К. Учитель и инновации. Книга для учителя. – Москва: «Просвещение», 1991.
2. Йўлдашев Ж.Ф., Усманов С.А. Педагогик технология асослари. – Тошкент: РТМ. 2004.
3. Tolipov O., Ro'ziyeva D. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. -Toshkent. "Innovatsiya-ziyo". 2019.

РЕЗЮМЕ

Мақолада технология йўналиши талабаларига электротехника фанини ўқитиш усули кўриб чиқилган ва электротехника фани методикаси ўрганилиб, ўқитиш технологиялари ва билим бериш асослари таҳлил этилган. Электротехника дарсларини ўқитишда ҳар қандай ўқитиш технологияларидан фойдаланиш аҳамиятли эканлиги кўрсатилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассмотрены особенность преподавания электротехники студентам направления технологии и изучена методика преподавания электротехники, приведены технологии и основы обучения. Показана, важность использования любой обучающей технологии при изучении электротехники.

SUMMARY

This article discusses the peculiarity of teaching electrical engineering to students of the speciality of technology and studied the methodology of teaching electrical engineering, provides technologies and the basics of teaching. The importance of using and teaching technology is shown on the study of electrical engineering.

ПРОБЛЕМЫ ФОНЕТИЧЕСКОЙ ИНТЕРФЕРЕНЦИИ ПРИ ОБУЧЕНИИ АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ

Х.Е.Даўлетмуратова – ассистент преподаватель

Нукусский государственный педагогический институт имени Ажиязия

Таянч сузлар: интерференция, акцент, талафуз кўникмалари, лексемалар, фонемалар, она тили кўникмалари, фонетик интерференция, тиллараро ва тил ичидаги интерференция.

Ключевые слова: интерференция, акцент, произносительный навык, фонемы, навыки родного языка фонетическая интерференция, межъязыковую и внутриязыковую интерференция.

Key words: interference, accent, pronunciation skill, lexem, phonemes, native language skills, phonetic interference, interlanguage and intralanguage interference.

Английский язык – самый распространенный язык на земном шаре. Как известно, что много людей говорят на английском языке. И назвать их число трудно, но их однозначно больше чем один миллиард человек. Это 20% всего населения земли. Английский язык является родным языком 400 миллионов человек и официальным языком в более чем 60 странах. Если добавить к ним огромное количество людей, изучающих английский язык в качестве иностранного, вы поймете, что английский язык является сегодня главным языком мирового значения. Поэтому знание английского языка очень важно и в Республике Каракалпакстан его изучают с первого класса.

Явление интерференции в профессионально-ориентированной межкультурной коммуникации и переводческой деятельности приводит к различным ошибкам, то есть к акценту: фонетическим и фонологич-

еским нарушениям, неточностям, искажениям в речи и письме и срыву коммуникации. В этом и заключается

актуальность и значимость нашего исследования. Объектом исследования является интерференция на фонетическом уровне. Предметом исследования является фонетическая интерференция в речи учащихся, носителей каракалпакского языка, а целью нашей работы является изучение фонетической интерференции и пути ее преодоления у учащихся общеобразовательных школ в нашей республике.

Проблема интерференции достаточно сложна, так как еще не решена и не изучена окончательно. Большой интерес представляет собой природа этого явления, его психофизиологические основы и проявление интерференции при обучении иностранному языку.

Интерференция, от лат. «inter» – «между», «ferens» или «ferentis» – «несущий» – ухудшение сохранения

запоминаемого материала в результате воздействия другого материала, с которым оперирует субъект.

Первоначально интерференция употреблялась только в физике и означала взаимное усиление или ослабление волн при их наложении друг на друга. В настоящее же время она получила широкое распространение в психологии, лингвистике и методике преподавания неродного языка.

В психолингвистической и методической литературе термин «интерференция» употребляется специалистами неоднозначно: одни вкладывают в его содержание как положительное, так и отрицательное влияние родного языка, другие – только отрицательное влияние родного языка на изучаемый неродной. Такое разнообразие во мнениях объясняется сложностью и многоаспектностью самого явления, интерференции, сопровождающегося в процессе включения в действие механизма переключения кодов на различных этапах усвоения первого неродного языка – Я1, второго неродного – Я2. [<http://ru.wikipedia.org/wiki/Интерференция>]

Приведенные ниже ряд определений о термине интерференции группой лингвистов в литературе было трактовано следующим образом: например, для Ульриха Вайнрайха: интерференция – это «вторжение норм языковой системы в пределы другой» [3:64]. Для Баранниковой интерференция – это «изменение в структуре или элементах структуры одного языка под влиянием другого» [2:58]. Розенцвейг видит в интерференции «нарушение билингвом правил соотношения контактирующих языков, которые проявляются в его речи в отклонении от нормы» [7:80].

В определении Верещагина интерференция выглядит как «внутренний ненаблюдаемый процесс у билингва, который выражается в его речи и в «зримых отклонениях» от норм одного или более языков» [5:73]. В своих определениях Вафеева видит проявление интерференции в «давлении, вытеснении инородной системы из системы родного языка в момент их контактирования с постепенным ослаблением степени и качества давления, вытеснения» [4:89]. В своих исследованиях Багана объясняет интерференцию в двух смыслах: в широком значении и в узком значении. При широком подступе интерференция включает в себя все структурные преобразования, возникающие в результате языкового контакта языков. В узком смысле интерференция – это перенос норм родного языка на контактирующий язык в процессе устной коммуникации [1:42].

Применительно к нашей непосредственной ситуации к тому моменту, когда учащиеся начинают изучать иностранный язык, у них уже достаточно хорошо сформированы навыки родного языка, поэтому при изучении иностранного языка они часто переносят навыки родного языка на иностранный язык. Этот процесс и есть проявление интерференции, который подразделяется на межъязыковую и внутриязыковую интерференцию.

При межъязыковой интерференции происходит вторжение элементов структуры иностранного языка в пределы структуры иностранного языка. Межъязыковая интерференция может быть, как положительной, так и отрицательной. Очень важную роль играет положительный перенос навыков, сформированных в родном языке, на изучаемый иностранный. Внутри же изучаемого языка интерференция может быть в том случае, когда вновь изучаемое явление имеет некоторые внешние сходства с ранее усвоенными, но значительно отличается с ними в образовании и значении.

Рассматривая вопрос о психологической природе навыков, и определяя навык как единство устойчивости и изменчивости, фиксированности и стабильности можно наиболее полно охарактеризовать сложную пси-

хофизиологическую природу навыка как динамический стереотип, а также способность навыка к переносу.

Первые шаги в овладении иноязычной речью учащийся делает, опираясь на родной язык, связывая новые лексемы или фонемы не с объектами действительности, а со словами или звуками родного языка. На начальном этапе обучения создается так называемый субординативный тип билингвизма. И лишь позже, на более высоком уровне владения языком начинает складываться координативный билингвизм с двумя понятийными базами, каждая из которых связана с одним языком.

Необходимость создания этого механизма при обучении иностранному языку объясняется тем, что под влиянием среды родного языка притупляются не только произносительные навыки в иностранном языке, но и слуховые представления, что создает своеобразную замкнутую двустороннюю связь этих аспектов, так называемые слухо-произносительные автоматизмы, которые не осознаются говорящим при пользовании родным языком.

Слух билингвального говорящего настроен на волну родного языка, то есть, при изучении иностранного языка ученик, улавливая в звуках двух языков лишь общее, отбрасывает то, что отличает их друг от друга. Таким образом, постепенно усиливается акцент в иностранном языке. Проявление иноязычного акцента не носит случайного характера. Этого можно избежать, если сознательно использовать опору на родной язык. При этом не достаточно простого подражания звуковых систем родного и иностранного языков при сознательном отталивании от родного.

Трудно понять язык, если нарушаются его фонетические нормы, а фонетически правильную речь не поймет человек с отсутствием фонетических навыков. Таким образом, автоматизированные слухо-произносительные навыки составляют основу развития всех видов речевой деятельности. Поэтому, уже на начальном этапе изучения иностранного языка необходимо прививать формирование фонетических навыков. Как же проявляется интерференция на фонетическом уровне?

Существует много видов фонетической интерференции, например:

- Палатализация английских согласных перед гласными переднего ряда;
- Веляризация английских согласных перед гласными заднего ряда;
- Неуместное озвончение или оглушение согласных звуков в речи;
- Сокращение или увеличение количества слогов в слове и т.д.

С этим связана замена английских гласных переднего ряда [i:], [i] каракалпакским [i]. Произнесение английских глухих согласных без аспирации – придыхания. Замечено, что когда какая-либо фонетическая или фонологическая особенность в языке отсутствует, учащиеся вообще не обращают никакого внимания на это явление.

Стабильность английских гласных заменяется скользкостью артикуляцией каракалпакских гласных. При артикуляции английских дифтонгов, составляющие их компоненты произносятся раздельно или как монофтонг – из-за отсутствия дифтонгов в каракалпакском языке.

В каракалпакском языке отмечается наличие дифтонгов, однако они лишены как фонетических, так и фонологических признаков, то есть они не способны участвовать в организации слогов или делении слова на слоги, т.е. не обладают теми дифференциальными признаками, которыми обладают гласные звуки в каракалпакском языке или дифтонги в английском языке [6].

Отсутствующие английские фонемы заменяются «сходными» каракалпакскими фонемами:

1. [h] – каракалпакским [h] или [qh] *have, head* – каракалпакское *хэм* - [h'æm], хабар - [h'abar], хат - [h'at]

2. английское /r/ [r] каракалпакским [r] *rule* [rul] → *руў* [r'uw]

3. английское [ʃ] произносится как каракалпакское [ʃ] – *shopan* – [ʃɔpɒn]

Если произношение учащегося неправильное, носитель языка сможет его понять, но общение будет затруднено. Поэтому, обучая иноязычному произношению, следует работать одновременно над тем, чтобы прививать и автоматизировать произносительные навыки и учить пониманию иноязычной речи на слух. Наиболее трудные звуки английского языка имеют свою специфику, и при их «введении» следует проводить очень тщательную работу. Решающим фактором в создании произносительных навыков являются фонетические упражнения, такие как, например:

1. Упражнения на восприятие нового звука на слух: в речевом образце в речи учителя, затем в записи в отдельном слове, и изолированно;

2. Упражнения на воспроизведение фонетического явления;

3. воспроизведение отдельными учащимися и исполнение учителем возможных ошибок; – хоровое воспроизведение вместе с учителем и самостоятельно;

4. Тренировочные упражнения. Сюда относятся считалки, рифмовки, песенки, лимерики – частушки, идиомы, пословицы и поговорки.

При постановке произношения звуков и при обучении интонации надо применять аналитико-имитативный метод, объединяющий описание артикуляции звуков с наглядным показом в произношении их диктором или учителем и с последующим воспроизведением этих звуков учащимися.

Литература

1. Багана Ж. Контактная лингвистика: Взаимодействие языков и билингвизм; монография. / Багана Ж., Е.В.Хапилина. -М.: Флинта «Наука», 2010, -С. 128.
2. Баранникова Л.И. Сущность интерференции и специфика ее проявления. Проблема двуязычия и многоязычия. – М.: 1972.
3. Вайнрайх У. Языковые контакты: состояние и проблемы исследования / пер. с англ. и коммент. Ю.А.Жлуктенко. -Киев: «Вища школа», 1979. –С. 263.
4. Вафеев Р.А. Учёт особенностей родного языка при обучении иностранному в условиях продуктивного билингвизма. – Душанбе: 1988, -С. 151.
эришилмоқда; Европанинг энг яхши университетларида ишлаб чиқилган дастурлар бўйича амалга ошириладиган, сифатли, масофавий ва очик таълим тизими ривожлантирилмоқда” [1].

Юқоридаги жиҳатлар Ўзбекистонда ривожланган мамлакатлар узлуксиз таълимидаги инновациялар, таълимни бошқариш, олий таълим талабаларининг касбий тайёргарлигига доир қарашлар, амалий фаолиятни ўрганиш заруратини туғдирадики, мазкур муаммо монографик характердаги тадқиқотларга замин яратади. Жумладан, таълим-тарбияга ёндашув бўйича Англияда малака оширган А.Исимованинг кузатишларида мамлакат узлуксиз таълим босқичлари ўртасида тажриба алмашиш, сифатли билим беришнинг оптимал усулларини қўллаш масалаларига урғу қаратилган бўлиб, бўлажак педагог мутахассисларни тайёрлаш масаласи куйидагича ҳал қилинганлиги ёритилган:

– педагогик йўналишдаги институт ёки университетларга кириб ўқиш учун камида 3 ойлик педагогик стаж бўлиши шартлиги;

– ўқишнинг 1 курсидан бошлаб, маълум вақт мобайнида талабадан педагогик амалиёт ўташ талаб этилиши;

– бакалаврлик даражасини олиш учун 3 курснинг охирида 3 йиллик педагогик фаолиятдан келиб чиқиб, илмий диссертация ёзиши кераклиги [1].

Англия олий таълимига қабул ҳамда ўқиш масалаларини тахлил қилганимизда Ўзбекистон таълим тизимида бу борада самарали ёндашувларни кузатамиз. Жумладан, олий таълимга талабаларга ёки ўқитувчиликка махсус касб тайёргарлиги дипломига эга бўлгандан сўнг қабул қилинади. Педагогика олий таълим муассасаларида талабаларнинг амалиёти илгарилари, асосан, 4-курсда ташкил этилган бўлса, ҳозирги кунга келиб 1-курсдан бошлаб йўлга қўйилган. Бунда ҳар бир ўқув йилида мутахассислиги доирасида муайян соатлар тақсимланган. Битирув малакавий ишларини ёзиш масаласида ҳар икки давлат бакалаврларида муштарак имкониятлар мавжудлиги кузатилади.

Эътиборли жиҳати шундаки, Англияда мактаб ва олий ўқув юртлари ўртасидаги ҳамкорлик таълим олувчиларнинг билим даражасини аниқлаш ва касбга йўналтириш борасидаги амалий ишларда яққол акс этади. Масалан, 12-синфни тугатаётган ўқувчилар учун мактабни битиришга 6 ой қолганида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан суҳбатлар ташкил этилади, касб танлашга доир зарур тавсиялар берилади. Махсус учрашувлар ва имтиҳонлар ўтказилади [2].

Германия давлатининг мактаб таълими тажрибалари ўрганилган М.Э.Мусаеванинг изланишларида мамлакат таълим тизимида, асосан, узлуксизлик ва узвийлик масаласига алоҳида эътибор қаратилиши ўз аксини топган. Кузатишларимизда Германия таълим тизимининг муҳим жиҳатларидан бири сифатида сиртки таълимнинг ташкил этилиши эътиборимизни тортди. Сиртки таълим масофавий тарзда йўлга қўйилган бўлиб, бу қонун билан белгиланган. Таълим сифати давлат томонидан қатъий тартиб асосида мунтазам тахлил қилиб борилади. Курс мазмуни,

материалларнинг сифати ва ёш хусусиятларига мослиги доимий назорат қилинади.

Германия сиртки таълимига хос қуйидаги шакллар мавжуд:

- ўқув дафтари ёрдамида сиртки таълим;
- электрон дарслик ёрдамидаги (CDROM) таълим;
- интернет орқали таълим олиш;
- тьютер кўмагида сиртки таълим;
- уйда таълим олиш;
- иш жойида таълим олиш ва ҳ.к.

Юқорида келтирилган айрим таълим шакллари республикамиз олий таълимида ҳам мавжуд. Бунда фарқли жиҳатлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

Ўқув дафтари ёрдамида таълим олиш.

Таълимнинг мазкур шакли олий таълим муассасаси томонидан алоҳида тайёрланган ўқув дафтари асосида ташкил этилади. Махсус тошириқлар (матн, мисол, машқ) ҳамда якуний назорат ишлари акс этган дафтарлар талабаларга юборилади. Фан мазмунидан келиб чиққан ҳолда битта курс учун бир неча дафтарлар жорий қилинади. Бажарилган ишларда талабаларнинг мустақил ва ижодий ёндашуви сезилиб туриши муҳим саналади. Иш вазифага масъул шахс – тьютер томонидан текширилиб натижаси тингловчига жўнатилади. Тингловчи натижалар асосида таълимни давом эттиради.

Тьютер кўмагидаги таълим. Сўнгги пайтларда интерфаол машғулотларни икки ёки ундан ортиқ ўқитувчи ва ёрдамчи билан биргаликда ташкил этиш долзарблик касб этмоқда. Уларнинг номи бажарадиган вазифаларига кўра фарқланади. Масалан, таълим мазмунини яратувчи, тегишли модуларни ишлаб чиқувчи шахсга нисбатан модератор, масофадан ўқитиш дастурларини яратувчи ва бажарилишини таъминловчига эса тьютер атамалари қўлланилади.

Устоз, мураббий вазифасини бажарувчи тьютер (инглизча *tutorem* [5]) маъруза ўқитувчиси билан тингловчи орасидаги кўприк вазифасини бажаради. Тьютер талабага маърузачи томонидан берилган билимларни ўзлаштиришда маслаҳатчи саналади.

Хориж тажрибаларидаги фасилататорлик, эдвайзерлик ёки супервайзерлик фаолиятини мамлакатимиз олий таълимига жорий этиш талабаларни илмий ижодга йўналтиришдаги индивидуал ёндашув ҳисобланади. Бундай таълим шакллари қўллаш талабада илмий иш асослари юзасидан илк тасаввурларни уйғотиш, тадқиқотчилик кўникмаларини босқичма-босқич ривожлантириб бориш, мустақил ўқиш-ўрганиш, кичик тадқиқотларга йўллашга замин яратади. Масалан, эдвайзерлик фаолиятини олайлик.

Мустақил тайёрланадиган курс лойиҳаси ёки битирув малакавий ишларини бажаришда **эдвайзер** (*advisor*) – *fransuzcha* “avisen” “o‘ylamoq” [5]) талабага маслаҳатчи сифатида тадқиқот ишининг моҳиятини амалий ва назарий жиҳатдан тушуниб етишига, изланиш олиб бораётган мавзу юзасидан илмий билишнинг қайси усулларидан фойдаланиш зарурлиги юзасидан йўл-йўриқлар кўрсатади. Тадқиқот объектига доир илмий далиллар тўплаш, назарий ва амалий ҳулосаларга келишга йўналтиради.

Фасилататор (инглизча *facilitator*, лотинча *facilis* – енгил, қулай [5]) гуруҳларнинг фаолияти натижасини баҳолаш, уларни бирор илмий муаммонинг ечимини топишга йўналтириш, гуруҳ аъзолари ўртасидаги мулоқотни фаоллаштириш вазифаларини бажаради. Фасилататорликнинг ўзига хослиги шундаки, у жараёнга жавоб бермайди, ҳулоса чиқармайди, балки дарс самарадорлигини ошириш мақсадида гуруҳлар ишини ташкил этади. Машғулот регламентини белгилайди, қулай шароит ва соғлом муҳит яратади.

Тадқиқотчи М.Абиджанованинг фикрича “Агар жараёни фасилататор бошқарса, гуруҳга янада самарали бўлган фасилитацияни тақдим этади. Бунда гуруҳ аъзолари ўзлари муҳокама ва қарорлар қабул қилиш жараёнини олиб боришади, фасилататор эса фақат коррекциялаб, яъни муаммони тез ва конструктив ечиш йўлларини ажратиб туради”[3].

Супервайзер – (инглизча *supervisor* – кузатув, назорат [5]) бирор иш ёки фаолиятни бошқарадиган шахс. Турли соҳаларда фаолият кўрсатувчи маъмурий лавозим. Ходимларга иш бўйича йўл-йўриқ кўрсатиш ёки буйруқ бериш, иш коэффицентини ошириш ва ходимлар учун масъуллиқ супервайзернинг вазифаларидан ҳисобланади. Таълим жараёнида бу атама тадқиқот олиб бораётган докторант (аспирант)нинг ишига илмий раҳбарлик қиладиган шахсга нисбатан ишлатилади.

Интернет орқали таълим. Вазифаларни интернет орқали олган талабалар белгиланган ишларни бажариб марказга юборади.

Ўзбекистонда сиртки ёки кечки таълим фаолиятини такомиллаштиришда Германия тажрибасининг қуйидаги шаклларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: ўқув дарсликларининг муқобилларини яратиш. Бу дарсликлар мазмунини замон талаблари асосида ислоҳ қилиш баробарида муаллифлар ўртасидаги соғлом рақобатни юзага келтиради;

интернет тизимида талабалар билан тўғридан-тўғри мулоқотларни, баҳс-мунозараларни ташкиллаштириш; кўрик-танловларни таълим йўналиши доирасида профессор-ўқитувчилар ва талабалар ҳамкорлигида онлине ўтказиш;

электрон дарсликлар, мультимедиа материалларини интернет сайтларига жойлаштириш ва ҳ.к.

Германия олий таълимида “илм-фан ва таълим бирлиги” тамойили асосида иш кўрилади. Мазкур тамойил Университет таълимининг реформатори Вильгельм фон Гумбольдт томонидан жорий қилинган. Унга кўра, ўқитувчилар ҳам, талабалар ҳам илмий тадқиқот ишларига йўналтирилади. Тезкор ривожланиш бугунги кунга келиб мазкур қарашга ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Эндиликда Германияда таълим олувчиларнинг тўғри касб танлашлари ва амалий кўникмаларини чуқурлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса мамлакатда “олий махсус мактаблар” (*Fachhochschulen*) фаолиятининг оммалашшига олиб келди. Бундай мактабларда ўқиш муддати камлиги, ўқув дастурлари университетларга қараганда амалиётга яқинлиги билан фарқланади [4].

Муҳим жиҳати шундаки, Германияда олий ўқув юртлирига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади. Бу эса абитуриентга мактаб ёки гимназияда битирув имтиҳонларига пухта тайёргарлик кўриш масъулиятини юклайди. Мактаб аттестатининг ҳал қилувчи ўртача бали нуфузли мутахассисликлар бўйича ўқишга киришни етарли даражада қафолатлайди. Бундан кўринадики, Германияда таълим босқичлари ўртасидаги узвийлик ва узлуксиз мустаҳкам ва ягона мақсад асосига қурилган.

Ҳулоса сифатида айтиш жоизки, ривожланган мамлакатлар таълим тизимидаги илғор ёндашувларни миллий таълим тараққиётига давр талаблари асосида уйғунлаштириш ўқув-тарбия ишларини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, педагог кадрлар малакасини ошириш, ўқув дастурлари мазмунини такомиллаштириш, таълим тизимининг моддий-техник базасини модернизациялашни тақозо этади. Бу эса мамлакатимизнинг дунё цивилизациясига интеграциялашувини таъминлашга, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ҳамда хорижлик етук мутахассислар билан рақобатлаша оладиган малакали кадрлар тайёрлаш ва уларнинг илмий салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Abidjanova M. Pedagogik fasilitatsiya asosida o'quvchilarning faoliyatini tashkil etishning imkoniyatlari. // "Xalq ta'limi". – Toshkent: 2017. № 2. 16–19-b.
2. Исимова А. Англия ва биздаги таълим тизими // Uzluksiz ta'lim. –Тошкент: 2002. № 3. 104–108-б.
3. Мусаева М.Э. Германия таълим тизимида фанларро боғлашнинг узвийлиги. // "Uzluksiz ta'lim". –Тошкент: 2011. № 3. 107–111-б.
4. Studying in Germany. A Practical Guide for International Students. DAAD, 2014. – P. 6.
5. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Тьютер>.: <https://en.wikipedia.org/wiki/Adviser>.: <https://ru.wikipedia.org/wiki/фасилатор>.: <https://ru.wikipedia.org/wiki/Супервайзер>. Материал из Википедии – свободной энциклопедии.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ривожланган мамлакатлар олий таълими тажрибаларининг илғор жиҳатлари қиёсий таҳлилга тортилиб, мамлакатимиз таълим тизимига интеграцияси масалалари ўз ифодасини топган. Шунингдек, талабаларнинг мустақил ижодий ишларини ташкил этишда тьютер, эдвайзер, фасилататор ҳамда супервайзерлик фаолияти мазмуни таҳлилга тортилади.

РЕЗЮМЕ

В статье предлагается сравнительный анализ лучших опытов высшего образования развитых стран и отражены вопросы интеграции в систему образования нашей страны. Также анализируется деятельность студентов, консультантов, фасилитаторов и супервайзеров по организации самостоятельной творческой работы студентов.

SUMMARY

The article provides a comparative analysis of the best practices of higher education in developed countries and reflects the issues of integration into the education system of our country. It also analyzes the activities of students, advisors, facilitators and supervisors in the organization of independent creative work of students.

МУЗЫКАЛЬНОЕ ИСКУССТВО – КАК ДЕЙСТВЕННОЕ СРЕДСТВО МУЗЫКАЛЬНО - ЭСТЕТИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ

С.Сайтбекова – кандидат педагогических наук, доцент

Т.Сапарбаева – старший преподаватель

Нукусский государственный педагогический институт имени Ажинияза

Таянч сўзлар: мусикий-эстетик тарбия, мусика дарси, мусикий таълим, хиссий кайфият, хор ижроси.

Ключевые слова: музыкально-эстетическое воспитание, урок музыки, музыкальное образование, эмоциональный настрой, хоровое пение.

Key words: musical and aesthetic education, music lesson, music education, emotional mood, choral singing.

Успех музыкально-эстетического воспитания в общеобразовательных школах в значительной степени зависит от уровня и качества организации этих уроков в начальных классах, где закладывается главный и прочный фундамент в этой области. Положительные результаты достигаются только в том случае, когда начальное музыкальное образование в общеобразовательных школах будет окружено вниманием и заботой не только учителя, но и всем педагогическим коллективом, ученическими организациями, руководством школы. Возросшие требования к эстетическому воспитанию школьников в связи с современными задачами воспитания требуют от учителей музыки максимального усиления воспитательных функций [1:63]. Наиболее активным и кратчайшим путем, ведущим к повышению воспитательной эффективности уроков музыки, является безусловное господство эмоционального начала, т.е. создания творческой атмосферы эмоциональной заинтересованности учащихся в работе над освоением хоровых произведений, привлечение внимания к этим вопросам широкой педагогической общественности. Следует ясно отдавать себе отчет в том, что без вызова эстетических эмоций у учащихся и без постоянной опоры на эти эмоции в процессе работы на занятиях музыкальной культуры, невозможно придать обучению хоровому пению эстетически воспитывающий характер. А, следовательно, предмет не будет достигать своих целей, не сможет занять своего достойного места в общей системе эстетического воспитания подрастающего поколения. Мы полагаем, что главным и важнейшим средством музыкально-эстетического воспитания школьников в условиях общеобразовательной школы было и остаётся хоровое пение, несмотря на имеющиеся данные о малой эффективности этого вида деятельности в целом ряде случаев [2:79].

Слабая результативность хорового пения в области музыкально-эстетического воспитания учащихся на уроках музыки связана прежде всего с отсутствием интереса к этому виду музыкальной деятельности у большинства учащихся, что в свою очередь, зависит от ряда причин, главной из которых является невнимание работающих учителей музыки к вопросу развития интереса и любви к хоровому исполнительству у своих учеников.

Важнейшим условием успешности решения учебно-воспитательных задач музыкальной работы в условиях классного урока музыкальной культуры должно быть воспитание любви и интереса к хоровому исполнительству у учащихся. Для этого необходимо музыкальную работу в классе строить по форме и содержанию хорового пения как искусства [4:89-93].

В школьной практике музыкальное искусство является действенным средством обучения, просвещения, образования и воспитания. На сегодняшний день перед музыкальным обучением поставлены следующие задачи:

1) Через элементарные знания, умения и навыки развивать способности к многостороннему и глубокому эстетическому восприятию, интенсифицировать процесс духовного становления личности;

2) Выработать идейные и нравственные убеждения обучающихся, целенаправленно выделить в процессе музыкального обучения идейно-нравственное содержание;

3) На уроках музыки обучающиеся не только знакомятся с музыкальной культурой, но также, размышляя, узнают жизнь через музыку, встречаются с жизненными образами, воплощенными средствами музыки, обладающими определенными нравственно-эстетическими свойствами [4:89-93]. Урок музыки в школе – это урок искусства. Главным «инструментом», т.е. средством овладения этим искусством является коллективное пение – хор. «Хором называется, по определению профессора Ф.Н.Халилова, такой коллектив, который в достаточной мере владеет техническими и художественно – выразительными средствами исполнения, необходимыми для того, чтобы передать те мысли и чувства, то идейное содержание, которое заложено в произведении». Изучение уровня преподавания хорового пения в условиях классного урока музыки в общеобразовательных школах показало, что в целом ряде случаев эти занятия не отвечают необходимым требованиям. В ряде случаев на уроках музыки дети немного поют, слушают музыку и понемногу изучают правила музыкальной грамоты, нередко весьма расплывчато представляя себе смысл этой работы [5:18-26].

Далеко не всегда школа может продемонстрировать красивое, грамотное и выразительное пение классных хоров, а ведь оно является критерием уровня музыкально-эстетического развития учащихся данного класса. Подобное положение во многом связано с недостатками предметной методики, которая слабо раскрывает конкретную организационную направленность урока музыки, не ориентирует учителя на создание классного хорового коллектива.

Воспитательные возможности хорового пения огромны и успешное использование их в эстетическом воспитании школьников является важнейшей задачей учителей музыкальной культуры. Узбекская народная музыка, произведения узбекских, зарубежных авторов, а также других стран, включенные в программу уроков музыки в начальных классах, по всем своим компонентам (доступности, содержанию, идейно-эстетической ценности) являются огромным и действенным источником эстетического воспитания младших школьников. Только при условии систематической и целенаправленной работы в процессе уроков музыки можно пробудить у учащихся интерес и желание заниматься ею, общаться с ней.

Воспитание у учащихся интереса к музыке, общение с ней – процесс сложный, и успех его зависит от того, если педагог:

- учитывает общий и музыкальный уровень, интерес и склонности, психологические особенности как класса в целом, так и каждого учащегося в отдельности;
- создаёт в классе непринужденную, радостную,

Литература

1. Закон Республики Узбекистан «Об образовании» Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана. -Т.: «Шарк», 1997. –С. 63.
2. Ветлугина Н.А Музыкальное развитие ребёнка. -М.: 1993. –С. 79.
3. Зимина А.Н. Основы музыкального воспитания и развития детей младшего школьного возраста. -М.: 2000.
4. Безбородова Л.А Дирижирование. -М.: 1990. –С. 89-93.
5. Халилов Ф.Н Дидактические основы инструментально- исполнительской подготовки будущих учителей музыки (уч.пособие) . -Т.: 2003. –С. 18-26.

Ушбу мақолада умумтаълим мактабларида синф дарсларида мусика фанида хор қўшиқлари ўргатиш орқали бошланғич синф ўқувчиларига мусикий ва эстетик тарбия бериш масалалари муҳокама қилинади.

В данной статье рассматриваются вопросы музыкально-эстетического воспитания учащихся начальных классов, путём преподавания хорового пения в условиях классного урока музыки в общеобразовательных школах.

This article discusses the issues of musical and aesthetic education of primary school students, by teaching choral singing in a music lesson in secondary schools.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

SUMMARY

CHO'QMOR BILAN BAJARILADIGAN ULOQTIRISH VA ILIB OLISH MASHQLARINI O'RGATISH

M.A.Yusupova – o'qituvchi

O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti

Tayanch so'zlari: jismoniy tayyorgarlik, maxsus jismoniy tayyorgarlik, texnik tayyorgarlik, majmua, nazorat sinovlari.

Ключевые слова: физическая подготовка, специальная физическая подготовка, техническая подготовка, комплекс, экзамены.

Key words: physical training, special physical training, technical training, complex, exams.

Mavzuning dolzarbligi. Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyevning 2017 yil 3 iyundagi PQ-3031-sonli “Jismoniy tarbiya va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi qarori asosida jamiyatimizda sog'lom turmush tarzini shakllantirish, aholini, ayniqsa, yosh avlodning jismoniy tarbiya va ommaviy sport bilan munzamat shug'illanishi uchun zamon talablariga mos shart sharoitlar yaratish, sog'lom avlodni kamol toptirish, ta'lim tarbiya berishni asta-sekin muvaffaqiyatli amalga oshirish, jamiyatni rivojlantirishda muhim ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy vazifalardan biri bo'lib xizmat qiladi [1].

Badiiy gimnastika bilan shug'ullanish davomida yosh qizlarni gimnastika sohasiga oid mashqlarni, jumladan,

творческую атмосферу;

- в процессе всего занятия опирается на самостоятельность, активность сознательность учащихся, предоставляет им возможность свободно высказываться выражать свои отношения, давать оценку и т.д.;

-конкретно представляет себе цель и задачи каждого урока, и в достижении поставленной цели применяет самые действенные методы обучения и воспитания, широко использует накопленный в этой области передовой опыт, старается, чтобы каждый урок был увлекательным, интересным и содержательным. Повседневная практика убеждает нас в том, что понимание и осознание учащимися музыкального языка, т.е. средств музыкальной выразительности, в большей степени обеспечивает эмоционально-эстетическое восприятие и понимание самого музыкального произведения, и, что понимание произведения через анализ вполне доступно школьникам начальных классов. Следовательно, раскрытие специфики музыкального искусства, обучение школьников навыкам посильного анализа выразительных средств музыки, знакомство с новыми средствами музыкальной выразительности должно осуществляться с первых музыкальных занятий и расширяться, углубляться на всём протяжении музыкально-эстетического воспитания.

Личность педагога, его культурный, профессиональный и педагогический уровень – один из важных факторов, способствующих формированию у учащихся интереса к урокам музыки и положительного отношения к ней.

gimnastikada keng qo'llaniladigan buyumlar bilan bajariladigan mashqlarni bajarishni boshlang'ich o'rgatish muhim ahamiyat kasb etadi. Ushbu o'rinda bunday mashqlarni bajarish jarayoni, tezligi va boshqa siru sinoatlarini bajarish malaka va ko'nikmalarini mukammal o'zlashtirish usullarini ishlab chiqish, har tomonlama o'rganish va tajribada sinovdan o'tkazish hamda ular asosida yosh avlodni tarbiyalashni tashkil qilish, bugungi kun talabi hisoblanadi. Yuqorida bayon etilgan fikr – mulohazalar tanlangan mavzuning dolzarbligidan dalolat beradi [2].

Tadqiqotning maqsadi: yosh qizlarni badiiy gimnastika mashg'ulotlarida cho'qmor bilan bajariladigan ulotqirib va ilib olish mashqlarini o'rgatish

Tadqiqotning vazifasi: yosh gimnastikachilarning cho'qmor bilan bajariladigan uloqtirib va ilib olish mashqlarining rivojlanish darajasiga ta'siri samaradorligini tajriba yo'li bilan aniqlash.

Tadqiqot natijalari va ularning muhokamasi. Tadqiqotlarda test o'tkazishning o'ziga xos usulidan birinchi marta foydalanildi. Bu usul yosh sportchilarning badiiy gimnastika uchun xos bo'lgan cho'qmor bilan

harakat qobiliyatlarini aniqlash imkoniyatini berdi. Bunday qobiliyatlar asosida ularning buyum bilan mashqlarni bajarish texnik mahoratini takomillashtirishni bashorat qilishni amalga oshirish mumkin bo'ladi. Taklif etilayotgan testlar faqatgina yosh gimnastikachilarda emas, balki yuksak mahoratli sportchi qizlarda ham buyumlar bilan ishlashni rivojlantirish darajasini adekvat aks ettiradilar.

1 - jadval

Tajriba va nazorat guruhlarida badiiy gimnastikachilarni cho'qmor bilan bajariladigan nazorat mashqlari bo'yicha natijalarini o'zaro solishtirish

Mashq nomi	Tajriba guruhi						Nazorat guruhi					
	Tajriba boshida		Tajriba oxirida		t _{st}	P	Tajriba boshida		Tajriba oxirida		t _{st}	P
	X	σ	X	σ			X	σ	X	σ		
cho'qmorlarni yuqoriga otish va harakatlanib ilib olish	7,23	0,61	9,27	0,57	5,93	< 0,001	7,53	0,69	7,96	0,89	1,71	> 0,05
cho'qmorlarni qo'llarda charxpalak usulida aylantirish	6,76	0,70	9,27	0,64	5,79	< 0,001	6,79	0,76	7,18	0,89	1,82	> 0,05
cho'qmorlarni bir qo'ldan boshqa qo'lga olish	6,96	0,35	9,01	0,68	6,52	< 0,001	6,99	0,42	7,2	0,86	1,65	> 0,05
cho'qmorni yuqoriga otib o'zi uch marta aylanib ilib olish	7,17	0,68	9,13	0,58	5,45	< 0,001	7,22	0,76	7,47	0,68	1,69	> 0,05
cho'qmorlar bilan to'liqsimon harakatlar bajarish	6,77	0,59	9,22	0,55	6,66	< 0,001	6,82	0,63	7,23	0,99	1,93	> 0,05
jami	34,88	1,34	45,89	1,07	6,69	< 0,001	35,35	1,49	37,03	2,49	1,49	> 0,05

1-jadvalda nazorat va tajriba guruxini cho'qmor bilan bajariladigan mashqlarni tajriba boshida va tajriba oxiridagi natijalarni solishtiradigan bo'lsak, tajriba guruxi nazorat guruxinikiga nisbatan ko'rsatkichlarini yuqori ekanligini ko'rishimish mumkin. Bunda tajriba guruxida cho'qmorlarni yuqoriga otish va harakatlanib ilib olish mashqida

t_{st} 5,93 ni ko'rsatdi R-< 0,001, nazorat guruxida t_{st} 1,71 ko'rsatdi R-< 0,05, cho'qmorlarni qo'llarda charxpalak usulida aylantirishda tajriba guruxi t_{st} 5,79 natijani ko'rsatdi, nazorat guruxi t_{st} 1,82 ko'rsatdi R-< 0,05. Cho'qmorlarni bir qo'ldan boshqa qo'lga olish tajriba guruxida t_{st} 6,52 ko'rsatdi R-< 0,001, nazorat guruxida t_{st} 1,65 ko'rsatdi R-< 0,05. Cho'qmorlar bilan to'liqsimon harakatlar bajarish tajriba t_{st} 6,66 ni ko'rsatdi R-< 0,001, nazorat guruxi t_{st} 1,93 ni ko'rsatdi R-< 0,05 natijani ko'rsatdi. Bundan kelib xulosa qiladigan bo'lsak tajriba guruxiga berilgan mashqlar, ularni davomiyliigi va oldinga qo'yilga maqsadga erishildi. Natija o'sdi. Berilgan mashqlar, metodlar o'z samarasini berdi.

2-jadval

Pedagogik tajriba yakunida nazorat va tajriba guruhlarida badiiy gimnastikachilarning cho'qmor bilan bajariladigan nazorat mashqlari bo'yicha natijalarini o'zaro solishtirish (ballarda)

Mashq nomi	Nazorat guruhi			Tajriba guruhi			t _{st}	P
	X	σ	V, %	X	σ	V, %		
cho'qmorlarni yuqoriga otish va harakatlanib ilib olish	7,96	0,99	11,79	9,27	0,57	6,16	3,46	< 0,01
cho'qmorlarni qo'llarda charxpalak usulida aylantirish	7,18	0,89	12,51	9,27	0,64	6,86	4,56	< 0,01
cho'qmorlarni bir qo'ldan boshqa qo'lga olish	7,2	0,86	11,90	9,01	0,68	7,51	4,27	< 0,001
cho'qmorni yuqoriga otib o'zi uch marta aylanib ilib olish	7,47	0,68	9,13	9,13	0,58	6,34	5,00	< 0,01
cho'qmorlar bilan to'liqsimon harakatlar bajarish	7,23	0,96	13,8	9,22	0,55	5,99	4,42	< 0,01
Jami	37,03	2,49	6,12	45,89	1,07	2,33	3,81	< 0,001

Pedagogik tajriba boshida va yakunida tajriba guruxi badiiy gimnastikachi qizlarini cho'qmor bilan bajariladigan nazorat mashqlari bo'yicha natijalarini o'zaro solishtirish barcha o'rganilgan mashqlar bo'yicha statistik ishonchli farqlar (Student taqsimotining kritik mezoni nazariy qiymati t_{st} > 3,81 va demak R < 0,001) mavjudligini ko'rsatadi.

SHunday qilib, cho'qmor bilan bajariladigan mashqlarni bajarishni o'rgatishning taklif etilayotgan usuli statistik ishonchli o'zgarishlarga olib keldi va demak uni gimnastikachilarning buyumlar bilan bajariladigan mashqlarda qo'llash yaxshi samaralarga olib keladi.

3-jadval.

Student taqsimoti qonunining t_{st}-kritik nuqtalari

Erkinlik darajalari soni $\nu = n_1 + n_2 - 2$	Ahamiyatlilik darajasi R						
	0,8	0,5	0,2	0,1	0,05	0,01	0,001
22	0,26	0,71	1,32	1,72	2,07	2,82	3,79

Tajriba va nazorat guruhlarida badiiy gimnastikachilarni chaqqonlik jismoniy tayyorgarligi bo'yicha statistik natijalarini o'zaro solishtirish

Mashq nomi	Tajriba guruhi				Nazorat guruhi			
	Tajriba boshida	Tajriba oxirida	t_{st}	P	Tajriba boshida	Tajriba oxirida	t_{st}	P
	$\bar{X} \pm \sigma$	$\bar{X} \pm \sigma$			$\bar{X} \pm \sigma$	$\bar{X} \pm \sigma$		
Chaqqonlik	7,51±1,47	9,41±1,25	2,48	<0,05	7,58±1,73	8,17±1,31	1,23	>0,005

Badiiy gimnastika bilan shug'ullanuvchi qizlarni nazorat va tajriba guruxidagilarni chaqqonlik jismoniy sifatini kay darajada ekanligini maxsus mashqlar yordamida sinovdan o'tkadi. 4-jadvalda bu jismoniy ko'rsatkichini tajriba boshida va tajriba oxiri natijalarini solishtirib ko'rsatilgan. Tajriba boshida har ikkala guruxda natija deyarli farqi yo'q. Tajriba guruxi tajriba boshida $\bar{X} \pm \sigma$ 7,51±1,47, nazorat guruxida tajriba boshida $\bar{X} \pm \sigma$ 7,58±1,73 natijani ko'rsatdi, xatto shuni ko'rishimiz mumkinki tajriba guruxiga nisbatan nazorat guruxini natijalari biroz yuqori ekanligini ko'rishimiz mumkin. Tajriba oxirida tajriba guruxida natija sezilarli darajada ko'tarilgan t_{st} 2,48, $P < 0,05$ ko'rsatdi, nazorat guruxi natijalari ham biroz o'sgan t_{st} 1,23, $P > 0,005$ natijani ko'rsatdi. Bundan ko'rinib turibdiki yuqori berilgan mashqlar sportchilarni chaqqonlik sifatini ham o'sishiga yordam bergan

XULOQA. Mavjud ilmiy – uslubiy adabiyotlarda chop

Adabiyotlar

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-3031-сонли қарори.
2. Viner-Usmanova I.A., Kryuchek E.S., Medvedeva E.E., Terexina R.N. Xudojestvennaya gimnastika. –M.: “Chelovek”, 2014. –S. 198.
3. Xaytmetov I.S. “Sport pedagogik mahoratini oshirish” (Badiiy gimnastika) Xoreografik mashqlarini o'tkazish uslubiyoti O'quv-qov'llanma. –T.: «Davr matbuot savdo», 2020. 176- b.

REZYUME

Ilgari surilgan tadqiqot gipotezasi badiiy gimnastikachi qizlarni cho'qmor bilan bajariladigan uloqtirib olib olish mashqlarini o'rgatish tadqiqot jarayonida o'zining amaliy tasdig'ini topdi. Taklif etilgan rivojlantiruvchi bu usullar yosh sportchilarning badiiy gimnastika uchun xos bo'lgan cho'qmor bilan harakat qobiliyatlarini aniqlash va rivojlantirishga imkon beradi.

РЕЗИМЕ

Выдвинутая исследовательская гипотеза подтвердилась в ходе исследования подготовки художественных гимнасток к метательным упражнениям, выполняемым с булавой. Предлагаемые разработчиком, эти методики позволяют юным спортсменам выявлять и развивать способность двигаться приседаниями, что характерно для художественной гимнастики.

SUMMARY

The research hypothesis was confirmed during the study of the preparation of artistic gymnasts for throwing exercises performed with a club. Proposed by the developer, these techniques allow young athletes to identify and develop the ability to move in squats, which is typical for rhythmic gymnastics.

ТАСВИРИЙ САНЪТНИ ЎҚИТИШДА КОМПОЗИЦИЯНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ИЖОДИЙ ЖАРАЁН МОҲИЯТИ

Ш.А.Юсупова – ўқитувчи

Гулистон давлат университети

Таянч сўзлар: тасвирий санъат, композиция, таълим, ижод, меҳнат, асар, хотира, қобилият, талант, ирода, маҳорат, тасаввур, илҳомланиш ва интуиция, ҳиссиёт.

Ключевые слова: изобразительное искусство, композиция, образование, творчество, труд, работа, память, способности, талант, воля, умение, воображение, вдохновение и интуиция, эмоции.

Key words: fine arts, composition, education, creativity, labor, work, memory, abilities, talent, will, skill, contemplation, imagination, inspiration and intuition, emotions.

Ҳозирги замон талаби, аввало, ривожланиб бораётган илм-фан тараққиёти ва тажрибалари ҳамда амалий натижаларини чуқур ўрганиб, илм фанга долзарб ва ўта аҳамиятли томонларини таъбиқ этишни тақозо этмоқда. Таълимда ҳар доимгидек узлуксизлик ва узвийликни таъминлаб, миллионлаб ахборотлар ичидан асосли ва натижавий назарий ҳамда амалий маълумотларни олиб кириш фаннинг тараққиётини белгилайди. Шундай муҳим жиҳатларни инобатга олган ҳолда тасвирий санъат – ўқувчиларга борлиқни ҳаққоний образларда тасвирлашни мукамал ўзлаштириш ёш расомларни тайёрлашдаги дастлабки қадам ҳисобланади. Тасвирий санъатнинг яна бир асосий белгилари бўлажак педагогда борлиқни ҳис этиш ва уни ўз иш жараёнида жонли тасвирлай олиш қобилиятини ривожлантириш ҳамда ёш авлодга ўзбек ва жаҳон санъати тўғрисидаги маълумотларни

тўлақонли етказишдан иборат [1:8]. Ёшларга тасвирлаш маҳорат кирраларини ўрганиш натижасида юзага келган билим ва малакаларни шакллантиришни ўз ичига олади. У ўқувчидан композицияни тасвирлаш қонун-қоидаларини билишни ва улардан тўғри фойдалана олишни кўзда тутлади.

“Композиция” атамаси латин тилидан олинган бўлиб, тузилиш, бирлашиш, боғланиш маъносини англатади. Унинг элементларини ўзаро боғлаб жой-жойига қўяди, фазовий кенгликни яратади. Ҳар бир тасвирий санъат асарида композиция бўлади. Композициянинг қонун ва қоидаларини, восита ва услубларини ўргатувчи “Композиция” фани ҳам мавжуд. Тасвирий санъатда композициянинг уч тури мавжуд. Улар фронтал композиция, ҳажмли композиция, чуқур-фазовий композициядан иборат. **Фронтал композиция.** Бунда тасвир текислик юзасида

ишланади. Улар рангтасвир, рельефли ҳайкаллар, бинолар фасадини тасвирлаш, нақшлар бўлиши мумкин. **Хажмли композиция.** Бундай композициялар уч ўлчовга эга тасвирлар бўлиб, уларни ҳар томондан кузатиш мумкин. Улар асосан юмалоқ ҳайкаллар, амалий санъат буюмлари, меъморчилик биноларининг моделларида намоён бўлади. Рангтасвирда композиция тасвирий санъатда катта ўрнини эгаллайди. Бунга сабаб тасвирий санъат фани олдида кўйиладиган вазифаларнинг кўпчилиги айниқса, бадий ижод, бадий дид, тафаккур ва хотирани ўстириш, болалар фикр доирасини кенгайтириш тасвирий малакаларини ривожлантириш рангтасвир композицияси машғулотларда амалга оширилади.

Тасвирий санъат асарларидаги композициянинг яратилиш принциплари ва қонуни бўлғуси мутахассис рассомлар учун ниҳоятда зарурдир. Юқорида таъкидлаганимиздек, рангтасвирда композиция расм ишлашдаги мураккаб жараёнлардан ҳисобланади. Шу билан бирга бунга ўқувчилар композициянинг назарий асослари ҳисобланган унинг қонун ва қоидалари, услуб ва воситалари ҳақида етарлича билимларига эга эмасликлари сабаб бўлади. **Композиция қонунлари** деганда биринчи гада бир бутунлик ёки унинг суврат деталларининг ўзаро боғлиқлиги қонуни, композициядаги деталларнинг асар ғоясига бўйсундирилган бўлишлиги қонуни, мувозанат қонуни, сувратда янгиликни бўлишлиги, контрастар қонуни, ҳаётчилик қонуни кабилар назарда тутилади. **Композиция** қоидалари деганда ҳисобланган ритм, композицион марказнинг бўлишлиги, уларнинг симметрик ёки ассиметрик жойлашуви, композицияда ҳаракат, турғунлик, планлик, паралеллик кабилар назарда тутилади. **Композиция услублари** деганда тасвирий монументал тарзда ифодалаш, фазовий тасвирлаш, деталларнинг горизонталлар, вертикаллар, диагоналар бўйича тасвирлаш кабилар тушунилади. **Композиция воситалари** – чизик, оқ, қора, ранглар, доғлар, чизикли ва ҳаво (ранг) перспективаси қоидалари асосида тасвирлаш кабилар ҳисобланади.

Композиция қонунлари ҳақида гапирганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, суврат деталларини ўзаро боғлиқлиги қонуни, асар ғоясидан келиб чиққан ҳолда унинг мазмунини ишонарли бўлишлиги учун ҳаётдаги каби унда барча мавжудотлар бир-бири билан алоқадорликда тасвирланишини талаб этади. Акс ҳолда асарни томошабинга таъсири яхши бўлмайди.

Асарнинг бош ғояси табиат гўзаллигини тараннум этиш бўлса, унда рассом ўз ғоясига мос равишда сувратдаги барча деталларни уларнинг тузилиши, шакли, ранги ва бошқа жиҳатлари бўйича чиروي ёқимли қилиб тасвирлаши керак бўлади. Сувратда ҳайвонлар, дарахтлар, тоғу-тошлар, уйлар, сойлар билан бир қаторда хаттоки осмондаги сузиб юрган парча-парча булутларни ҳам шакл ва ранг жиҳатидан гўзал тарзда тасвирлаш керак бўлади. **Композицияда мувозанат қонуни**, унинг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади. Бу қонун суврат юзасида жойлашган деталларни чап ва ўнг, юқори ва паст томонларида шакл, ранг, тонг, сон, катта ёки кичиклиги жиҳатидан тенг бўлишлиги лозимлигини билдиради. Бу сифатларни у ёки бу томонда кўп ёки кам, катта ёки кичик оч ёки тўқ бўлишлиги сувратдаги томонларни мувозанатини бузиши мумкин. **Композициясининг қоидалари** орасида композицион марказни бўлишлиги жуда муҳимдир. Асарда бу қоидага риоя қилинишини, рассом ғоясини томошабинга тезроқ аниқ етиб боришига хизмат қилади. Сувратдаги композицион марказни ажратиб кўрсатиш кўпинча асарларда ўлчов, жой, ранг жиҳатидан амалга оширилади. Натижада у томошабин эътиборини сувратдаги асосий объектга қаратади ва рассом ўз асарида кўйган мақсадига осон

эришади. Композицияда деталларнинг симметрик ёки ассиметрик тарзда жойлашуви асар мазмуни ва рассомнинг ғоясидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Бу коида сувратдаги деталларни оғирлиги, тони, ранги, шакли жиҳатидан мувозанатни сақлашга хизмат қилади. Асарда деталларнинг ассиметрик жойлашуви эса детал, шакл, ёруғсоя, ранг ҳаракат, ҳолатлар орқали рўй беради. Деталларни асарда ассиметрик жойлашуви расм ғоясини амалга оширишга хизмат қилади. Айтайлик, асарнинг икки томонида қарама-қарши кучлар тенгсизлигини кўрсатмоқчи бўлганда рассом ассиметрия қоидадан фойдаланиши мумкин. Деталлар ассиметрик бўлгани тақдирда асарда мувозанатни бузилмаслиги учун рассом деталларни ритмик жойлаштиришдан фойдаланади. Рассомлар кўпинча ўз асарларида ритмни бўлишлигига кўпроқ эътибор берадилар. У тасвирий санъатни барча тур ва жанрларида қўлланилади. **Ритм** кўпроқ шакл, ранг, ўлчов, ёруғсоя, ҳаракат кўринишларида ифодаланади. У асар мазмуни билан боғлиқ бўлиб, муаллифнинг ғоясини томошабинга тез ва осон етказишга хизмат қилади, асарни ифодалилигини оширади. Тасвирий асарларда асосий нарса ёки воқеа кўпинча иккинчи планда жойлаштирилади.

Композицияда ҳаракат ва турғунлик қоидалари ҳам борки улар, асар муаллифининг ғоясини ва асар мазмунини тўлиқроқ очиб беришга хизмат қилади. Композицияда ҳаракат ва турғунлик асардаги воқеани ишонарли бўлишлигига ёрдам беради. Композицияда деталларни ҳаракати чапдан ўнгга томон жойлашуви уни секинлашувига ва ўнгдан чапга жойлашуви эса уни тезлаштиришга хизмат қилади. Композицияда ҳаракат воқеани ривожланиб боришига қаратилса, турғунликдан эса воқеани тўхташи ҳақида тасаввур ҳосил қилишда, фикр юритишга имкон бериш каби ҳолатларни тасвирлашда фойдаланилади [2:9].

Композиция ўқув предмети ўз олдида: тасвирий санъат композицияси бўйича билим бериш, ижодкорликни тарбиялаш, ижодий қобилиятларини ўстириш, билиш активлигини оширишни мақсад қилиб қўяди. Бу мақсадни муваффақиятли амалга ошириш йўлида талалабалар билан ўқитувчи раҳбарлигида бир қатор ўқув-тарбиявий ишларни олиб бориш кўзда тутилади.

Композиция ўқув предметининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Талабаларда кенг, умуминсоний дунёқараш, жамият тараққиёти ғояси учун курашишни шакллантириш.
2. Талабаларда бадий дид, бадий эстетик маданиятни тарбиялаш.
3. Талабаларда: а) образли тафаккур; б) ижодий фикрлаш; в) кўриш хотираси каби бадий қобилиятларни ўстириш.
4. Асарларни композицион қурилишни таҳлил қилиш билан бирга асарни яратилиш тарихи, уни яратиш жараёни ва босқичларини ўрганиш.
5. Талабалар билан композициянинг назарий асосларини санъат асарининг тарихий ривож ва амалий яратилиши билан ўзаро боғлиқликда ўрганиш.
6. Талабаларда бадий кузатувчанликни ривожлантириш мақсадида: а) талабаларни рассом нуқтаи-назари билан товарак атрофни махсус бир мақсадга қаратилган ғоявий-бадий кузатишга ўргатиш; б) ҳаётчи таассуротларга ижодий ҳолда ёндашишга ўргатиш, хотирани бойитиш ва бу таассуротларни ҳаққоний, образли ҳолда ижодда тасвирлаш [3:8].

Композиция алоҳида предмет бўлибгина қолмасдан, балки, кўплаб фанларни ўзаро бирлаштиради ҳам. Бундан ташқари композиция предмети эстетика, этика, санъат тарихи билан жипс алоқада бўлади.

Умуминсоний гўзаллик тушунчаси композициянинг методологик асосини ташкил этади. Санъат тарихи орқали эса буюк санъат усталарининг ижодлари билан танишадилар. Шу билан бирга композиция предмети тасвирий санъат ўқитиш методикаси фани билан ҳам узвий алоқада бўлади [4:52]. Кўпинча рассомлар «композиция» тушунчасини «ижодий жараён тушунчаси» билан аралаштириб юбордилар. Қайсики, у асар яратилишини бошидан бошлаб охиригача, барча тайёрлов босқичларидан тортиб яқунловчи босқичигача ўз ичига олади. Бу икки тушунчани бир деб ўйлаш тўлиқ табиий ва тўғридир, сабаби «композиция» устида ишлаш ижодий жараённинг ўзидир. Ижод бу – инсоният онгининг юқори юқори олий даражаси бўлиб, у фақатгина инсоннинг ўзигагина хосдир. Қобилиятлар - деб шахснинг фаолиятини конкрет турининг юқори даражада бажаришнинг шарти бўлган психик ва сифат хусусиятлари тушунилади. Талант - қобилиятнинг олий ривожланганлик даражаси ҳисобланади. Бадиий ижоднинг таркибий қисмлари ҳақида фикр юритамиз [5:8]. Ҳотира – худди ҳиссиёт каби бадиий ижоднинг репродуктив кучи ҳисобланиб, у ўз навбатида ўзида энг

зарурий психик жараёни – одамнинг ўтган тажрибасини намоён этади. Ирода – ижод кучининг самарасини белгиловчи, ижод учун энг зарурий психик жараёнлардан бири ҳисобланади. Интуиция – сезгирлик, бу инсон ҳаётида алоҳида феноменал ва мураккаб фаолият бўлиб, инсон рухий фаолиятида – яъни ижодий меҳнатда, хусусан бадиий ижодда катта рол ўйнайди [6:29]. Маҳорат эса тасвирий фаолиятда тасвирий техника, билим, кўникма, малакани мукаммал эгалламоқдир. Юқори даражадаги билим, кўникма ва малакаларсиз талантнинг ривожини бўлиши мумкин эмас.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, композиция тасвирий санъатнинг асосий шартларидан бири бўлиб ҳисобланиб, яртилаётган асарнинг асосий фикр ва ғояси, мақсади ва мазмуни тушунарли, ёрқин ифодалаш билан узвий боғлиқлиги эътироф этилади. Асарда бу қоидага риоя қилинишини, рассом ғоясини томошабинга тезроқ аниқ етиб боришига хизмат қилади. Умуминсоний гўзаллик тушунчаси композициянинг методологик асосини ташкил этади. Шу билан бирга композиция предмети тасвирий санъат ўқитиш методикаси фани билан ҳам узвий алоқада бўлади.

Адабиётлар

1. Бойметов Б. “Қаламтасвир”. Педагогика йўналишидаги касб-хунар коллежлари учун ўқув қўлланма. 2-нашри. -Т.: “Илм-зиё”. 2013.
2. Хасанов Р. “Тасвирий санъат асослари” Бадиий йўналишдаги касб-хунар коллежларининг ўқувчилари ва олий ўқув юртларининг талабалари учун қўлланма. (қиска курс). -Т.: 2008.
3. Турдалиев А. Композиция.Олий ўқув юртларининг «Бадиий-графика» факультетлари талабалари учун ўқув қўлланма. -Т.: 2003.
4. Назилов Д.А., Дмитриева И.В., Хаджибаева Н.Х. Композиция асослари. “Бадиий композиция асослари” дарслик. -Т.: “Янги аср авжоди” 2009.
5. Хасанов Р. “Тасвирий санъат асослари”. Бадиий йўналишдаги касб-хунар коллежларининг ўқувчилари ва олий ўқув юртларининг талабалари учун қўлланма(қиска курс). -Т.: 2008.
6. Эгамов А. “Композиция асослари”. 5-9синфлар. // “Санъат”. - Т.: 2005.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада тасвирий санъат ҳақида дастлабки маълумотлар, композиция ўқув предмети ўз олдида қўйган мақсадлари ҳақида маълумотлар берилган. Бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва «композиция» устида ишлашда ижодий жараёнлар тўғрисида мисоллар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье представлены предварительные сведения об изобразительном искусстве, в том числе представлено информация о целях данной дисциплины. Приведены примеры, его связи с другими дисциплинами и творческих процессов в работе над «композицией».

SUMMARY

This article provides preliminary information about the visual arts, the purpose of the subject of composition. Examples of his connection with other disciplines and his creative processes in the work on "composition".

PSIXOLOGIYA ILIMLARI

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР МАСЪУЛИЯТИНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

М.В.Халимова – психология фанлари номзоди, доцент

Андижон давлат университети

Таянч сўзлар: тадбиркорлик, шахслараро муносабатлар, масъулият, касбий мотивация, ижтимоий омиллар.**Ключевые слова:** предпринимательство, межличностные отношения, ответственность, профессиональная мотивация, социальный фактор.**Key words:** business undertaking, interpersonal relations, responsibility, professional motivation, social factors.

Бугунги кунда мамлакатимизда барча сохаларда туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бозор иқтисодиёти ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш доирасида. Ҳар бир ривожланиш йўлидан бораётган давлатлар аввалло бозор иқтисодиётини ривожлантиришга эътибор қаратади. Бу борада бизнинг республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев тамонидан бир қанча фармон ва қарорлар ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ этилмоқда. Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев тамонидан тавсия этилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”га мувофиқ инвестиция муҳитини яхшилаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятининг мазмуни унинг шахслараро муносабатларни бошқариш санъатини нечоғлик эгаллагани, яъни одамларни жамоага уюштириш, ишларни режалаштириш, назорат қилиш, ахборотлар айрибошлаш, каби жараёнларни бошқаришни маъсулият билан ташкил этиш айти мумкин. Бу жараёнда тадбиркорларнинг интеллектуал салоҳияти, уддабировлиги, одамларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг қондириб борилиши, унинг гуруҳ, жамоа, жамият олдида маъсулият, бурч туйғусини чуқур хис қилиши муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон республикаси дунёнинг ривожланган етакчи давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаш борасида барча сохаларда кескин ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жумладан тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир чора-тадбирларда кўриш мумкин [1].

Шу билан бирга, олиб борилаётган ислохотлар Ўзбекистонга ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва ишбилармонлик муҳитини содалаштириш бўйича Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари орасида етакчи бўлишга имкон берди.

Тадбиркорларнинг ўзаро муносабатлари доирасида тадбиркорларнинг муносабатлар масъулиятни ҳисобга олган ҳолда биз ижтимоий ўзаро муносабатларни ўрганишга ёндошувларни таҳлил қиламиз. Турли сохаларда ўзаро ҳамкорликни ўрганиш: биргаликдаги меҳнат соҳасида ўзаро ҳамкорлик фаолияти ташкил этишни А.Ж.Журавлев, К.К.Платонов, Э.В.Шорохова-лар тадқиқотларида таҳлил қилганлар.

Л.Берковиц, В.А. Бодров, Д.М. Дарлей, Л.И. Дементий, Э.Д. Дорофеев, Б. Латане, К. Д. Луттерман, А.Л. Луценко, К.Муздйбаев, М.В. Муқоналар ишбилармонларнинг ўзаро ҳамкорлигига муносабатлар масъулиятининг таъсири ҳақида концептуал ғояларни ишлаб чиқишда маъсулиятни тушунишнинг назарий ёндашувлари ёритилган [4].

Муносабат ва маъсулият масаласини таҳлил қилиш ушбу ҳодисага турли хил ёндошувларнинг мавжудлигини кўрсатади. Мамлакатимизда, бу

мавзунинг айрим жиҳатларини Н.С.Сафаев, Д.Г.Мухамедова, Л.С. Бекназарова, Э.Г.Ғозиев, В.Каримова, С.Х. Джалилова, А.М. Жабборов, Б.А. Назарова, З.Т.Нишонова, Б.Утанов, Ш.А.Эшметов каби тадқиқотчилар томонидан ўрганилган.

Хориж психологияда В.Н.Мясищев психологияда "муносабат" тушунчасининг моҳиятини кенгайтириш муносабатларнинг психологик маъноси инсоннинг унинг атрофидаги ҳақиқатни акс эттириш шаклларида бири эканлигини таъкидлади. Инсоний муносабатлар таркибидаги муносабатларнинг шаклланиши, у яшайдиган макро ва микроиқтисодиёт шароитида жамиятнинг объектив мавжуд ижтимоий муносабатларининг моҳиятини онгли даражада акс эттириш натижасида юзага келади.

"Психологик муносабатлар"нинг биринчи таърифларидан бири тадқиқотчи В.Н. Мясищевга тегишли шахсиятнинг ташқи муҳит билан алоқаси сифатида муносабатларни ҳисобга олган ҳолда, у шахсларнинг индивидуал тўпланган тажрибага ва шахснинг ривожланиш тарихига боғлиқлигини таъкидлайди. Муаллифнинг фикрига кўра, "шахснинг психологик муносабатлари ривожланган шаклда объектив ҳақиқатнинг турли жиҳатларига эга бўлган шахснинг индивидуал, танланган, онгли алоқалари тўлиқ тизимини ифода қилади. Ушбу тизим инсон тараққиётининг барча тарихидан келиб чиқади, ўз шахсий тажрибасини ифода қилади ва ўз ҳаракатларини, тажрибаларини ички кучи сифатида белгилайди" [3]. В.Н.Мясищев ўзининг концепциясида психологик муносабатларни турли маънолар нуктаи назардан кўриб чиқади: бу эрда муносабатлар умумий маънода универсал психиканинг бир қатор таркибий элементлари таркибий қисмларидан бири бўлган психиканинг тавсифлари: жараёнлар, фазилатлар ва давлатлар, ниҳоят, психологик фактларнинг синфларидан бири - психологик таълим сифатида белгилади.

В.Н.Мясищев муносабатлар назариясида муносабатлар муаммосини аниқ баён қилади. Унинг концепцияси онтогенездаги муносабатларни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, шунингдек, у ўз муносабатларини муносабатлар турларини танлаш ва эмпирик ўрганишга қаратди.[3] Муносабат унинг психологик концепциясининг асосидир. Муносабатларнинг тузилиши асосан учта компонентдан иборат:

- Эҳтиёж ёки мазмун,
- Ҳиссий ва маърифий.

-Алоқалар турлари орасида.

В.Н.Мясищев одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда баҳоларни таъкидлайди. Бошқа одамлар ҳаракатларини ва тажрибаларини баҳолаш учун ахлоқий, маданий, ҳуқуқий ва бошқа мезонлардан иборат. Шу билан бирга, бу иш фаолият билан ҳам боғлиқдир. Психологик муносабатларнинг ақлий ҳодисалар билан, хусусан, инсоннинг хусусиятлари, жараёнлари, ҳолатлари билан боғлиқлиги муҳим масаласидир.

В.Н.Мясищевнинг шахснинг ҳулқ-атворини аниқлашнинг тавсифловчи механизми сифатида муносабатларнинг вазифасини кўрсатади. "Рухият - бу бир нарсадирки, олдиндан режалаштириш, баъзи

нарсаларга мослашиш, бу бизни ҳақиқий ҳаракатларда ўз-ўзидан кашф қилишни кутишга имкон беради". [3].

Б.Ф.Ломов ўз тадқиқотларида, "шахсий-жамият" муносабатларига унинг тушунчасига катта эътибор беради, чунки у шахснинг психологик хусусиятларини шакллантириш ва очиб беришни белгиловчи ижтимоий муносабатлар тизимига аралашувининг табиатини аниқлади. Яъни мотивлар, интилишлар, қизиқишлар ва бошқалар [5]. Муаллиф фикрига кўра, бу йўналиш бошқалар билан бўлган муносабатлар билан чамбарчас боғлиқ.

И.Р.Сушков ўз тадқиқотларида шахс муносабатларининг психологиясидаги психологик муносабатни субъектнинг объект билан ўзаро алоқаси натижасида юзага келиши мумкин бўлган ва бу ходисанинг тирик организм ҳаёт фаолияти учун муҳим бўлган воқеалардаги субъектив ўзгариш ўлчови деб тушунади [6]. Концепциянинг марказий тоифаси уларнинг ўзаро таъсиридан келиб чиқувчи гуруҳлар ўртасидаги ўзаро муносабатлардир

Г.М.Андреевнинг таъкидлашича, хулқ-атвори аниқлашни бошдан кечирадиган ҳодисаларнинг ғояси ва тушунчаси турли муаллифлар ва биринчи навбатда муносабатларни ўрганиш контекстида қўллаб-қувватланади.

Г.М.Андреева ўз тадқиқотларида муносабатлар тизимининг икки турини ажратади:

- 1-шахснинг ижтимоий муносабатлари.
- 2-психологик муносабатлари.

Ижтимоий муносабатлар структураси ижтимоий, сиёсий, мафкуравий ва бошқа турдаги муносабатларни ўз ичига олади, бу одамлар муайян ижтимоий гуруҳлар. Муаллиф ижтимоий муносабатларнинг номаълум табиатига урғу беради, улар жамиятда эгаллаб турган позицияга боғлиқ ҳолда қурилади ва ўзаро муносабатларга асосланган ўзаро муносабатларга нисбатан қарама-қарши бўлган баъзи бир ижтимоий ролларни ўзаро тушуниш антипатия тамойилига биноан муносабатини акс эттиради.

Психологик муносабатлар, Г.М.Андреева фикрига

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривонтириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси. -Тошкент: "Адолат", 2017. 112-б.
2. Ўзбекистон республикаси қонун ҳужжатлари П/Ф -5490сон.
3. Мясисшев В.Н. Муносабатлар назарияси. -Москва:
4. Андреева Г.М. Социальная психология. -М.: 1998. -С.376.
5. Ломов Б.Ф. Общение и социальная регуляция поведения индивида. // Психологические проблемы социальной регуляции поведения / Под ред. Шороховой Е.В., Бобневой М.И.. -М.: "Наука", 1976. -С. 63-76.
6. Сушков И.Р. Психологические отношения человека в социальной системе. М.: Изд-во ИП РАН, 2008. -С.412.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола Тадбиркорларда шахслараро муносабатлар масъулиятини ривожлантирувчи ижтимоий-психологик омилларни аниқлаш ва муносабатлар масъулиятини шакллантиришни такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таҳлиллар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье представлен научный и практический анализ для выявления социально-психологических факторов, которые развивают ответственность межличностных отношений у предпринимателей и улучшают формирование отношений ответственности.

SUMMARY

The article presents a scientific and practical analysis to identify socio-psychological factors that develop the responsibility of interpersonal relations among entrepreneurs and improve the formation of relations of responsibility.

ИЖТИМОЙ ИДЕНТИКЛИК ПСИХОЛОГИК ФЕНОМЕН СИФАТИДА

Ф.Хўжаев – кадрлар бошқармаси ходими

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Таянч сўзлар: ижтимоий психология, ижтимоий идентиклик, ижтимоийлашув, ижтимоий эҳтиёж, ижтимоий роль, гуруҳ, ижтимоий муносабатлар, ижтимоий билиш, субъект, кадрият, идентиклий воқелик.

Ключевые слова: социальная психология, социальная идентичность, социализация, социальная потребность, социальная роль, группа, социальные отношения, социальное познание, субъект, ценность, социальная реальность.

Key words: social psychology, social identity, socialization, social need, social role, group, social relations, social cognition, subject, value, social reality.

Маълумки, олий таълимга кирган ҳар бир талаба ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларни бошдан кечираётгани, кадриятлар, ўзларини ижтимоий дунёда ва ушбу ижтимоий гуруҳдаги ролини қайта баҳолаш, ижтимоий хулқ-атвор модели ўзгарганлиги билан

кўра, "...Шахслараро муносабатлар табиати ижтимоий муносабатларнинг табиатидан сезиларли даражада фарқ қилади: уларнинг энг муҳим ўзига хос хусусияти хиссий асосдир" [5].

"Шахслараро муносабатларнинг хиссий иродавий асослари инсонларнинг бир-бирига нисбатан муайян туйғулар асосида пайдо бўлиши ва ривожланиши демакдир".

Психология соҳасида масъулият масаласини таҳлил қилиш ушбу ҳодисага жуда кўп турли ёндашувлар ва нуқтаи назарларнинг мавжудлигини кўрсатади. Бундай ҳолда, масъулият тушунчаси ҳақидаги фикрлар умумлаштирилиши бизга бу ҳодисани тасвирлайдиган бир қатор умумий хусусиятларни шакллантириш имконини беради. Масъулият қабул қилинади:

- Масъулият шаклланишининг хусусиятлари нуқтаи назаридан. Хорижий психология вакиллари Ж.Пиже, Ж.Л.Колбергнинг асарларида баён этилган масъулиятнинг ривожланиш хусусиятларини ўрганишга катта эътибор қаратилади,

- К. Муздийбаев ижтимоий масъулият тушунчасини очиб беради, "... инсоннинг ижтимоий типиклигини тасвирлайдиган сифат." (Ишончнинг аниқ белгилари, аниқлиги, кечиктирилиши, мажбуриятларнинг бажарилишида шахснинг садоқати, унинг ҳаракатларининг оқибатлари учун жавобгар бўлишга тайёрлиги).

Масъулиятни ўз зиммасига олиш ва амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари асосан унинг объекти томонидан белгиланади.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш лозим, тадбиркорлик фаолиятида муносабатлар масъулиятини ривожлантириш, масъулият тоифасини инсоннинг жамиятга бўлган ижтимоий ва маънавий-ҳуқуқий муносабати, унинг ахлоқий бурчи ва ҳуқуқий меъёрларини бажариш билан ажралиб туришини белгилайди. Муносабатлардаги масъулият масаласининг ривожланиши натижасида тадбиркорлик фаолиятининг барча йўналишларида сифат самарадорлигига эришиш мумкин.

Ушбу мақола Тадбиркорларда шахслараро муносабатлар масъулиятини ривожлантирувчи ижтимоий-психологик омилларни аниқлаш ва муносабатлар масъулиятини шакллантиришни такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таҳлиллар келтирилган.

В статье представлен научный и практический анализ для выявления социально-психологических факторов, которые развивают ответственность межличностных отношений у предпринимателей и улучшают формирование отношений ответственности.

The article presents a scientific and practical analysis to identify socio-psychological factors that develop the responsibility of interpersonal relations among entrepreneurs and improve the formation of relations of responsibility.

ИЖТИМОЙ ИДЕНТИКЛИК ПСИХОЛОГИК ФЕНОМЕН СИФАТИДА

Ф.Хўжаев – кадрлар бошқармаси ходими

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Таянч сўзлар: ижтимоий психология, ижтимоий идентиклик, ижтимоийлашув, ижтимоий эҳтиёж, ижтимоий роль, гуруҳ, ижтимоий муносабатлар, ижтимоий билиш, субъект, кадрият, идентиклий воқелик.

Ключевые слова: социальная психология, социальная идентичность, социализация, социальная потребность, социальная роль, группа, социальные отношения, социальное познание, субъект, ценность, социальная реальность.

Key words: social psychology, social identity, socialization, social need, social role, group, social relations, social cognition, subject, value, social reality.

Маълумки, олий таълимга кирган ҳар бир талаба ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларни бошдан кечираётгани, кадриятлар, ўзларини ижтимоий дунёда ва ушбу ижтимоий гуруҳдаги ролини қайта баҳолаш, ижтимоий хулқ-атвор модели ўзгарганлиги билан

боғлиқликда тасаввур этади. Университетда ўқиш даври-бу талабанинг шахсини шакллантиришга қаратилган бўлиб, у ерда нафақат таълим фаолияти субъекти, балки бутун профессионал шахс ва келажак сифатида ўзини бирлаштиради. Таъкидлаш жоизки,

талабалық даврида уларнинг долзарб эҳтиёжлари куйидагилардир:

- ❖ ижтимоий эҳтиёжлар, ҳар қандай ҳолатда ҳам бир ёки бир неча ижтимоий гуруҳга тегишли бўлиш истаги;
- ❖ ушбу гуруҳда ўзига хос ижтимоий ролни эгаллаш;
- ❖ дунёда ўз ўрнини билиш зарурати;
- ❖ ҳамкорлик билан боғлиқ янги билимларни олиш ва жамоа учун масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр бўлиш зарурати;
- ❖ ички уйғунликни сақлаб қолиш эҳтиёжи;
- ❖ шахслараро муносабатларни ўрнатишга интилиш;
- ❖ ўзига нисбатан ишончни шакллантириш.

Ижтимоий идентификация-бу шахснинг муайян ижтимоий гуруҳда ва турли хил ижтимоий шароитларда ўз хатти-ҳаракатларини амалга оширишга имкон берувчи омил. Ушбу жараён ёрдамида шахсга ижтимоий алоқалар, муносабатлар тизимида қўшилиш имконияти берилади, шахс ва жамият ўртасида ўзаро муносабатлар мавжуд.

Ижтимоий идентификацияни ўрганишнинг аҳамияти тадқиқотчилар томонидан ушбу ҳодисага инсон шахсининг умумий тузилишида қандай жой ажратилганлигини тушуниш билан изоҳланади. Баъзи муаллифлар ижтимоий идентификацияни турли ижтимоий-маданий шароитларда онгли хатти-ҳаракатларнинг психологик асосини ташкил этувчи омиллардан бири деб ҳисоблашади [1].

Ижтимоий идентификация соҳасида кўплаб тадқиқотлар унинг айрим турларини ўрганишга эътибор қаратганлар: -этниқ; -гендер; -кабий; -ёш; -сиёсий; -оила ва бошқалар.

Ижтимоий идентификация-ижтимоий идентификация қилиш жараёнининг натижаси бўлиб, у ҳар қандай ижтимоий гуруҳ орқали ўзини ўзи англашнинг белгилаб беради.

Замонавий ижтимоий психологияда ижтимоий идентификация гуруҳ ва гуруҳлараро муносабатларда шахснинг асосий таърифи ҳисобланади. Ижтимоий идентификация - бу шахс ва унга тегишли бўлган ижтимоий гуруҳнинг бирлашишидир.

Ижтимоий идентификацияни ўрганиш билан турли йўналишдаги психологлар шуғулланган. Жумладан:

Психоаналитик йўналиш доирасида Э.Эриксон, Ж.Маркия, А.Ватерман ва бошқаларнинг изланишларида акс этган.

Ижтимоий идентификация бўйича символик интерактивизмда Ж.Меад, С.Кулли каби психолог олимлар шуғулланишган.

Конструктив йўналиш доирасида Ж.Келли, Т.Лукман, Т.Г.Стефаненко, Г.М.Андреева, П.Бергерлар ижтимоий идентиклик борасида тадқиқотлар олиб борганлар.

Ижтимоий идентиклик когнитивизм йўналишининг таркибига кириб, А.Тежфел, Ж.Тёрнерлар мазкур назариянинг асосчилари ҳисобланади.

Функционализм ва тизимли функционализм йўналиши бўлиб, Э.Дюрхайм ва Т.Парсонсларнинг тадқиқотлари асос бўлиб хизмат қилади.

Интегратив ёндашув бўйича П.Бурдьё, Э.Гидденс, С.Хатингтонларнинг ишлари асос сифатида олинган.

Илмий муҳитга “идентификация” тушунчасининг киритилиши Э.Эриксон номи билан боғлиқ, у “шахснинг шахсий тажрибасининг ички узлуксизлиги” сифатида идентификацияни аниқлади ва бу ерда одам ўзини маълум бир жамиятда ижтимоий гуруҳ билан таништиради ҳамда уни инсон яхлитлигининг ўзига хос хусусияти сифатида қаради. Э.Эриксон идентикликнинг бир неча жиҳатларини аниқлайди:

1. Индивидуаллик, бу ерда одам ўзининг идентиклигини ҳис қилади.

2.Идентиклик ва яхлитлик, бу ерда одам ўтмишда нима қилганлиги ва келажакда нима бўлишни хоҳлаётгани ўртасидаги узлуксизлик ҳақида тасаввурга эга бўлса, одам ўзи билан уйғунликни ҳис қилади ва ўз ҳаётининг маъносини кўради.

3. Бирлик ва синтез, бу ерда одам ўзи билан уйғунлик ва бирликни ҳис қилади, ҳамда болаларнинг ўзи ҳақидаги тасаввурларидан мазмунли бир бутун бўлиб қайта туғилишдан иборат.

4. Ижтимоий бирдамлик, инсон ўзлигини шахс жойлашган ижтимоий гуруҳга қирадиган одамлар орасида ҳурматга сазовор деб ҳисоблайди [4].

М.Де.Левига ижтимоий идентикликнинг 3 турини ажратади: “атрибутли” ижтимоий идентиклик- бу шахс танламаган шартлар (жинси, этниқ ўзига хослиги) билан белгиланадиган ижтимоий идентиклик;

“Тегишли” ижтимоий идентиклик - бу шахсни ривожлантириш жараёнида ўрганилган бир қатор ролларнинг бажарилиши сифатида тушуниладиган ижтимоий идентиклик.

“Қарз олиш” ижтимоий идентификация - бу шахснинг ҳаётда ўз саъй -ҳаракатлари билан эришган ютуқларидан ташкил топган ижтимоий идентификация (профессионал идентификация).

Ижтимоий идентификация-бу шахснинг маълум бир гуруҳ аъзолигига мансублиги ҳақидаги индивидуал билими, ижтимоий гуруҳнинг маълум бир ҳиссий ва шахсий-шахсий маъноси. Шахс ўзи учун тегишли бўлган ижтимоий гуруҳнинг ўрганилган меъёрлари ва стереотипларини ўз ичига олади, бу эса одамларнинг ижтимоий хулқ -атворининг ички регуляторига айланади.

Г.М.Андреева ижтимоий идентификацияни ижтимоий билиш субъекти сифатида кўриб чиқди ҳамда у одам ўзи яшайдиган ижтимоий воқеликнинг бир қисми сифатида белгилаш механизмларини ўрганишга, шунингдек, бу жараёнларни белгилайдиган ижтимоий омилларнинг бутун мажмуасини ўз ичига олади [1].

В.А.Ядов ижтимоий идентификацияни шакллантиришнинг умумий социологик асосларини белгилайди: - мақом ва маданият фарқлари; - мулк ва ҳокимият ўртасидаги муносабатлар; - ижтимоий меҳнат тақсимоги; - заҳирлар учун кураш ва турли жамоаларнинг шаклланиши.

В.А.Ядовнинг сўзларига кўра, ижтимоий идентификация - бу ўз гуруҳининг қарашлари, кадриятлари, баҳолари, қизиқишлари ва хулқ -атвор моделларини солиштириш. Ижтимоий идентификация - бу шахс ўзини ўзи белгилайдиган ва уни атрофидаги одамлар унга боғлайдиган кадрият вазифасини бажаради, бу эса охир-оқибат шахсга ижтимоий муносабатлар тизимида қўшилиш имкониятини беради [5].

П.Бурдьё ижтимоий идентификация шахснинг ижтимоий мавқеини баҳолашига боғлиқлиги ҳақида фикр юритади. Ижтимоий идентификация, унинг фикрича, объектив ва субъектив табиатнинг чуқур ички ижтимоий хусусиятларининг индивидуал мажмуасидир [2].

Шахснинг маълум бир жамиятга тайинланиши ва ижтимоий идентиклик эга бўлиши, унинг бир қисми бўлган шахс томонидан маълум бир жамиятнинг меъёрлари, кадриятлари ва стандартларини ўзлаштириши - бу ижтимоийлашувнинг асосидир.

Ж.Мид биринчилардан бўлиб ижтимоий идентиклик ижтимоийлашув жараёнида шаклланади, деб таъкидлаган ҳолда у одамнинг ўзини ҳар қандай ижтимоий жамоага ҳавола қилиш истагисиз шаклланмайди, деган эди: “Инсон ижтимоий

идентикликни ривожлантириши учун, бу жараёни унинг шахсий онгига киритиб, нафақат атрофдаги одамларнинг ва бир-бирига бўлган ижтимоий жараёнинг муносабатини, балки уларнинг алоқаларини ҳам қабул қилиш керак. Умумий ижтимоий фаолиятнинг турли жиҳатларига, улар ижтимоий ҳамжамият аъзолари сифатида киритилган ва шу муносабат билан ўз хатти -харакатларини бошқаришга эътибор қаратади [3].

Хориж тадқиқотчиларнинг ижтимоий идентификация қилиш муаммосига баъзи ёндашувларни кўриб чиққандан сўнг, ижтимоий

идентификация қилиш шахснинг ижтимоий муҳит билан ўзаро таъсирининг натижасидир. Шунингдек, шахснинг муайян ижтимоий тажрибани ўзлаштириши, ўз-ўзидан ажралиб турадиган турли даражадаги тасвирларни шакллантиради. Ижтимоий идентикликни эгаллаш учун ўзини ўзи билиши, ўзини баҳолаш жараёнларида иштирок этиши, шунингдек, билимлар, хулқ-атвор усуллари ва баҳоларда ўз аксини топиши лозим. Ижтимоий идентификация шахснинг асосий таркибий қисмидир, чунки у инсоннинг ижтимоий дунёда қандай ўрин эгаллаши ҳақидаги тасаввурларини яратади.

Адабиётлар

1. Андреева Г.М. Психология социального познания [Текст] / Г.М.Андреева. – М.: Аспект-пресс, 2000. –С. 288.
2. Бурдьё П. Идентичность и репрезентация: элементы критической рефлексии идеи «региона» [Текст] / П.Бурдьё. - 2002. - №3. – С.45-60.
3. Мид Дж. Интернализированные другие и самость [Текст] / Дж. Мид. - Американская социологическая мысль / Р.Мертон и др., сост. Е.И.Кравченко; под общ.ред. В.И.Добренкова. – 1996. –С. 224.
4. Эриксон Э. Идентичность: юность и кризис [Текст] / Э.Эриксон. – М.: 2006. –С.352.
5. Ядов В.А. Социальные и социально-психологические механизмы формирования социальной идентичности [Текст] / В.А. Ядов. - Психология самосознания: хрестоматия. – Самара: БАХРАХ-М, 2000. –С.589-601.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада психология фанидаги долзарб муаммолардан бўлган ижтимоий идентиклик тушунчасининг мазмуни атрофлича очиқ берилган. Айниқса, ижтимоий идентиклик атамасига нисбатан хориж психологлари томонидан берилган таърифларнинг таҳлиллари баён қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье подробно описывается понятие социальной идентичности, которое является одной из актуальных проблем психологии. В частности, дается анализ определений, данных зарубежными психологами термину «социальная идентичность».

SUMMARY

This article describes in detail the concept of social identity, which is one of the current problems in the science of psychology. In particular, the analysis of definitions is described given by foreign psychologists in relation to the term social identity.

ЎСМИРЛИҚ ДАВРИДАГИ АГРЕССИВ ХУЛҚ – АТВОР ИЖТМОИЙ – ПСИХОЛОГИК МУАММО СИФАТИДА

М.И.Кушанова – докторант

Самарқанд давлат университети

Таянч сўзлар: ўсмирлик, ўсмирлик хусусиятлари, кризис, конфликт, фрустрация, агрессия, агрессив хулқ, тушқунлик, зўриқиш.

Ключевые слова: подростковый возраст, характеристики подростка, кризис, конфликт, разочарование, агрессия, агрессивное поведение, депрессия, напряжение.

Key words: adolescence, characteristics of a teenager, crisis, conflict, frustration, aggression, aggressive behavior, depression, tension.

Дунё ҳамжамияти унинг тараққиёти ва истиқболи бугунги ёш авлоднинг билимдон, маънавий жиҳатдан баркамол, руҳан соғлом инсон бўлиб етишишига боғлиқ. Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатдан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормокда.

Мамлакатимизда ёшлар тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Келажак авлод ҳақида қайғуриш, уларни соғлом, баркамол, комил инсонлар этиб вояга етказиш, ёт мафқуралар, хуружлардан асраш, уларда турли ғоявий таҳдидларга қарши кураш кўникмаларини шакллантириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан саналади. Кундалик ҳаётда барчамизни ҳавотирга ва ташвишга солаётган ҳолатлардан бири бу жамиятда қабул қилинган меъёрлардан четга чиқадиган ўсмирларнинг ортиб боришидир. Деярли ҳар қуни жамоат жойларда, маҳалла-гузарларда, оммавий-ахборот воситаларида, шунингдек интернет тармоғида ўсмирларнинг тенгдошларига, ён атрофдагиларига нисбатан зўравонлигини кўриб гўвоҳи бўламиз. Шунинг билан ҳам бугунги кунда ўсмирларнинг агрессив хатти-харакатлари муаммоси ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир.

Ўсмирларда кузатиладиган агрессив хатти-харакатлар ҳозирги замонавий жамиятни ташвишга солаётган энг долзарб муаммолардан биридир. Ўсмирлик даври онтогенезнинг шундай ривожланиш даврики, бунда кучли психофизиологик ривожланиш, хиссий беқарорлик, импульсивликнинг ортиши, ташқи муҳитга нисбатан таъсирчанликнинг кучайиши қабили

билан боғлиқ маҳсул даврини англатади. Ўсмирлик даврига нисбатан ишлатиладиган “кризис” тушунчаси, нафақат болаликдан катталиққа ўтишнинг оғирлигини таъкидлаш учун, балки ўсмирларнинг агрессив хулқ-атвор хусусиятларининг сабабини тушунтириш учун ҳам қўлланилади.

Шахслараро муносабатларда намоён бўлувчи хулқ-атвор типларидан бири, бу – агрессиядир. Агрессия ҳамда агрессив хулқ-атвор масалалари илмий, психологик, фалсафий адабиётларда долзарб муаммо сифатида қаралади ҳамда фалсафа, психология ва педагогика нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. XIX асрнинг бошларига қадар ҳар қандай фаол ҳаракат, у хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин агрессив хисобланган. Кейинчалик бу сўзнинг маъноси ўзгариб ўз камровини торайтирган. Бироқ, шунга қарамай, замонавий психологияда агрессия ва агрессив хулқ-атвор муаммоси мавжуд, чунки бу атамалар турли хил маъно касб этади.

Агрессия сўзининг луғавий маъноси латин тилидан олинган бўлиб, **“aggressio”** – тажовуз деган маънони англатади [1]. Психологик луғатда агрессия тушунчаси қуйидагича таърифланади: “Агрессия жамиятда инсоннинг яшаш нормалари ва қоидаларига зид келадиган, жонли ва жонсиз объектларга зиён келтирадиган, одамларга жисмоний зарар етказадиган ёки уларда психологик дискомфорт туғдирадиган хулқ-атворнинг деструктив кўринишидир” [2]. Поль Робернинг луғатида агрессия “қуч ишлатиш йўли билан индивидга тажовуз қилиш”, Оксфорд луғатида “индивидга нисбатан уюштирилмаган тажовуз”, С.И.Ожегов луғатида эса “адоватни келтириб

чиқарувчи очиқчасига ёқтирмаслик” сифатида талкин қилинади [3].

Агрессия феноменини ўрганиш ва тадқиқ қилиш жараёнида олимлар ҳамда тадқиқотчилар бир қатор ноаниқ ва ҳал қилиш учун мураккаб бўлган саволларга дуч келишган. Агрессия тушунчасининг моҳиятини очишга қаратилган психология фанидаги мавжуд концепцияларнинг хилма-хиллиги, шубҳасиз, агрессив хатти-ҳаракат муаммосининг кўп қиррали ва кўп ўлчовли хусусиятга эга эканлигини кўрсатади. Муаммонинг қийинчилиги шунда кузатиладики, тадқиқотчилар томонидан битта ечими топилган савол ўз олдига бир қатор янги саволлар мажмуини келтириб чиқаради.

Кўплаб хорижий олимлар хусусан, А.Адлер, А.Бандура, Л.Берковиц, Р.Бэрон, К.Лоренц, Д.Ричардсон, Э.Фромм ва бошқаларнинг олиб борган тадқиқотлари агрессия муаммосини ҳал қилишга қаратилган. Россия психологиясида агрессивлик муаммосини тадқиқ этишда Ю.М.Антонян, Ю.Б.Гиппенрейтер, И.А.Кудрявцев, В.Г.Леонтьев, Ю.Б.Можгинский, А.А.Реан, Т.М.Трапезников кабиларнинг илмий изланишларини таъкидлаб ўтиш мумкин. Ўзбекистонлик психологлардан Э.Ғ.Ғозиев, Н.Ғ.Камилова, Г.Қ.Ўлаганова, Б.М.Умаров каби олимларнинг изланишларида болалик ва ўсмирлик давридаги психик хусусиятларни ўрганишга қаратилган тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, уларда асосий эътибор девиант хулқ-атвор, характер акцентуацияси, болалар ва ўсмирлар суициди, ўз-ўзига баҳо бериш ва назорат қилиш муаммоларига қаратилади. Н.М.Далимованинг тадқиқот ишида компьютер ўйинлари ўсмирда тажовузкор хулқ-атвор шаклланишига таъсир этувчи омил сифатида ўрганилган.

Ўсмирларда кузатиладиган агрессиянинг моҳиятини яхшироқ тушуниш учун бу даврнинг ўзига хос характерли хусусиятларини билиш жуда муҳим. Ўсмирлик даври инсоннинг 11-12 ёшдан 14-15 ёшгача бўлган даврини ўз ичига олади. Бу қисқа вақт давомида ўсмир ўз ривожланишида катта йўлни босиб ўтади: ўз-ўзи билан, шунингдек ён-атрофидаги яқинлари билан содир бўладиган ички низолар, тез-тез кузатиладиган ташқи норозиликлар, юксалишлар кабиларга тўқнаш келиб, у ўзида шахс бўлиб шаклланиш ҳиссини туяди. Ривожланишнинг юқори босқичига кўтарилаётганлигини сезган ўсмир, энди ўзини кучли, мустақил, иродали, кечаги кунга қадар унинг учун ота-онаси ҳал қилиб юрган муаммоларнинг ечимини энди ўзи топишга қодир деб ҳисоблай бошлайди. Ўсмирнинг катталарга ўхшаш, катта бўлиш истаги атрофдагиларнинг қаршилигига сабаб бўлади.

Катталарнинг муносабатлар тизимида хали етарлича тажрибага эга бўлмаган бола болалар жамоасида ўз ўрнини топади. Тенгқурлари билан мулоқот қилиш жараёнида ўсмир ижтимоий хулқ-атвор нормалари, ахлоқ меъёрлари кабиларни ўзлаштиради, ўзаро тенглик, шунингдек бир-бирига нисбатан ҳурмат муносабатлари ўрнатилади. Мулоқот ўсмирнинг етакчи фаолият турига айланиб боради. Аммо бу фаолият тури ҳар доим ҳам бир текис, силлиқ, конфликтларсиз кечмайди. Натижада, ўсмирлар тўғри мулоқот қилиш ва бир-бири билан дўстлашишни, бир-бирини тинглаш ва эшитишни, ўз кечинмаларини таҳлил қилиш ва улар ҳақида гапиришни ҳар доим ҳам уйдлашмайди. Мулоқот маданиятининг шаклланмаганлиги, бунинг оқибатида ўз-ўзидан қониқмаслик ҳиссининг ривожланиши, депрессия, ижтимоий апатия ва албатта агрессивликнинг келиб чиқишига замин яратилади.

Юқоридаги омиллар таъсирида, замонавий ўсмирларда кузатиладиган хулқдаги оғишлар, тажовузкорлик, эмоционал беқарорлик, ҳиссиётларни бошқара билмаслик каби ҳолатларни кузатиш мумкин.

Ҳозирги замонавий илмий адабиётларда ўсмирлар агрессивлигини ўрганиш муаммосига бағишланган асарлар талайгина.

М.Л.Мельникованинг фикрига кўра, агрессивликнинг намоён бўлиши ўсмирлик даврида яққол кузатилади. Унинг бир қанча сабаблари мавжуд:

- биринчидан, бу ёшга келиб, шахс хусусиятлари барқарор тарзда шаклланади, жумладан ўсмирдаги агрессивлик, бу эса ўсмирнинг тегишли хулқ-атвор шаклининг намоён бўлишига таъсир қилади;

- иккинчидан, ўсмирлик даврига хос бўлган эмоционал сезирлик ва мувозанатсизлик, импульсив хатти-ҳаракатларнинг, шў жумладан, агрессив ҳаракатларнинг табиатини белгилайди;

- учинчидан, айнан мазкур ёшда ташқи детерминация агрессив хулқ модели кўринишида тенгқурлари орасида энг муваффақиятли фаолият шакли сифатида муҳим аҳамият касб этади [4].

Ғарб психологиясида агрессивлик қандай кўринишда намоён бўлмасин бошқа тирик мавжудотга зарар етказишга қаратилган хатти-ҳаракатлар деб қаралади.

Бугунги кунда турли муаллифлар томонидан агрессиянинг кўплаб таърифлари таклиф этилган: биринчидан агрессия деганда кучли фаоллик, ўз-ўзини тасдиқлашга интилиш, инсоннинг ташқи кучларга қарши бардош беришга имкон берувчи ички куч тушунилади [5];

Иккинчидан агрессия душманлик ҳаракатлари ва реакциялари, ҳужум, вайрон қилиш, бошқа шахсга, объектга ёки жамиятга нисбатан зарар етказишга уринишда куч ишлатишни англатади [6].

Агрессия бошқаларга таҳдид соладиган ёки зарар етказадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатдир [7].

Д.Коннор агрессияни ўзгаларга жисмоний ёки танасига зарар етказишга уриниш атамаси билан чеклайди [8].

Ғарб тадқиқотларида агрессивлик қисқа муддатли эмоционал ҳолат ва инсон характерида хос хусусият сифатида қаралади. Л.Берковиц агрессивликни турли хил шароитларда агрессив реакция билдиришининг барқарор тайёргарлиги сифатида кўрсатган [9]. Унинг нуқтани назаридан агрессивликни агрессив хулқ-атворга мойиллик деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир.

Россия тадқиқотчилари агрессияни салбий ҳуқуқий, ахлоқий ва ҳиссий жиҳатларга эга бўлган мвайян хулқ-атворнинг натижаси деб ҳисоблайдилар. Агрессивлик бу шахс хусусияти деб тушунилади ва агрессия ҳолати агрессиянинг эмоционал жиҳатини англатади.

А.В.Нефедованинг фикрига кўра, агрессивлик бу, зиддиятли вазият юзага келганда агрессив муносабатга мойилликни акс эттирувчи шахс хусусиятидир. Агрессив ҳаракат – вазиятга мос муносабат билдириш орқали агрессивликнинг намоён бўлишидир. Агар агрессив ҳаракатлар тез-тез такрорланиб турса, у ҳолда бундай ҳаракатлар агрессив хулқ-атвор кўринишига айланади. Агрессия бу – инсоннинг зиддият ва фрустрацияли вазиятлардаги хулқидир [10].

А.А.Реаннинг фикрича, агрессия бу бошқа инсонга, инсонлар гуруҳига ёки ҳайвонга зарар етказиш мақсадида қасдан қилинган ҳаракатлар [11].

Инсон ижтимоий муносабатлар маҳсули сифатида жамиятда фаолият юритар экан, фаолиятининг муваффақиятли, сермахсул ҳамда ўрناق бўладиган даражада ижобий бўлишида унинг хулқ-атвори муҳим аҳамиятга эга.

В.Г.Крысько агрессивликни ижтимоий хулқ-атвор шакли сифатида баҳолайди, чунки инсон агрессив хулқ-атвори ижтимоий муносабатларнинг ўзаро таъсирида шаклланади. Хулқ-атворни агрессив деб белгилашда ижтимоий норма тушунчаси ҳал қилувчи ўринга эга.

Ижтимоий нормалар муайян ҳаракатларни белгилашнинг назорат механизмини ташкил этади. Ушбу нормаларга амал қилинганда, бундай хулқ-атворнинг оқибатлари оғирлик даражасидан катъи назар, агрессив ҳисобланмайди [12].

Қуйидаги икки жиҳат кузатилса хулқ-атвори агрессив деб аташ мумкин: жабрланувчи учун ҳалокатли оқибатлар юз берганда; хатти-ҳаракат нормалари бузилганда.

Ўсмирларнинг агрессив хулқ-атвори муаммоси бугунги кунда бутун дунёда кучли ижтимоий йўналишга эга бўлиб бормоқда. Айни дамда ўсмирларнинг агрессив хулқ-атворини ижтимоий-педагогик профилактика қилиш ишларини самарали ташкил этиш умумтаълим мактаблари фаолиятининг энг муҳим йўналишига айланди.

Юқорида келтирилган илмий маълумотларни таҳлил қилиб, шуни таъкидлаш мумкинки, агрессив хулқ-атвор ижтимоий-психологик омиллар таъсири остида шаклланиб боради. Агрессив хатти-ҳаракат, биринчи навбатда, бирор инсонга қарши қаратилган ташқи ифодаланган ҳаракатдир.

Ўсмирлик агрессиясини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш, уларнинг эмоционал кечинмалари, ҳисларини тушуниш, улар билан олиб бориладиган психологик коррекция имкониятларини белгилаш имконини беради.

Ўсмирга низоли вазиятларда бошқача усуллар билан ҳал этиш имкониятларини тушунтириб бера олиш зарур.

Ўсмирларда агрессия ҳолатлари намоён бўлганда психологлар билан маслаҳатлашиш, улар билан ўтказиладиган тарбиявий жараёнда ўзларининг хатти-ҳаракатларини мувофиқлаштиришни талаб қилади. Шуни ёдда тутиш керакки, агрессив хулқ, аввало,

ўсмирлардаги салбий эмоционал ҳолатлар таъсирида шаклланади. Шунинг учун катталар, аввало, ўзларидаги салбий эмоционал ҳолатларни бошқара олишлари зарур. Бу билан ўсмирга инсоннинг ўзини-ўзи бошқара олиши кўп ҳолларда ижтимоий вазиятни яхшилашнинг энг мақбул усули эканлигига ўрнатилган.

Бу борада агрессив хулқ кўринишларининг намоён бўлиши ҳолатларида кескин вазиятни юмшатиш, ўсмирнинг шахсига ҳурмат билан қараш талаб этилади. Бундай ҳолатларда умуман қўлланилиши мумкин бўлмаган ҳолатларни таъкидлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- овозни кўтариш, таҳдид қилиш;
- тазйик ўтказиш;
- норозилигини бақирик билан билдириш;
- агрессив юз ва тана ҳаракатларидан фойдаланиш;
- мазаҳ, калака қилиш;
- ўсмир шахсига ёки унинг яқинлари, дўстларига нисбатан салбий фикр;
- жисмоний куч ишлатиш;
- низоли вазиятга бегоналарни жалб қилиш;
- ўзининг ҳақлигини тинмай таъкидлаш;
- ахлоқий мавзуларда узундан-узук суҳбатлар ўтказиш;
- жазолаш ёки жазолаш билан кўрқитиш;
- ўсмирни тенгдошлари билан таққослаш, унинг бошқаларга нисбатан заиф жиҳатларини таъкидлаш;
- ўсмирга босим ўтказиш;
- ўз ҳаракатларини оқлаш мақсадида мукофот ваъда қилиш.

Айрим ҳолларда юқорида келтирилган ҳолатлар қисқа муддатга ўсмир хулқини ўзгартириши мумкин. Лекин кейинги салбий оқибатлари агрессив хулқ кўринишларига кўра кучли бўлган салбий ҳолатлар шаклланишига олиб келиши мумкин.

Адабиётлар

1. Nazarov Q. Falsafa: qomusiy lugʻat. – Т.: «Sharq», 2004. 496-b.
2. Мещерякова Б.Г. Большой психологический словарь. - М.: «ЮНИТИ – ДАНА», 2006. –С. 815.
3. Ениколопов С.Н. Агрессия в обыденной жизни. – М.: Научная книга, 2014. –С. 496.
4. Мельникова М.Л. Когнитивно-поведенческая оценка агрессивного поведения подростков. // Психологические проблемы развития и существования человека в современном мире: сб. науч. тр. – Екатеринбург: Урал. гос. пед. ун-т., 2008. – С. 8-18.
5. Брель Е.Ю. К проблеме определения агрессии в отечественных и зарубежных психологических исследованиях. // Ежегодник Российского психологического общества. 2015. №5. – С.221-222.
6. Эрон Р. Агрессия: учебное пособие. СПб.: -Питер: 2010. –С. 352.
7. Басс А. Концепция агрессии / враждебности: учебник / А. Басс, А. Дарки. – Екатеринбург: 2013. –С. 260.
8. Коннор Д. Агрессия и антисоциальное поведение у детей и подростков: учебное пособие. СПб.: Прайм-ЕВРОЗНАК, 2015. –С. 288.
9. Берковиц Л. Агрессия: причины, последствия и контроль. – СПб.: Прайм-Еврознак, 2014. –С. 512.
10. Нефедова А.В. Психология девиантного поведения: курс лекций / А.В. Нефедова. – Владимир: ВлГУ, 2015. –С. 76.
11. Реан А.А. Психология адаптации личности. Анализ. Теория. Практика: учебное пособие / А.А. Реан, А.Р. Кудашев, А.А. Баранов. – СПб: ПРАЙМ-ЕВРОЗНАК, 2006. –С. 479.
12. Крысько В.Г. Психология и педагогика: учебник для бакалавров. /В.Г. Крысько. – Люберцы: «Юрайт, 2016. –С. 471.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада ўсмирлик ёш даврида намоён бўлувчи хулқ-атвор типларидан агрессия ва агрессив хулқ тушунчалари, бу соҳада илмий изланишлар олиб борган хорижий, маҳаллий олимларнинг қарашлари, берган таъриф ва қоидалари ҳамда ҳозирги замонавий жамиятда психология фанлари доирасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар шахс хулқ-атворига дахлдор бўлган муаммолар орасида агрессия энг етакчи ўринга кўтарилганлиги ҳақида фикр юритилади.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются понятия агрессии и агрессивного поведения, проявляющиеся в подростковом возрасте, взгляды, определения и положения зарубежных и отечественных ученых, проводивших научные исследования в этой области, а также то, что в современном обществе научные исследования, проводимые в рамках психологической науки, показывают, что агрессия занимает ведущее место среди проблем, связанных с поведением человека.

SUMMARY

This article discusses the concepts of aggression and aggressive behavior that manifest themselves in adolescence, the views, definitions and positions of foreign and domestic scientists who have conducted scientific research in this field, as well as the fact that in modern society, scientific research conducted within the framework of psychological science shows that aggression occupies a leading place among the problems associated with human behavior.

ИННОВАЦИОН РАҲБАР ИЖТИМОЙ – ПСИХОЛОГИК ФЕНОМЕН СИФАТИДА

Т.А.Нурабуллаев – таянч докторант

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институту

Таянч сўзлар: инновация, янгиликлар, модернизация, бошқарув, фаолият, раҳбар, новаторлик, креативлик, шахс, ижтимоий-психология, компетенция, лидер, ташаббускор, харизматик, трансформацион, етакчилик, самарадорлик.

Ключевые слова: инновации, новости, модернизация, менеджмент, активность, лидерство, инновации, креативность, личность, социопсихология, компетентность, лидер, инициативность, харизматичность, трансформация, лидерство, эффективность.

Key words: innovation, news, modernization, management, activity, leadership, innovation, creativity, personality, sociopsychology, competence, leader, initiative, charisma, transformation, leadership, efficiency.

Маълумки, замонавий раҳбарга хос инновацион хусусият - шахсининг новаторлик сифати ҳисобланиб, у орқали жамият ва давлат раҳна топади шунингдек, янгиликлар яшаш ва янгиликлар ҳаёт тарзи амалга оширилади. Ушбу долзарб вазифалар раҳбар шахслар фаолияти билан узвий боғлиқ саналиб, уни ижтимоий-психологик жиҳатдан тадқиқ этиш ўта аҳамиятли ҳисобланади. Қолаверса, инновацион етакчи раҳбар ва унинг бошқарув услуби, раҳбар шахсига хос характерологик хусусиятлар, новатор раҳбарга қўйиладиган талаблар, самарадор бошқарув тизими, ташаббускор раҳбар каби масалаларга бағишланган янги маҳаллий психологик тадқиқотлар, раҳбар кадрлар соҳасини қайта ислоҳ қилиш, жамият бошқарувини модернизация қилиш ишларида илғор ғоялар сифатида хизмат қилиши табиийдир. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, мазкур мақола мавзуси ўрганилиш жиҳатдан ўта долзарб саналади.

Таъкид жоизки, замонавий раҳбар, муваффақиятли раҳбар, намунали менежер тушнчалари кўпроқ бошқарув психологияси ҳамда ташкилий психология доирасида тилга олинган феномен тушунчалар ҳисобланади. Бироқ, инновацион етакчи раҳбарга хос қатор ўзига хос хусусиятларни, ижтимоий-психологик тадқиқотлар мазмунида ҳам учратиш мумкин.

Ҳозирга қадар бошқарувда раҳбар имкониятлари ва муваффақиятли раҳбар масалаларига оид харизматик, трансформацион, ўзгарувчан етакчилик, тузатувчан етакчилик каби ёндошувлар мавжуд бўлиб, уларда инновацион раҳбар хулқ-атворида хос қўллаб ижтимоий – психологик хусусиятлар мажмуи тавсифланган.

Тадқиқотчи В.Г.Грязева-Дошинскаянинг айтишича, инновацион раҳбар фаолияти психология учун янги тадқиқот ғояси саналиб, уни илк бор тадқиқ этган олимлар сифатида Дж.Каджери, Д.С.Дайл, Э.И.Лессер, Т.Л.Томас, А.Г.Вас, Р.Л.Дафт, Э.Д.Шейн ҳамда Д.К.Харрес кабиларни тан олиш мумкин[1:97]. Муаллифлар асосан, инновацион раҳбарнинг жамият ўзгаришларига бўлган муносабати ва янгиликларга мослаша олиш қобилияти масалаларига кўпроқ эътибор қаратишган. Мазкур тадқиқотларда инновацион раҳбар шахсини тавсифловчи махсус қобилиятлар, шахслик хусусиятлари, хулқ-атвор стратегияси, функционал соҳа, бошқарув ходими ҳагги-ҳаракатларини маданий жиҳатлари, бошқарув ва фикрлаш услуби, раҳбарга хос типологик сифатлар кабилар илмий ёритилган. Қуйида айрим олимларнинг муаммос борасидаги изланишлари мазмунини ёритишга ҳаракат қиламиз.

П.С.Глухова ҳам инновацион раҳбар фаолиятининг ўзига хосликлари борасида тадқиқотлар олиб бориб, унга шундай таъриф беради[2,74]: “инновацион раҳбар ташкилотдаги ўзгаришларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди, ташки содир бўлаётган ўзгаришлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олиб, ишни бажаришда ўз жасоратини намойиш этади. Шунингдек, бошқалар томонидан берилган таклиф ва мулоҳазаларни қабул қилувчи, уларни қайта ишловчи шахсдир. олишга тайёрлигига жасорат ва ишончини намойиш этади. Демак, бундай раҳбарлар қайси соҳа бўлмасин доим янгиликни истовчи, уни қўллаб –қувватловчи, новатор шахслардир.

Ўқоридаги фикрлардан фарқли ўлароқ, инновация мойил раҳбарлар олдиндан стратегиялар тузувчи ва уларни ўз вақтида қўллаб олувчи кишилардир. Н.В.Городникова айтишича, янгиликлар ва ўзгаришларни яратадиган раҳбарлар ижтимоий фаолдир. Улар зарурат туғилишидан олдин ҳаракат қилиб улгурадилар. Яъни улар кимдандир ғоя ёки ёрдам кутиб ўтиришмайди [3:15]. Шунинг учун ҳам, уларнинг фаолияти муваффақиятли яқунланади. Мазкур мулоҳазалардан шу нарса маълум бўладики, раҳбар фаолиятининг самарадорлиги бу ундаги интуиция қилиш қобилияти билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Интуиция бу – олдиндан бирор янгилик ёки ютуқ имкониятларини кўра олиш қобилияти саналади.

Айрим манбаларда, инновацион раҳбарга хос ғайри оддий ижтимоий –психологик сифатлар мавжудлиги таъкидланади. Мисол учун, Р.Л.Дафтининг тадқиқотларида келтирилишича, инновацион раҳбар бу – ғайри оддий ҳаракат қилувчи, носантдарт фикрловчи, ёрқин ишларга қодир, янги маданиятга тез мослаша олувчи, ижодкорликни қўллаб – қувватловчи, бошқаларни муваффақият сари етакловчи шахсдир [4:216]. Демак, замонавий раҳбар учун ностандар фикрлаш, ҳаракат қилиш муҳим саналиб, у муваффақиятни таъминловчи психологик шарт-шароитлардан бири ҳисобланади.

И.В.Коневнинг сўзларига кўра, инновацион ишларни ташкил қилиш учун раҳбар шахсида қуйидаги қобилиятлар шарт ҳисобланади [5:14]:

- Ҳар қандай ташки ўзгаришларга тезкор жавоб бериш қобилияти;
- Бошқарув тизимини соддалаштира олиш;
- Вазифаларни амалга ошириш вақтини қисқартира олиш;
- Гуруҳ аъзоларининг таклифлари ва тавсияларига эътиборли бўлиш;
- Гуруҳнинг барча иштирокчилари ўртасида илик муносабатлар ўрната олиш;
- Энг истеъдодли ходимларни бир гуруҳдан бошқасига ўткази олиш қобилияти.

Ўқорида келтирилган таснифлар мазмунидан шу нарса маълум бўладики, бўлажак раҳбар кадрлар шахсида вазиятларни тез идрок қилиш, қўл остидаги ходимларни бошқара олиш, истеъдодли ходимларни ажрата олиш каби қобилиятлар шаклланган бўлиши лозим саналади.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг айтишича, инновацион раҳбар фаолиятини тадқиқ этиш учун аввало, инновацион фаолият тушунчаси мазмунини аниқлаштириб олиш лозим. Л.Н.Оголевойнинг таърифида, инновацион фаолият - бу илмий изланишлар, янги турдаги маҳсулотларни яратиш, асбоб-ускуна ва меҳнат объектларини такомиллаштириш, технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш, ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг динамик характерини тушуна олиш, фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари тўғрисида маълумотларга эга бўлиш, илмий-техник тараққиётни режалаштира олиш, иқтисодий ислохотлар ва имтиёزلарни такомиллаштири олиш ҳамда иш жойида самарадорликка олиб келиб келувчи чора-тадбирларни

ташқил эта олиш каби қатор компетенцияларни ўз ичига олган фаолият туридир [6:132].

И.В.Афонинга кўра, раҳбар томонидан инновацион ҳаракатларни амалга ошириш зарурати сифатида қуйидаги вазиятлар ажратилади [7:85]:

- Мажбурий;
- Адаптив;
- Инқирозли
- Қарама-қарши бошқарув ва ҳоказо.

Юқоридаги мулоҳазадан фарқли ўлароқ, намунали ҳамда новатор раҳбар шахсига тегишли ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятлар фарқланиб, нинг таснифича улар қуйидагилар саналади:

– Режалаштириш ва тахмин қилиш, қарорлар қабул қилиш, ижрочилар учун мақсад ва вазифаларни белгилаш;

– Қуйи одамлар ва жамоаларнинг биргаликдаги фаолиятини ташқил этиш ва мувофиқлаштириш;

– Бошқариш, ва авторизация қилиш;

– Ўз жамоасида ижобий психологик иқлимни шакллантириш;

– Қўл остидаги ходимларга психологик ва ижтимоий-психологик таъсир эта олиш;

– Ходимларнинг ақлий саломатлигини сақлаш ва руҳий ва соматик касалликларининг олдини олишни ташқил этиш;

– Ташкилотда психологик ишларни олиб бориш – яъни унга муҳтож бўлганларга психологик ёрдам кўрсатиш, шунингдек психологик диагностика, амалий психолог томонидан олиб бориладиган психодиагностика ишларини назорат қилиш ва ҳоказо.

Бизнингча, юқорида келтирилган психологик сифатлар билан бирга, ҳар қандай раҳбар шахс учун қуйидаги фазилатлар ҳам муҳим ҳисобланади:

1. Ижтимоий-ахлоқий фазилатлар: ижтимоий ва шахсий мотивларнинг уйғунлиги, ижтимоий масъулият, бурч ҳисси, мажбуриятларни бажаришдаги аниқлик ва интизомлилик;

2. Интеллектуал фазилатлар: тезлик, мослашувчанлик, мустақиллик ва танқидий тафаккур, креатив фикрлаш, ўз-ўзини назорат қила олиш;

3. Ташкилий ва бошқарув фазилатлар: талабчанлик, бўйсунувчиларга ҳурмат ва хушмуомалалик, сўзга содиқлик, бошқарув, ҳиссий ва ихтиёрий барқарорлик;

4. Коммуникатив фазилатлар: юқори даражада ва ҳақиқий ўзини ўзи англаш, ўзига ишонч, ўзини ўзи англаш, ўзини ҳурмат қилиш, ҳазил туйғуси, саводхонлик, нутқнинг аниқлиги ва экспрессивлиги ва ҳоказо.

Инновацион бошқарув фаолияти ўзига хос мураккаб фаолият сифатида, икки асосий жиҳат билан характерланади:

– Биринчи навбатда, ушбу жараён ижтимоий эҳтиёжлар даражасининг ошиши билан тавсифланиб, унда бошқарув ва хизмат вазифаларини бажаришни такомиллашган усуллари эътиборга олинади. Яъни жамиятни мураккаб ижтимоий-иқтисодий ислохотлар орқали ривожлантиришга қаратилган, янги илмий билимларни яратиш, бошқаларга тарқатиш ва уларни амалиётда қўллаш орқали янгиланишга эришишдир;

– Иккинчидан, бу фаолият ишлаб чиқаришнинг инновацион салоҳиятини ташқил этувчи элементлар тўпламидан фойдаланиш саналиб, у ташкилотдаги самарали иш тизими, муваффақиятли бошқарув усули, раҳбар ва ишчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг ижобий кўриниши қабилар билан тушунтирилади. Демак, жамият ҳаётида ижтимоий эҳтиёжларнинг ортиши ва ташкилотда яратилган

самарали иш тизми қабилар ишда муваффақиятти таъминловчи психологик омиллардир.

Айрим тадқиқотларда инновацион раҳбарга хос хусусиятларни тушунтиришда қабий компетенлик тамойили орқали ёндашиш ҳолатларини кўриш мумкин. А.К.Маркова касбий компетентликнинг қуйидаги турларини ажратади [8,9]:

– Махсус компетенция - жуда юқори даражада касбий профессионаликка эга бўлиш, яъни кейинги касбий истикболни кўра олиш қобилияти. Бундан ташқари ушбу компетенция шахснинг ишлаб чиқариш жараёнидаги режалаштириш қобилиятини, компьютер билан ишлаш, техник ҳужжатларни юқори савияда ўқиш қобилиятларини ҳам қамраб олади;

– Ижтимоий компетенция - биргаликдаги касбий фаолият, ҳамкорликка, гуруҳий ишлашга устунлик, шунингдек, касбий фаолият натижалари учун юқори ижтимоий жавобгарликка эга бўлиш;

– Шахсий компетенция - касбий фаолиятда ўзини намоён қилиш ва ўзини ўзи ривожлантиришга эғалик. Шунингдек, ушбу компетенция шахсдаги ўз ишини режалаштириш, уни бошқариш ва тартибга солиш, мустақил равишда қарор қабул қилиш қобилияти, инновацион ечимларни топиш қобилияти назарий ва амалий фикрлаш, муаммоларни кўриш қобилияти қабиларни ҳам қамраб олади.

– Индивидуал компетенция – касбий фаолиятда шахснинг ўзини ўзи англаши ва ривожланиши, касбий ўсишга тайёрлик, ўз-ўзига ишонч, юқори мотивация, ўзини ҳимоя қилиш қобилияти, вақтни ва кучни тўғри тақсимлай олиш, фидокорна ишлашга аосланган қобилият. Муаллифнинг мазкур мулоҳазаларига кўра, юқоридаги компетентлик турлари инсоннинг тўсатдан мураккаб шароитлардаги ишлаш фаолиятида, ва уни бажариши жараёнида намоён бўлади. Айниқса, бу ҳолат бўлажак офицерларнинг келгусидаги хизмат фаолиятида яққол намоён бўлади. Бў эса, ўз-ўзида касбий компетентлик тушунчасини ўқитувчилик касби орқали тадқиқ этиш заруратини ҳам юзага келтиради.

Психолог Л.А.Балакиреванинг таъкидича, шахсда етакчилик қобилиятини таъминловчи қуйидаги психологик окмпонентлар мавжуд [9:56]:

– Диққатни бошқариш - раҳбар натижа, мақсад ёки ҳаракатни ўз ҳамкасбларига жозибали кўринишда тақдим этади;

– Маълумотларни етказиб бериш қобилияти - етакчи режаларнинг маъносини гуруҳнинг ҳар бири тушуниши ва маъқуллаши учун аниқ етказилади;

– Бошқаларда ишонч ҳиссини уйғота олиш;

– Ўзини ўзи бошқара олиш қобилияти - раҳбар доимий равишда ўз устида, айниқса, ўз шахсий фазилатлари устида ишлаши лозим. Ана шунда, улар айрим хусусиятлар касбий аҳамиятли фазилатларга айланади ва бу фаолиятнинг муваффақияти учун катта ёрдам беради.

